

# БҮЛҮБ ИЛМУ ҲИКМАТҚА ҲАМДАСТ



70

2024

**БЎЛУБ  
ИЛМУ  
ҲИКМАТҚА  
ҲАМДАСТ**



**SamDTU  
axborot-resurs markazi**

УЎК 63(092)(575.1)

КБК 4г(5Ў)

Б 99

Бўлуб илму ҳикматқа ҳамдаст. Профессор Тоштемир Эшимович Остонакулов ҳақида. Рисола. – Самарқанд: “Fan bulog‘i” нашриёти, 2024. – Б.268.

Ушбу рисолада қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Тоштемир Эшимович Остонакуловнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, илм йўлида чеккан захматлари, олий таълим сифатини яхшилаш учун қилган ташкилотчилиги ва фидойиликлари ҳақида олимнинг устозлари, ҳамкасблари, шогирдларининг дил сўзлари ўрин олган.

**Масъул муҳаррир** – филология фанлари доктори,  
профессор Каримов С.А.

**Тақризчилар** – қишлоқ хўжалик фанлари доктори,  
профессор Орипов Р.О.  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори,  
профессор Ҳамзаев А.Х.

ISBN 978-9910-753-51-0

© Бўлуб илму ҳикматқа ҳамдаст. Остонакулов Тоштемир, 2024 йил.

© “Fan bulog‘i” нашриёти, 2024 йил.


## СЎЗ БОШИ

*Илм бу дунёда иззат, охирагда шарафдир.  
Ҳадис.*

Биродарим ва қадрли инсоним Тоштемир Эшимович Остонакуловнинг ҳаёт саҳифаларини баҳоли қудрат варақлашга ҳаракат қилганимда унинг қуйидаги битикларига кўзим тушди: “Ҳали мактабга бормаган пайтларим, олти ёшда эдим, шекилли, отамнинг бир челак картошка экканлигини, вақти-соати етиб қовлаганларида бир дона ҳам ҳосил чиқмаганини эслайман”. Ким билади дейсиз, балки ўша дамда Аллоҳ таоло мурғак боланинг қалбида “Нега шундай бўлди?” деган саволни пайдо қилгандир, балки бу савол унинг инсон сифатида шаклланигандан, катталардек тафаккур қила бошлаганидан далолат бўлгандир...

Тоштемир домла Сурхондарё фарзанди, кўнғирот элининг фарзанди. Беихтиёр “Алпомиш”ни варақлайман: *Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Кўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағин икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсарни қўйди. Бойбўри билан Бойсарни – иккови катта бўлди. Бойсарни бой эди, Бойбўри эса шой (шоҳ) эди... Балки бизнинг қаҳрамонимизнинг бобо-момолари ҳам Бойбўри ва Бойсарни авлодидандир, балки томирларида Алпомишнинг қони оқаётгандир...*

Ҳарқалай, кўп қиллик қадрдонимдаги кенглик ва меҳрибонликни, самимият ва тўғрисўзликни кўриб, фикр қиламанки, бу бетакрор инсоннинг генофонди Сурхон водийсига, табиатига хос бўлган мусаффоликни, унинг одамлари фитратидаги жўмардликни ўзида сақлаб келмоқда.




Тоштемир домланинг хотираларидан яна бири. Оталари Эшим Остонакулов 87 йил умр кўрибдилар, бутун ҳаёти давомида чорвачилик ва деҳқончилик билан машғул бўлибдилар. Онажони Ойдарам Кенжаева эса бор-йўғи 47 йил яшабди, афсус... Бу азиз инсонларнинг охираглари обод бўлсин!.. Ҳосилни йиғиштириш пайтлари оғир бўлар эканми, онажон фарзандлари ҳаққига йиғлаб дуо қилар эканлар, Тоштемирини алоҳида тилга олиб, “раисларни, райкомларни ўқитадиган катта домла” бўлишини Аллоҳдан сўрар эканлар.

Аллоҳ олдида рад этилмайдиган дуо – ота-онанинг дуосидир. Бу ҳақиқатни англаб етгунича қанчадан-қанча худобехабарларнинг умри ўтиб бўлади. Аммо биродаримиз бу дуоларнинг мағзини вақтида чақа билди, унинг ижобат бўлиши учун астойдил ҳаракат қилди.

Дастлабки қилган иши ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, не-не улуғларга, буюкларга, алломаларга бешик бўлган Самарқанд сари йўл олиш бўлди. Аммо ўша пайтлари бу улуғ шаҳар унинг тақдирини мутлақо ўзгартириб юборишини, онажонининг дуолари айнан ана шу қутлуғ масканда ижобат бўлишини билганмикан?.. Ўзининг шу ерда оила қуриб, фарзандлару невараларининг ўсиб улғайишлари ва камол топишларини хаёлига келтирганмикан?... Ҳарқалай, шундай бўлди. Бу эса Тоштемир домла учун Аллоҳнинг улуғ неъматини ва сийлови бўлди.

Инсон ўз тақдиридан мамнунлигини мана шундай лаҳзаларни кўз олдига келтиргандагина ҳис қилиши мумкин. Ахир, буюк Бобур “Бобурнома”да бекорга “Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур. Самарқандни Искандар бино қилғондур. Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай”, деб ёзмаган... Мустақиллигимиз меъмори Ислом Каримов



"Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интиланлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари – мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди" деб ёзганида қалби қанчалик фахр ва ғурурга тўла бўлганлигини ҳис қилиш қийин эмас...

Шундай қилиб, 1970 йилдан қаҳрамонимизнинг ҳаётида янги давр, инқилоб даври бошланди. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агорономия факультетининг талабаси бўлди, беш йил мобайнида фақат аъло баҳоларга ўқиди. Аспирантура, докторантурада таҳсил олди, Самарқандда номзодлик, Санкт-Петербургда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Доцент, профессор, Санкт-Петербург Фанлар академиясининг академиги бўлди. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида оддий ўқитувчиликдан тортиб, ректорлик лавозимларида ишлади.

Қаранг энди, бир неча қаторга сиққан оддий биографик маълумот. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, унда бир заҳматкаш ва фидойи инсоннинг тақдири, шонли ва шарафли ҳаёт йўли ётибди.

Ўйлаб қоламан, бу қандай йўл эканки, Тоштемир домлани бу қадар юксакликка олиб чиқибди, Аллоҳнинг севимли бандасига айлантирибди. Жавобни ҳам ўзим топаман: бу йўл – илм йўли, маърифат йўли. Ҳамма ҳам юра олмайдиган, азобларига ҳамма ҳам бардош бера олмайдиган машаққатли йўл. Аммо Тоштемир домла қийинчиликларини англаб етган ҳолда илм йўлини танлабдими, ҳалоли бўлсин! Шу йўлда бардавомми, Аллоҳ баракасини берсин!

Дарҳақиқат, бу меҳнаткаш, тиниб-тинчимас инсонни ҳам фанда, ҳам одамийликда, ҳам ташкилотчиликда юксакка олиб чиққан буюк неъмат бу – илму маърифат

бўлди, ана шу йўлда унга чароғбонлик қилган олиму фозил кишилар бўлди.

*Узоқларда қолди туғилган уйим,  
Ажиб болалигим қолди узоқда (А.Орипов)*

Бугун ёши улғайиб, сочларига оқ оралаган Тоштемир домла ана шу олис-олисларда қолган уйини, ажиб болалигини ёдга олганида, ҳаётдан илк сабоқларни берган кимё ва биология фанлари ўқитувчиси Бакир Эргашев, физика ва математика фанларидан таълим берган Файзи Бозоров ва Боймурод Жўраев, она тили ва адабиёт сеҳрини ўргатган Ёқубхон Усанов ва Раҳмон Мустафоқулов, жисмоний тарбия мураббийси Янгибой Имомов каби устозларини ширин бир хўрсиниш билан эслайди.

Талаба бўлгач, тақдир уни яна бир поғона юқорида бўлган академик Диамат Абдукаримовга, Искандар Ҳамдамов, Панжи Узоқов, Шариф Назаров, Е.П.Горелов сингари профессорларга ва бошқа кўплаб устозларга дуч қилди. Устозлар силсиласидан россиялик олимлар – академик К.З.Будин, Б.А.Писарев, А.Г.Зыкин ҳамда мамлакатимиз олимлари В.И.Зуев, С.Х. Хушвақтов каби профессорлар мустаҳкам ўрин олди.

Тоштемир домла бу улуғ мураббийлардан беҳад миннатдор. Илм йўлига бошлаган, илмини ўргатган, шогирдини устозларнинг устози мақомига олиб чиққан бу фозил инсонларни ҳамон қалбининг тўрида сақлайди.

Домла шогирдларига ҳам ниҳоятда бағрикенглик, айни пайтда, талабчанлик билан муносабатда бўлади. Уларнинг нуқсонларидан кўз юмади, камчиликларини кечиради, ғамхўрлик қилишдан чарчамайди. Ўлчови битта – шогирдлар илм одами бўлиши, эл-юрт манфаатига хизмат қиладиган ишларни қилиши керак.

Зеро, олам илм нури ила мунаввар, тараққиёт ва ривожланишнинг калити илмда. Икки дунё ободлиги ҳам


илму маърифатга келиб тақалади. Ибн Можа ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ким илм ўрганиш йўлида юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини енгил қилиб қўяди. Дарҳақиқат, фаришталар рози бўлган ҳолларида толиби илм учун қанотларини ёзиб турадилар. Толиби илм учун осмонлару ер орасидаги нарсалар ва ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтади. Толиби илмнинг обидга нисбатан афзаллиги, худди ойнинг бошқа сайёралардан афзаллиги кабидир. Албатта олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар дийнор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдирмадилар, балки улар илмни мерос қолдирдилар. Бас, ким уни (ўзига мерос қилиб) олса, улуғ насибани олибди».

Тоштемир домла илм деган улуғ неъматни фақатгина мерос қилиб олмадилар, балки унга талабаларга сабоқ бериш, илмий-оммабоп мақолалар, ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар, монография ва дарсликлар ёзиш, шогирдлар тайёрлаш билан ўзининг камтарона ҳиссасини қўшиб келмоқдалар.

Шу ўринда айрим рақамларни тилга олсак, адолатдан бўлар. Ҳозирга қадар домла 12 турдаги экиннинг 36 та навини яратиш устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борибди, 400 га яқин мақолалари ҳалқаро ва республика миқёсидаги нуфузли журналларда чоп этилибди, 50 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари ва 40 га яқин монографиялар ёзибди. 40 та тадқиқотига муаллифлик гувоҳномаси берилибди, 12 та ихтироси учун патент олинди. 34 та диссертацияга (шулардан 9 таси докторлик) расмий оппонентлик қилибди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида 5 та фан доктори, 20 дан ортиқ фан номзоди ва PhDлар тайёрлабди.

Бу рақамлар нимани англатади? Бир олим учун озми, кўпми? Бу улкан ҳамжмдаги ишлар жуда катта ва






машаққатли меҳнат эвазига юзага келганлигини илмнинг қадрига етадиганлар кўпроқ ҳис қилишади, албатта. Аммо уларнинг оз-кўплиги ҳақида бир гап айтиш қийин. Ҳарқалай, Тоштемир домла учун оз, деб ўйлаймиз. Чунки, бу инсонга Аллоҳ берган ақл-заковат ва истеъдод, куч ва қудрат ҳали яна кўп ишлар қилишга қодир эканлигини айтиб турибди.

Яна бир гап. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, дейди халқимиз. Оилада шунга яраша муҳит бўлгандирки, домланинг ижодига Аллоҳ барака берибди. Мен бу баракани Тоштемир домланинг оиласи – Барчиной аяда деб билдим. Шароитни ана шу олижаноб инсон яратиб берганлигини англадим. Фарзандларининг барчаси олий маълумот олганлигида, ўғли Олимжоннинг иқтисод фанлари доктори, профессор бўлиб, Тошкент олий ўқув юртларининг бирида раҳбарлик лавозимида ишлаётганида, яна бир ўғли Одилжоннинг Америка Қўшма Штатларидек давлатда йирик бир корпорациянинг бош директори бўлиб ишлашида, қизи Аделиянинг ўзбек, тожик, рус, инглиз тилларини мукамал биладиган иқтисодчи-педагог бўлиб вояга етишида шу донишманд аёлнинг улкан ҳиссаси борлигини ҳис қилдим. Ўғилга келин, қизга куёв танлаш, уларнинг тинч-тотув яшашлари ҳам оналар туфайли. Муниса, Нигина келинлар, Нодирбек куёвнинг Остонақуловлар хонадонининг ўз фарзандига айланишига ҳам оналар сабабдир! Ҳаммалари бахтли-саодатли бўлишсин! Жаннат оналар оёғи остидадир!

Гарчи домла 70 ёшни қаршилаётган бўлсалар-да, у кишидаги ғайрат ва шижоат аксарият ёшларда ҳам йўқ эканлигини кўпчилик билади. Тоштемир домладаги ана шу ноёб фазилатлар бизни у киши ҳали кўп хайрли ишларни қила олишидан умидвор қилади. Аммо бу борада биз дўсту-биродаларнинг, яқинларнинг ҳам



зиммамизда вазифаларимиз бор. Бу – домланинг ва оила аъзоларининг ҳақларига ҳамиша дуода бўлиш, уларга Аллоҳдан ҳамиша тинчлик, соғлик, хотиржамлик, мазмунли умр, ижодига ва хонадонларига файзу баракотлар ёғилиб туришини сўрашдир. Дуода бўлайлик, азизлар!

Китобни “Бўлуб илму ҳикматқа ҳамдаст” деб номлаш лозим кўрилди. Ҳазрат Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида буюк Искандар Зулқарнайн таърифида:

*Бўлуб илму ҳикматқа ҳамдаст ҳам,  
Диловарсифатдур, забардаст ҳам*

мисраларини битган эканлар. Зеро, биз қаҳрамонимизни ҳам илму ҳикмат ишини кўллаб қувватлайдиган, шижоатли ва забардаст олим сифатида дилдан эътироф этиб, улуғ шоирнинг мақтовига лойиқ, деб билдик.

Азиз замондош! Ушбу мўжазгина рисолада қишлоқ хўжалиги фанида сезиларли кашфиётлар қилган, Остонақуловлар сулоласига асос солган оддий бир ўзбек йигитининг ҳаёт йўли мисолида илму маърифатнинг қадри, ҳалол меҳнатнинг нечоғлик улуғ неъмат эканлигини яна бир бор таъкидламоқчи бўлдик. Бу бетакрор ва дилкаш инсон ҳаётидан ибратли ўринларни топишингиз ва уни келажак авлодларга етказишингиздан умидвормиз.

**Суюн КАРИМОВ,  
профессор.**

**ОСТОНАҚУЛОВ ТОШТЕМИР  
ЭШИМОВИЧ**

(биографик маълумотлар)

**1954 йил 10 май** – Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Қумқишлоқ қишлоғида туғилган.

**1960-1970** – Жарқўрғон туманидаги 26- ва 20-ўрта мактаблар ўқувчиси.

**1967-1970** – Жарқўрғон туманидаги Сурхон тажриба хўжалиги ишчиси.

**1970-1975** – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультети талабаси.

**1975-1978** – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти пахтачилик кафедраси кичик илмий ходими, ассистенти.

**1978-1979** – Ўзбекистон сабзаёт-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти аспиранти.

**1979-1986** – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти пахтачилик, генетика, селекция ва уруғчилик кафедраси ассистенти.


**1986-1989** – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти пахтачилик, генетика, селекция ва уруғчилик кафедраси доценти.

**1989-1992** – Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти докторанти (Санкт-Петербург).

**1992-2004** – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти мева-сабзаётчилик ва узумчилик кафедраси мудири.

**2004-2005** – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультети декани.

**2005-2011** – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ўқув ишлари бўйича 1-проректори.



2011-2018 – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори.

2018-2020 – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлигининг 270-амалий лойиҳаси раҳбари.

2021 йилдан ҳозиргача – Қарши давлат университети профессори ва СПЭКИТИ Самарқанд илмий-тажриба станцияси AL-442105835 рақамли амалий лойиҳа раҳбари.

**ОСТОНАҚУЛОВ ТОШТЕМИР  
ЭШИМОВИЧ**  
(илмий натижалар)

**Илмий даражалар:**

-номзодлик диссертацияси – “Зарафшон водийси ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида турли суғориш режими ва ўғитлаш меъёрларида картошка ўртапишар навлар маҳсулдорлиги ва уруғлик сифати”, Самарқанд, 1980 йил 3 декабрь.

-докторлик диссертацияси – “Зарафшон водийсида картошка селекцияси, уруғчилиги ва агротехникаси хусусиятлари”, Санкт-Петербург, 1991 йил 21 октябрь.

**Илмий унвонлар:**

-доцент – 1985 йил

-профессор – 1993 йил.

-академик – Петербург Фанлар академияси аъзоси, 2002 йил 13 июнь.

**Ҳимоя қилган шогирдлар:**

-фан докторлари, DSc – 5

-фан номзодлари, PhD – 19

**Нашр ишлари:**

-журнал мақолалари – 376

-ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар – 32

-монография ва рисоалар – 36

-дарсликлар – 18

-услубий қўлланмалар – 65

-тавсияномалар – 69

-анжуманлар, тўпламлардаги мақолалар – 358




**Муаллифлик гувоҳномалари – 38**

**Ихтироларга патентлар – 12**

**Тадқиқ этилган экинлар – 12 тур, 36 нав.**

**Расмий оппонентлик – 34**



A decorative graphic on the left side of the page. It features a large, light green curved shape at the bottom left, transitioning into a white background. Overlaid on this are several black, elegant, swirling lines that resemble vines or calligraphic flourishes. Interspersed among these swirls are several bright green leaves of various sizes, some with small white highlights suggesting dew or light reflection. The overall style is clean and modern.

**ТОШТЕМИР  
ОСТОНАҚУЛОВ:  
ЎЗИМ ҲАҚИМДА**



УЗНАМ ХАКНИМДА  
ОСЛОХИМЧАДОР;  
ТОИЦЕМНБ



## ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Ўтган умримизга, ҳаётимизга назар солсак, унинг машаққатли, ўнқир-чунқир, баланд-паст, эгри-бугри, оғир-енгил қийинчиликлардан, хурсандчилик, ҳатто хафагарчиликлардан иборат эканлигига гувоҳ бўламиз. Албатта, ҳар бир инсон ҳаёти шундай. Баъзида ҳаёт фаолиятингизда нима тўғри ёки нотўғри эканлигини англай олмайсиз, шундай вазиятларда “тўғри” сўзи муаллақ тушунча эмаслигини тушунасиз.

Менинг ҳаётим бу – туғилган қишлоғим, яшаган шаҳрим ҳисобланади. Чунки, мен қишлоғим (Қумқишлоқ)да дунёга келдим, ўспирин ёшлигим, мактаб даврим ота-она ва оғайниларим даврасида ўтди. Ўрта мактабни битирдим, 16 ёшга кирдим. Умримнинг ҳозиригача бўлган салкам 54 йили Самарқанд шаҳрида ўтмоқда. Мен мустақил инсон сифатида, олий маълумотли мутахассис, жамиятга фойдаси тегадиган фуқаро сифатида ўқиб, униб-ўсиб шу даражага келдим.

Тўғри, бошқа одамлар сингари мендаям камчиликлар бор. Аммо мен нолимайман, ҳамиша “шукур” дейман. Камчиликларни енгишнинг ягона йўли бу меҳнат, тинимсиз ўқиш, изланиш эканини яхши биламан. Меҳнат қилган ҳар бир кишида камчиликлар бўлиши табиий. Чунки, ҳаракат фалсафий тушунча сифатида қарама-қаршилиқ ва зиддиятлардан иборат.

Эҳтимолий назарияга кўра, умумий нарса, ҳодиса ва воқеаларни баҳолаш учун улардан ихтиёрий равишда биттаси мутлақ тўғри деб танлаб олинади, қолганлари эса ўшанга нисбатан таққосланади, солиштирилади. Бунинг учун сонларнинг эркинлик даражаси деган тушунча қабул қилинган. Сонларнинг эркинлик даражаси кўпинча 1 га тенг бўлади. Инглиз ва немис олимлари Харди,

SamDTU

Вейнберглар 1908 йилда эркин равишда чатишадиган ва кўпаядиган популяцияларда доминант ва рецессив гомозигота ҳамда гетерозиготаларнинг ҳосил бўлиш нисбатларини оддий алгебраик ифодага  $(P+q)^2=PP^2+2P \times q+qq^2=1$ ) га тенг эканлигини, яъни доминант гомозиготалар сони доминант генлар квадрати, рецессив гомозиготалар рецессив генлар квадрати йиғиндисига, гетерозиготалар сони эса доминант ва рецессив генлар кўпайтмаси 2 бараварига тенглигини исботлаб берган.

Ҳаётда ҳеч ким, ҳеч қачон ана шу табиат қонидасидан чиқиб кета олмайди. Айтайлик,  $P=0,6$ га тенг бўлса,  $q=1-0,6=0,4$ га тенг бўлиб,  $(P+q)^2=(0,6+0,4)^2=0,6^2+2(0,6 \times 0,4)+0,4^2=0,36+0,48+0,16=1,0$  га тенг. Бу фақат эркин равишда чатишадиган популяцияларда кузатилади. Четдан чанглатиш оқибатида бу қоида бузилади. Инсон ҳаётида ҳам шунга ўхшаш қоидаларнинг бузилиши учраб туради. Шунинг учун атрофга, табиатга қилаётган ишларга эътиборли бўлиш, ақл билан иш тутиш доимо фойдадан ҳоли эмас.

Самарқанд илмий-маърифий муҳити азалдан олиму уламолар, давлат арбоблари, олий мақомдаги ҳукмдорлар учун бешик бўлган, таълим-тарбия ўчоғи ҳисобланган. Бу бешикда улғайганлар, ўчоқда тобланганлар ҳаётда камдан кам суринади. Шахсан менинг босиб ўтган умрим шунга мисол десам, муболаға бўлмайди.

\*\*\*

### Мактабим тўғрисида

Юқорида айтганимдек, 1-8 синф таълимини Ҳамид Олимжон номидаги 26-сон мактабда, 9-10 синф таълимини эса К.Маркс номи 20-сон мактабда олдим. Мактабда менга дарс берган барча фан ўқитувчи-

устозларимнинг олдида бир умр қарздорман. Чунки, уларнинг ҳар бири такрорланмайдиган қобилиятга, маҳоратга эга ҳақиқий тарбиячилар эди. Уларнинг ҳар қайсининг педагогик маҳорати, инсоний фазилатлари ҳақида эслайдиган, ёзадиган эсдаликларим талайгина. Масалан, жисмоний тарбия ўқитувчим Янгибой Имомовда (Тошкентни битириб келган эди) табиблик қобилияти бор эди, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларим Якубхон Усанов, Раҳмон Мустафақулов, кимё, биология ўқитувчим Бакир ака Эргашев, физика ўқитувчим, мактаб директори Файзи Бозоров, математика ўқитувчим Боймурод Жўраевларнинг дарс ўтиш услуби, маҳорати (шоир-ёзувчиларни шеърларини айтиб кириши, доскада ўзгарувчан ёки ўзгармас ток бўлиб оқиши, алгебра ёки тригонометриядан формулалар ёзиб, доскани тўлдириб, бирга ишлашлар) ва қайтарилмас имкониятлари мени лол қолдирар эди. Ёки ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги Опарин назариясини биринчи марта мактабда биология фанидан ўқитувчим Бакир ака Эргашевдан эшитганим кечагидек эсимда. Ҳақиқатдан ҳам, мен ўқиган мактаб таълим-тарбия маскани эди.

\*\*\*

### Деҳқончиликка қизиқишимнинг уйғониши

Ёш бола эдим. Беда ўримидамиз. Раҳматли онам бошчилигида акам, опам, янгам ва мен бедани ўрар эканмиз, онам баланд овоз билан йиғлаб, Худодан сўраганлари қулоғимда қолган: "Аллоҳим, насиб бўлса Тоштемирим келажакда раис, директор ва райкомларнинг ўқишида ўқисин, катта одам бўлсин, институтларнинг катталарида ўқиб, райком раис-директорларни ўқитиб юрсин, бобосининг изидан

борсин". Бу гапларни эшитар эканман, ҳар сафар кучли таъсирланардим.

Ер кўп, хоҳлаганча деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиш имкони бор. Бир кечроқ баҳор экан, раҳматлик отам уруғлик картошка олиб келиб, экиб кўрайликчи, деди. Анча кунлар ўтгач, кеч салқинда ковлдик, бир дона ҳам ҳосил чиқмади. Бу ҳолат мени ҳайрон қолдирди ва сабабини топишга ундади. 7-10 синфларда ўқиганимда совхозда буғдой, ғўза, маккажўхори, беда, нўхат, мош каби экинлар далаларига сувчилик қилганман.

Томорқада оқжўхори, ерёнғоқ экар эдик. Оқжўхори биринчи марта бир поя бўлиб, иккинчи марта кўкариб, 5-7 тагача поя қилар, ундан дон олардик. Ерёнғоқ гул кўрсатиши билан тупроқда ерёнғоқ ҳосил қилиши учун уни кўмар эдик. Ҳар бир экиладиган экиннинг экилишидан тортиб, униб-ўсиши, ҳосилга киришигача бўлган жараёнларга қизиқувчанлик, деҳқончиликнинг сирларини тушуниш мени Самарқанд шаҳрига Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига етаклади.

\*\*\*

### Талабалик йилларим

Талабалик йилларим 1970-1975 йилларга тўғри келади. 1970 йил 14 июнь. Саҳар вақти нонуштадан кейин Чори акам билан Термизга йўл олдик. Самолётда Самарқанд шаҳрига келиб, квартира топиб, жойлашдик. Эртасига эрталаб Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига қабул комиссиясига бориб, ҳужжат топширмақчи бўлдим. Ёшинг етмайди, 16 ёшда экансан, келгуси йилда келасан деб ҳужжатларимни қайтарди. Икки кун қабул комиссияси олдида турдим, учинчи кун тушдан сўнг институт ректори Рўзи Хайитов келиб қабул

комиссиясидаги масъул кишига: “Ёши 16 да бўлган абитурент йигит уч кундан бери турибди, ҳужжати тўғри бўлса, қабул қилинлар. Агар имтиҳондан йиқилса, ўзидан кўради”, – дебди. Ёзган аризамни ўқиганлар хуснихатимнинг чиройли эканини ва бехато ёзилганини, аттестатимда барча баҳоларимнинг “беш”лигини кўриб “сен институтга кириб кетасан” дейишди ва ҳужжатларимни қабул қилишди.

Абитурентлик даври бошланди. 4, 9, 13 ва 18-август кунлари барча имтиҳонларни “4” баҳога топшириб, 22-августда танловдан ўтиб, талабалikka қабул қилиндим.

Талабалик даври бошланди. 1-сентябрда илк ўқиш кунда декан С.Б.Бекмуродов, декан ўринбосари П.У.Узақов биз –талабаларни кутиб олди ва гуруҳларга ажратди. 25 нафар талаба билан “Б” гуруҳга тушдик, гуруҳимизда 8 нафаримиз имтиёзли диплом олдик.

Институтда ўқув жараёни жуда қизиқарли, назарий билим бериш билан бирга амалиётга эътибор кучли эди. Маъруза, амалий машғулотлар, дала амалиётлари жуда чуқур ўтилган.

Айниқса, ботаника фани маърузасини проф. И.Ҳ.Ҳамдамов, катта ўқитувчи Е.Ф.Тарасова ўсимликлар морфологияси, тузилиши, лотинча номланишларини; генетика, селекция ва уруғчиликдан профессор Д.Т.Абдукаримов, катта ўқитувчи П.Н.Плотников; ўсимликшунослик фанидан доцент Т.Сафаров, профессор Е.П. Горелов, Л.С.Бегларова; тупроқшунослик ва геология асослари фанидан И.И.Бобохўжаев, профессор П.У.Узоқов; деҳқончилик ва агрокимё фанларидан И.С.Сулаймонов, С.А.Агишева, С.Сатторова; энтомология, фитопатология ва ўсимликлар ҳимояси фанидан С.Б.Бекмуродов, Т.С.Мусаев, И.Казимирский, Р.Ашуров; физикадан доцент

А.Қ.Қаршибоев, катта ўқитувчи И.С.Саидов; олий математикадан доцент Р.Ибодов; кимё фанларидан проф.Ш.Н.Назаров, Ф.Тоғаева, Л.Шутова кабилар ҳар бир дарсни ўзига хос педагогик маҳорат билан, сидқидилдан ўтарди.

Бу устозларнинг ҳар бирлари тўғрисида анча воқеалар ёдимда. Масалан, мен доимо имтиҳонларни гуруҳда биринчи бўлиб топширар эдим, баҳоларим фақат “беш” бўлган. Бир куни проф.Ш.Н.Назаров физик ва коллоид кимё фанидан имтиҳон оляпти. Мен биринчи бўлиб кирдим ва жавоб беришга ҳам биринчи бўлиб қўл кўтардим. Домла фақат “кейингисига ўтинг”, “учинчисига ўтинг” деб, қўшимча саволлар берди. Мен эса уларнинг барчасига жавоб бердим. Лекин у киши менга “билмайсиз” деб тураверди. Мен яна қўшимча савол беришларини сўраганимда, зачёткамни эшик томон улоқтириб бор тайёрланиб кел, деб хонадан чиқариб юборди. Зачёткам эшик таги тирқишидан ташқари чиқиб кетди, уни олган гуруҳдошларим менга “табриклаймиз” дейишди. Кейин билсам, домла менга беш баҳо қўйиб қўйган экан. Кейин эшикни қайта очиб, домлага мумкинми деб қайта кирдим ва раҳмат деб чиқиб кетдим. Домла эса маънодор кулиб, калласини чайқаб қуйди, хурсанд бўлганини сездим. Илоҳим ҳар бир талаба ҳаётида ана шундай мард, жасур, ишончли устозлари кўп бўлсин!

Амалиёт, пахта даври, ёзги таътиллار, байрамлар, тадбирлар, давлат имтиҳонлари унутилмас кунлар сифатида ёдимда қолган. Институтни имтиёзли битиргач, 1975 йил 29 ноябрдан ассистент ўқитувчи сифатида генетика, селекция ва уруғчилик фанларидан

лаборатория ва амалий машғулотлар дарсларини ўта бошладим.

1976 йил май ойида Сабзаёт-полиэ экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институти кундузги бўлимига аспирантурага қабул қилиндим. Менга илмий раҳбар этиб, проф. Д.Т.Абдукаримов, катта илмий ходим А.Т.Тошхўжаев тайинланди. "Зарафшон водийси ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида турли суғориш режими ва ўғитлаш меъёрларида картошка ўртапишар навлар маҳсулдорлиги ва уруғлик сифати" мавзусида номзодлик диссертациясини бажара бошладим ҳамда 1980 йил 3 декабрда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Ихтисослашган илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилдим. 1985 йилда доцентлик илмий унвонига сазовар бўлдим. Шу йили бажарган ишларим ва илмий фаолиятим учун Самарқанд вилояти Ёшлар ташкилоти лауреати бўлдим.

Илмий тадқиқот ишларимни картошка селекцияси, уруғчилиги ва юқори ҳосил олиш агротехнологияси соҳаларида давом эттирдим. 80 дан зиёд илмий мақолалар чоп этдим. Бундан ташқари, илмий ишларимни ёзишда Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ВИР, Санкт-Петербург шаҳри) олимлари билан илмий ҳамкорликда тажриба алмашган ҳолда фаолият олиб бордим.

1990 йилда Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти кундузги бўлим докторантурасига қабул қилиндим. Илмий маслаҳатчилар этиб, академиклар К.З.Будин, Д.Т.Абдукаримовлар тайинланди. 1990 йил 8 ноябрда докторант деган буйруқ ва гувоҳномани олишим билан тинчим йўқолди. Энди нима бўлади, деган кўрқув босди. Чунки, мендан олдин,



докторантурага борганлар ҳимоя қилолмай, ҳатто вафот этиб келганлари бор эди.

Мен олти ой ичида 1-вариант диссертациямни илмий маслаҳатчиларимга кўриб беришга тақдим этдим, улар 3-6 ой давомида кўриб қайтарди. Профессорлар Б.А.Писарев, А.Г.Зыкин, В.И.Зуевлардан ишимни ўқиб, камчиликларини тузатиш учун маслаҳат беришларини сўрадим. Улар ишни ҳимояга тавсия этдилар. Докторлик диссертациям тайёр бўлгач, Москва Олий аттестация комиссияси (ОАК) га бориб, агросаноат мажмуаси масалалари бўйича раис ўринбосари, академик Иван Семенович Шатиловга суҳбатга кирдим. Мен ўзимни таништиришгач, у киши диссертациям мавзуси, уни кимлар кўргани, илмий маслаҳатчиларимни, иш мундарижаси билан танишиб, ҳимоя қилсангиз бўлади, деди.

Ишни ҳимояга топшириб, 1991 йил 21 декабрда Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти Ихтисослашган илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилдим ва Ўзбекистон Республикасидан юборган 100 нафар доктарантнинг бири сифатида ёруғ юз билан Ватанимга қайтдим. 1992 йил 17 январ ОАК томонидан фан доктори илмий даражасини, 1993 йилда профессорлик илмий унвонини олишга сазовор бўлдим. Бутунроссия ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти Илмий кенгаши тавсиясига кўра 2002 йил 13 июнда Россия Федерацияси Петербург Фанлар академиясининг академиги бўлдим.

\*\*\*

## Ота-онам ва қариндошларим ҳақида


Сурхондарёликлар аввал уруғ суриштиради. Аждоду авлодларимиз қўнғиротлардан.

Айтишларича, биринчи билган бобом Давлатбобо бўлиб, Ўроқхон эшон бобога ҳалифалик қилган. У кишининг асл келиб чиқиши Бойсун тумани Каттаравот қишлоғи ҳисобланади. Давлатбобонинг яккаю ягона ўғли Йўлдош бобонинг 5 нафар фарзанди, 4 ўғил ва 1 қизи бўлган. Ўғиллари: 1. Чўтбобо. 2. Остонақулбобо. 3. Абдиназарбобо. 4. Пардабобо ва қизи – Тиллақиз бўлишган. Тиллақиз Қумқўрғонга келин бўлиб тушган. Бошқа маълумот йўқ. Остонақулбобонинг 2 нафар ўғли ва 3 нафар қизи бўлиб, ўғиллари Ёқуббобо ва Эшимбобо, қизлари эса Рабиямомо, Ойсанаммомо, Жарқинмомо эдилар. Барчаларини Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

**Отам** – **Остонақулов Эшимбобонинг** 5 нафар фарзанди бўлган, шундан 3 нафари ўғил, 2 нафари қиз. Ўғиллари – каттаси Ҳайитбобо, кейин Чорибобо ва мен, қизлари эса опам Турдихол, синглим Зулфин. Акаларим ва опам вафот этишган. Бисотимда яккаю ягона синглим бор, илоҳим умри узоқ бўлсин!


Отам 1992 йил 87 ёшида вафот этган. 32 йил 6 сурув (4000 бошдан зиёд) чорва фермаларига мудирлик қилган, кейинги йилларда “Сурхон” совхозида оддий ишчи бўлиб нафақага чиққан. Чорвачилик ва деҳқончиликни яхши тушунган. Буғдой, арпа, беда, маккажўхори, жўхори, судан ўти, ерёнғоқ, қовун, тарвуз, қовоқ-кади, кунжут, мош, сабзи кўп экарди.

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Олти ёшда эдим, ҳали мактабга бормаган дамларим. Кеч қуёш ботиш олди отам билан картошкани қовлаб олмоқчи бўлдик, аммо ўшанда



бир дона ҳам картошка ҳосили чиқмади. Энди билсам, картошка етарлича суғорилмаган, ер чангиб ётарди. Яна сабаб кечпишар нав бўлган картошка уруғи кеч экилиб, иссиқда қолган ва шу сабабли тугмаган. Ўша йиллари жўхори, мош, ерёнғоқ, полиздан юқори ҳосил олардик, айниқса, оқ жўхори иккинчи ўримидан ҳар бир тупи 5-6 та рўвак қилиб, ҳар қайси 0,5 кг дон берарди.


Онам – Кенжаева Ойдарам уй бекаси бўлган. 47 ёшида, 1967 йил вафот этган. Онам уй ишлари билан банд бўлар, 3-4 та сигир соғиб, куви пишар, уйимизда доимо қоринга солинган 1, 3, 6 ойлик, 1, 2, 3 йиллик сариёғ бўларди, қудуқда турарди. Ҳар куни эрталаб мазза қилиб пишган қаймоқ ер эдик. Онамнинг такиямат (қора кигиз), гулли кигиз, пахта ва жундан гиламлар тўқиш кўлидан келар эди, бўш вақтларида жуда кўп урчуқ йигирар эди. Онам тандирга нон, патир, қатлама патир пиширишни қойил қиларди. Тандирда нон ёпарди. Нонни узиб олгандан сўнг, кесаклари, куйган жойларини пичоқ билан қириб, тозалаб, биттасини косага майдалаб, гачмич (янчимич – нон билан сариёғ аралаштириб, янчиб тайёрланадиган овқат) қиларди, уни дастурхонга ўраб, мени “отангга олиб бориб бер”, деб пахтазорга жўнатарди. Олиб борганимда, отам ва бошқалар пахта даласи ичидаги сув оқиб келаётган ўқариқ атрофида ўтириб, гачмич нонни оқар сувга ботириб еб олишарди. Ўзим ҳам кўкрагимни қора нам ерга босиб, бурним учини сувга тигизиб, ўқариқ сувидан тўйиб ичиб олардим. Онам билан буғдой, арпа, мош, кунжут, беда ўрар эдик, янтоқ чопар эдик, мол боқар эдик. Онам йиғлаб “сен раис, директорлар, райкомларни ўқитадиган катта домла бўл, болам”, деб дуо қиларди. Яратганга шукур қиламанки, онамнинг дуолари ижобат бўлди.



**Катта акам – Эшимов Хайит.** 2020 йил 94 ёшида вафот этган. Умри давомида Жарқўрғон тумани Сурхон экспериментал элита-уруғчилик хўжалигида тракторчи, муҳандис-инженер бўлиб, катта обрў билан фаолият кўрсатган. Акам қишлоқ хўжалик техника ва қуролларини икир-чикиригача яхши биларди. Техникаларнинг нозик нуқталарини – мотор, коробка, ёқилғи насоси, плунжер созлашларни жойига қўяр эди.

Хайит акам – 9 нафар (Яраш – вафот этган, Берди, Абдимурод, Хушбоқ, Саидмурод, Зулхумор, Зебо, Гулнора, Хуршида) ўғил-қизларни тарбиялади, улар ҳозирда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Кичик акам – Эшимов Чори** 2006 йилда 67 ёшида вафот этган. Бутун умри давомида Ҳамид Олимжон номли 26-сон мактабда бошланғич синф, математика фани ўқитувчиси, мактаб директори бўлиб ишлаган. Халқ маориф аълочиси эди. Дастлаб Қарши педагогик институти (ҳозир Қарши давлат университети) нинг бошланғич факультетини, кейинчалик Термиз давлат педагогика институти математика факультетини битирган. Математика ва шахматни яхши биларди. Қўлидан кўп ишлар – енгил машиналарни, мотоциклларни, радио-телевизорларни созлаш, қассобчилик кабилар келарди. Мени фақат ўқи деб ўқишга йўналтирган, тарбиялаган биринчи устозим ана шу акам ҳисобланади. Мактабда яхши ўқиб, чуқур билим олишимда мактаб директори Ҳайдар Тўрақулов, директор ўринбосари Фармон Мамадалиев, Эгамберди Бекмуродов, Бердимурод Холмуродов, Рима Газизова, Тамара Шакирова, Худойберди Қодиров, Менгали Эсиров, Холмурод Ортиқов кабиларнинг ҳиссаси катта. Мактаб



жамоаси жуда интилуечан, ишчан, иноқ бўлгани учун кўплаб битирувчилар бугунги кунда туман ва вилоятда ўз ўрнига эга. Бугунги кунда янги Ўзбекистон тараққиётига хизмат қиладиган ёшларни тарбиялашда жияним, мактаб директори Туйли Қурбонов астойдил хизмат қилмоқда. Ҳар борганимда мактабдаги ўқувчилар билан турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказаман, уларга ҳаёт йўлларида маслаҳатлар бераман, аъло баҳоларга ўқиган ўқувчилар учун степендиялар ташкил этганман.

Чори акам Қурбон чечам билан 8 нафар ўғил-қизни тарбиялади. Саломат, Эркин, Саодат вафот этди. Баҳодир, Баҳром, Бахтиёр, Сафия, Салиялар оталарининг изидан бориб, турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда.

Онам вафотидан сўнг отам, мен ва синглим Зулфин, Чори акам бирга яшадик. Бизларнинг яшашимизга нонимиз, овқатимиз, уст-бошимизга акамнинг оиласи - Қурбон чечам қаради. У киши ҳам 2016 йилда 73 ёшида вафот этди.

Опам - Эшимова Турдихол, 2011 йилда 68 ёшида вафот этди. 4 нафар ўғил (Норменгли, Олим, Голиб, Норсоат), 3 нафар қизни (Дилором, Гулбаҳор, Гулнора) тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари ҳозирда Қизирик туманида яшаб уй бекаси, тарбиячи, тадбиркорлик билан шуғулланишади.

Синглим - Эшимова Зулфин ўзимнинг жонажон Қумқишлоғимда яшайди, уй бекаси, ҳозир нафақада. 5 нафар фарзанднинг (Ойсоат, Адолат, Назира, Турғун, Жўрабек) онаси. Улар ишчи, тарбиячи ва тадбиркорлик билан шуғулланади.


## Оилам тўғрисида

**Сувонова Барчин**, турмуш ўртоғим, олий маълумотли. Узоқ йиллар мобайнида “Пахтасаноат” тизимида лаборатория мудирини бўлиб ишлаган. Давлат, жамоат ва оила ишларига ниҳоятда маъсулиятли. Ҳозир нафақада. Икки ўғил (Олим ва Одил) ҳамда битта қизимиз (Аделя), 2 та келин-қизимиз (Муниса ва Нигина), ўғлимиз-куёвимиз Нодирбекларни берган Аллоҳимга минг-мингдан шукур. Фарзандларим, келин ва куёвларим куда-кудағайларим ҳамда бизнинг борлигимиз, ҳаётимиз, тирикчилигимиз.

**Остонақулов Олим Тоштемирович**, иқтисод фанлари доктори (DSc), профессор, Тошкент олий таълим муассасаларининг бирида ишлайди. Келин-қизим Остонақулова Муниса Мирзаевна, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Тошкент стоматология институтида ишлайди. Икки нафар набирам – Сардор ва Сарваржонларни тарбиялаб, вояга етказишмоқда.

**Остонақулов Одил Тоштемирович**, тадбиркорлик билан шуғулланади. АҚШда “Motorcars of Nashville” корпорацияси бош директори, мутахассислиги банк ходими. Келин-қизим Набиева Нигина, олий маълумотли, Санъатшунослик институтида бакалавр ва магистратурада таҳсил олган. Санъаткор. Улар менга Алишер, Асал, Диёра ва Жавоҳирларни ҳадя этиб, биргаликда тарбиялаб, катта қилмоқдалар.

**Ўғил-куёвим – Очилов Нодирбек Олимович**, қурувчи, йирик қурилиш фирмасининг раҳбари. Самарқанд архитектура қурилиш институти ва АҚШ Миссури штати халқаро бизнес университетини тамомлаган. Инглиз тилини мукамал билади.




**Қизим - Очилова (Остонақулова) Аделя Тоштемировна** иқтисодчи, иқтисод факультетининг бакалавр ва магистратура мутахассислигини битирган, педагог-тарбиячи бўлиб ишлайди. Аделя рус ва инглиз тилларини мукамал билади. Улар уч ўғилни (Жаҳонгир, Азамат, Ўктам) меҳр билан тарбиялашмоқда.

**Катта қудаларим - Мирза Суюнов ва қудағайим Гулчеҳра Мусаева** мен учун азиз инсонлардир. Улар вилоят стоматология поликлиникасида халқимизга чин дилдан хизмат қилиб келишмоқда.

**Кичик қудам - Олим Исмайилович Очилов** курувчи, **қудағайим - Хусния Қодирова** уй бекаси. Олим ака Очилов Жомбой тумани ҳокими, вилоят ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари ва бошқа маъсулиятли лавозимларда фаолият кўрсатган. Ҳозирда ўзининг корхоналарини бошқармоқда, нафақада.

Мен ҳаётда худонинг менга адо этган қуда-қудағайларим, ўғил-куёв, келин-қизларим билан фахрланаман. Уларга Яратгандан мустаҳкам соғлик, омад ва ижодий баркамоллик тилайман.

## ОСТОНАҚУЛОВЛАР САЖАРАСИ






## Устозларим ҳақида

Оила, мактаб ва маҳалла бугунги кунда тарбия ўчоғи ҳисобланади. Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деган мақол ҳам бежиз эмас, албатта.

Мен Сурхандарёнинг Қумқишлоғида туғилган бўлсам-да, таълим-тарбия ўчоғи бўлган шаҳри Самарқандда вояга етдим. Бунда устозларим академик Диамат Тўхтаевич Абдукаримов, раҳматли Нина Тимофеевна Абдукаримова (мени катта ўғлим дер эди), оталари Тўхтабобо, оналари Сара аянинг, оға-инилари Исмат ака, Кенгаш ака, Эркин ака ва Раҳмат ака Абдукаримовларнинг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган.

Устозим Д.Т.Абдукаримов билан 2-курс талабалик чоғимда танишганман. Тупроқшунослик кафедраси доценти И.И.Бобоҳўжаев раҳбарлигида Самарқанд тумани типик бўз тупроқлари агрофизик, агрохимик ва сув хоссаларини ўрганиш бўйича тупроқ разрезини қўлаб, тупроқлар таҳлилини ўтказиб юрган пайтларим эди. Бобоҳўжаев домла тупроқни ўрганганинг яхши, келажакда ўсаман десанг проф.Д.Т.Абдукаримов билан ишла, диплом иши бажарсанг яхши бўлади, деб маслаҳат берди. Шу маслаҳат билан устозим Абдукаримов домла билан илк бор илмий иш бошлаб, Самарқанд тумани Энгельс номли колхоз шароитида картошка навларининг ҳар хил озикланиш майдонларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўргандим.

Устозимнинг талабчанлиги, қаттиққўллиги мени ўз устимда кўпроқ ишлашга ундарди. Кунларнинг бирида картошканинг “Зарафшон” навини районлаштириш масаласи бўйича Москва Давлат нав синаш комиссиясидан ишчи гуруҳ келиб қолди. Менга устоз дала журналларини тахлаб, эртага ишчи гуруҳга кўрсатинг, деб



топшириқ бердилар. Бир кунда ҳужжатларни (3 йиллик конкурс синови бўйича) тахлаб, ишчи гуруҳ суҳбатидан муваффақиятли ўтдик, ўша 1985 йилги навимиз Москва шаҳрида иттифоқ Давлат реестрига киритилиб, районлаштирилди.

Ота-онам, акаларим доимо менга яхшиларга эргаш, насиҳатларини ол, яхшилар кўп нарсани билади деб айтишар эди. Доимо ана шу насиҳатларга амал қилиб, кам бўлмадим. Ўзига яраша эл-юрт кунига ярайдиган инсон бўлиб етишдим.

Институтда, кафедрада илмий ишларимни аспирантура ва ҳатто докторантура даврида ҳам бажаришда Д.Т.Абдукаримов қатори, устозларим академиклар К.З.Будин, В.И.Зуев, Б.А.Писарев, А.Г.Зыкинларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлган. Академик Константин Захаревич Будин докторантура даврида ва докторлик диссертациямни тайёрлашда, академик А.Я.Камераз мақола ва диссертация ишларимни таҳрир қилишда, академиклар Б.А.Писарев, В.И.Зуев ва А.Г.Зыкин диссертация ишимни оппонентлар сифатида ижобий баҳолаб, ҳимояни тезлаштиришда оталарча ғамхўрлик қилишган. Устозларим доимо менга такрор-такрор “Ишинг ҳам, эрмагинг ҳам, дам олишинг ҳам фанинг бўлсин” деб айтар эдилар.


Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида 1970 йилда талаба, сўнгра ассистент, аспирант, докторант, доцент, кафедра мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, 2 йил декан, 7 йил ўқув ишлари бўйича 1-проректор, 7 йилу 7 ой ректор лавозимларида ишладим. Мен билан ишлаган кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари, декан, проректорлар ва барча жамоа аъзоларидан (47 йил бирга ишладик) бир умр

миннатдорман. Уларнинг ҳар бири ўз касбининг фидойилари, захматкаш олимлар эди. Менга доимо ҳамфикр, кўлидан келган ёрдамини аямайдиган инсонлар десам муболаға бўлмайди. Институт профессор-ўқитувчилар жамоаси ҳавас билан яшайдиган инсонлардан ташкил топган, бир ёқадан бош чиқариб ишлар эди.

Бу иноқликни мустаҳкамлашда профессорлар Д.Т.Абдукаримов, Р.О.Орипов, П.У.Узоқов, И.Ҳ.Ҳамдамов, Ф.Ҳ.Ҳошимов, И.Т.Эргашев, доцентлар Т.Ҳайитов, Т.Қудратов, Д.Холбоев, О.Муртазоев, А.Алиқулов, Ш.Ҳасанов, Ф.Аҳроров, И.Т.Эргашов, Б.Салимов, Қ.Норбоев, Н.Дилмуродов, Ҳ.Ниёзов, Қ.Ҳайдаров, Н.О.Фармонов, Д.Сайфиддинова, З.Аминов, П.Давронов каби кўплаб жонкуяр инсонларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Ректорликдан сўнг, ҳозирги вақтда Қарши давлат университети Агрономия факультети мевасабзавотчилик ва узумчилик, экология ва агрокимё-тупроқшунослик кафедраси аъзолари билан бирга ишляпман. Университет ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Дилмурод Ҳамидуллаевич Набиев билан ишлаётганимдан хурсандман. Бу ерда Н.Холмирзаев, А.Холмуродов, Л.Ёзиев, И.Бекпўлатов, А. Панжиев, Б.Бойсунов, Ғ.Бобоназаров, А.Хайриддинов, М.Диёрова, Н.Базарова, А.Қодиров, Г.Тожиева, Т.Раҳимов, Р.Бобоноров каби ҳамкасблар ва дўстлар орттирдим.

Бугунги кунда университет профессор-ўқувчилари Д.Х.Набиев раҳбарлигида бир тану, бир жон бўлиб, олийгоҳ рейтингини оширишга, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга, ўқув жараёнига янги инновацион технологияларни олиб киришга ҳаракат қилмоқдамиз.



Иккала ишлаган жойимда ҳам обрўли, билимли, ўз касбининг усталари бўлган профессор-ўқитувчилар билан ишладим. Улардан кўп нарсаларни ўргандим.

Донолар таъкидлагандек:

*Ҳар кимки ҳаётдан олмаса таълим,  
Унга ўргатолмас ҳеч бир-муаллим.*

Гапнинг индаллоси шу. Бунда жуда катта маъно бор. Одамзот бир умр ўқийди, ўрганади. Табиатдан, одамлардан сабоқ олади. Ҳаёт шунчалик мураккабки, кимга ва қачон, нимани гапириш лозимлигини билиш лозим. Бунинг учун эса илмли, дидли, фаросатли бўлиш ҳамда ўрганиш, изланишдан тўхтамаслик керак.

Факультет ва кафедрамизда фидойи, чин юракдан, жон койитиб ишлайдиган, меҳр-оқибатли инсонлар тўпланган. Бундай инсонлар билан ишлаш инсонга ҳузур бағишлайди. Гоҳо ишдан толиқиб қайтаётганимда бир ширин далда, битта ҳазил билан кўнглингни тоғдай кўтариб юборишади. Ана шундай пайтларда сен жамоага, талабаларга керак эканлигингни англайсан. Мана шундай даргоҳларга умримни туташтирган тақдиримдан миннатдорман.

\*\*\*

**ПРОФЕССОР ОСТОНАКУЛОВ ТОШТЕМИР ЭШИМОВИЧНИНГ УСТОЗЛАРИ - АКАДЕМИКЛАР**



**Абдукаримов Диамат  
Тўхтаевич**



**Букасов Сергей Михайлович  
(1881-1983)**



**Камераз Абрам Яковлевич  
(1904-1991)**



**Остонақулов  
Тоштемир Эшимович**



**Зуев Владимир Илич**



**Будин Константин  
Захарович (1909-1999)**



**Писарев Борис Анатольевич  
(1930-2000)**




**Зыкин Алексей Георгиевич  
(1930-2004)**

## Шогирдларим ҳақида

**Киру Степан Дмитриевич.** Бутунроссия ўсимликшунослик (ўсимлик генетик ресурслари) илмий тадқиқот институтида картошка генетик ресурслари лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор. Жуда қобилиятли, ишчан олим. Чет элларда, айниқса *Solanum andigenum* L. тури экологияси, географик тарқалиш, биологияси, интродукцияси ва селекциясида фойдаланиш бўйича кўплаб мақолалари чоп этилган. Ўсимликлар интродукцияси бўйича йирик олим. Докторлик диссертацияси ҳам шу картошка тури бўйича бажарилиб, картошканинг 9 нави муаллифи.

**Ҳамзаев Абдушукур Худойқулович.** Номзодлик ва докторлик диссертация ишини бажарди. Картошка Голландия навларининг сақланувчанлиги ва унга таъсир этувчи агротехник омиллар таъсири, сўнгра Сурхондарё ва Самарқанд вилояти шароитларида эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида уруғлик картошка етиштириш технологиясининг илмий асосларини тадқиқ қилди. Ҳозирда давлат, партия ва жамоат ишлари билан машғул. Институт проректори, илмий-текшириш институт раҳбари, Давлат экологик қўмитаси раҳбари муовини вазифаларида ишлаган. Ҳозирда Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши раиси лавозимида фаолият олиб бормоқда.


**Элмуродов Абдуғани Актамович.** Картошкани генератив уруғидан етиштиришга мос дурагай популяцияларини турли қалинликларда тадқиқ қилиб, номзодлик, кейинчалик Зарафшон водийси шароитида топинамбур (ер ноки) ўстириш, экиннинг навлар тўплами, ажратилган навлар агротехнологияси ҳамда бирламчи ва элита уруғчилигининг илмий асосларини



ишлаб чиқиб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма, 2 та муаллифлик гувоҳномасига эга. “Эътироф” навини яратган ва патент олган. “Парҳез” нави давлат синовига топширилган. Декан ўринбосари, ўқув бўлим бошлиғи, ўқув проректори лавозимида ишлаб келмоқда. Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси. “Олий таълим аълочиси”, “Қишлоқ хўжалик фидойиси” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

**Санаев Собир Тойирович.** Картошкани туганаксиз ўсимтасидан ўстиришга мос навларини танлаш ва агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Картошка селекциясининг шу йўналишида янги навлар яратиш борасида изланишлар олиб бормоқда. Картошка, ширин маккажўхори, тарвузнинг янги навлари (“Яроқли-210”, “Замин”, “Замон”, “Дехқон”)ни яратган. Бир қанча ўқув қўлланма ва дарсликлар (ҳаммуаллифликда) нашр этган, факультет декани, кафедра мудири лавозимларида ишлаган. Ҳозирда Самарқанд агроинновация ва тадқиқотлар институтида кафедра мудири сифатида фаолият олиб бормоқда.

**Усмонов Носир Нурманович.** Картошкачиликда сидерат экинлардан фойдаланишнинг илмий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқиб, истиқболли сидерат экинлар уруғчилигини ташкил этмоқда. Илмий ютуқларини Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани фермер хўжаликларида жорий қилиш ва кенгайтириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Ҳозирда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида профессор лавозимида ишламоқда.




**Ортиқов Мамади.** Жомбой тумани Жомбой фермерлар уюшмаси раиси лавозимида ишлаган. Мутахассислиги - агроном. Республикада илк бор Голландия модулини жорий этиб, Голландия 89 та навлар тўпламини ва технологиясини маҳаллий тупроқ-иқлим шароитида баҳолаб, тадқиқ қилиб истиқболли навларни тавсия этган, технологияни эса такомиллаштирган олим эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, ёшларга эътиборли, ишчан, ҳаракатчан, жонкуяр раҳбар эди. 2018 йил вафот этган.

**Нишонов Норжигит Туропович.** Голландиядан келтирилган картошка навлар тўпламини иккиҳосилли экин сифатида баҳолаб, истиқболли Булунғур тумани суғориладиган типик бўз тупроқларига яроқли навларни ажратиб, уларни ўстиришнинг технологияси асосий элементларини ишлаб чиққан ва кенг жорий этишга эришган. Картошка, сабзавот ва мевали экинлар, ток соҳасида чет эл мутахассислари ва компаниялари билан ҳамкорликда етук мутахассис менежер сифатида фаол ишларни амалга оширмоқда. Инглиз тилини мукаммал билган мутахассис сифатида чет эл инвестицияларини илмий ишларни ривожлантиришга жалб этмоқда.

**Боймуродов Худойберди Мелибоевич.** Етук олим, ташкилотчи ва раҳбар сифатида танилган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битиргач, хўжалик мутахассиси сифатида фаолият кўрсатди. Раҳбар бўлса-да, илмий фаолиятдан узоқлашмаган ҳолда тадқиқотлар олиб борди. Сўнгра ўзининг уддабуронлиги туфайли Амир Темур ва Боғизағон ширкат хўжаликлари директори лавозимида ишлаб юрганида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты, вилоят “Мева-сабзавотконцерни” раҳбари, кейинчалик Булунғур туман ҳокими лавозимида ишлади.






Илмий ишларида ўта эртачи картошкадан юқори ҳосил олиш учун ерни тайёрлаш тартиби, мулчалаш турлари ва янги навларни тадбиқ этди. Ҳозир вилоятда катта Мева-сабзавотчилик кластерида фидокорона фаолият олиб бормоқда.

**Ишимов Саитмурат Хайитович.** Сурхон воҳаси шароитида ўта эртачи картошка ўстиришга мос навларни танлаш, экиш муддати ва чуқурлигини аниқлашни тадқиқ қилган. Ҳозирда Термиз агротехнологиялар ва инновацияларни ривожлантириш институтида доцент лавозимида ишлаб келмоқда. Ишини Тошкент давлат аграр университетида ҳимоя қилган.

**Хонқулов Хусниддин Холиқулович.** Эртаги картошка етиштиришда ўстирувчи стимуляторларни ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб бориб, уларни уруғлик туганакларни ишлашга, ўсув даврида қўллашга ва бир вақтда уруғни ишлашга ва ўсув даврида қўллашга мақбуллашни аниқлаган. Ўз устида мунтазам ишлайди. Кафедра мудирини, ҳозирда Самарқанд агроинновация ва тадқиқотлар институтида ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида ишлаб келмоқда.

**Амантурдиев Илҳом Холмуминович.** Сурхондарё вилояти шароитида эртачи картошкани суғориш режими ва технологияси ўрганилиб, мақбул суғориш режими ва технологиясини ишлаб чиққан. Илмий изланишларини давом эттириб, суғориш усулларини, яъни эгатлаб ва томчилатиб суғориш усулларининг самарадорлигини тадбиқ этмоқда. Картошка, батат янги навларига ҳаммуаллиф.

**Исмойилов Алишер Исроилович.** “Қувонч-16/56м”, “Бахро-30”, “Ҳамкор-1150” ва “Бардошли-3” сингари янги картошка навларининг бирламчи ва элита уруғчилиги



тадбирларини ўрганган. Жадаллашган, яъни иккиҳосилли экинга асосланган бирламчи ва элита уруғчилик тартиби самарали эканлигини асослаб берган. Ҳозирги Самарқанд илмий тажриба станцияси директори лавозимида ишлаб, янги инновацион навлар ва технологияларни станцияда кенг тадбиқ этишга ҳаракат қилмоқда.

**Алимардонов Олим Тўйлиевич.** Бу киши ўз тадқиқотларида Жанубий Сурхон воҳаси шароитида картошкадан эртачи ва мўл ҳосил олишда қатор ораси кенглиги, туп қалинлиги эртачи ва иккиҳосилли экинлар сифатида қатор орасига ишлов беришнинг мақбул меъёрлари белгиланган. Катта тажрибага эга ташкилотчи, етук мутахассис, раҳбар. Қишлоқ хўжалик вазирлигида Бош бошқарма бошлиғи, вилоятда уруғчилик маркази бошлиғи, Бандихон ва Қизирик туманлари ҳокими, ҳозирда вилоят Агрохизматлар маркази директори бўлиб ишлаб келмоқда.

**Амиров Ҳамидулла Суюнович.** Самарқанд вилояти Нуробод тумани суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида қовун ёзги навларини ўстириш агротехнологиясини яратиш борасида ишлаган. Полизчиликни яхши билладиган мутахассис, олим. Ҳозирда ҚаршиДУда доцент вазифасида ишлаб, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаларидан талаба-магистрларга маъруза ва амалий машғулотлар олиб бормоқда.

**Тиловов Хайитмурод Махмудович.** Қовун навларини ҳар хил усулларда қуритиш ва қуритишга ўғитлар меъёрларининг таъсирини тадбиқ этиб, аниқ ва илмий тавсиялар, таклифлар берган. Қовун қуритиш бўйича қурилма яратган. Талабаларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича дарс

бермоқда. Декан ўринбосари вазифасида узоқ йиллар ишлаган, ҳозирда кафедра мудири лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

**Шамсиев Анвар Акбарович.** Батат экини навлари интродукцияси, селекция ва агротехнологияси борасида катта ва кенг қамровли изланишлар олиб борган. Бататнинг “Сочакинур”, “Тайлоқи”, “Филиал”, “Янги Самарқанд” навлари муаллифи, ҳаммуаллифи ҳисобланади. Инлиз тилини ва компьютер саводхонлигини Жанубий Кореяда 2 йил малака ошириш ва стажировкада бўлиб, мукамал ўзлаштирган. Ҳозирда Самарқанд агроинновация ва тадқиқотлар институтида бўлим бошлиғи лавозимида ишлайди.

**Лукова Ирода Мамадалиевна.** Эртачи ва иккиҳосилли экинлар сифатида картошка йирик туганакли навлари экилганда юқори товар, уруғбоп ҳосил ва кўпайтириш коэффицентига эришиш йўллари тадқиқ этган. Ўзбек ва рус тилини мукамал билади. Ҳозирда Самарқанд агроинновация ва тадқиқотлар институтида катта ўқитувчи бўлиб фаолият юритмоқда.

**Турсунов Ғиёс Суннат ўғли.** Батат янги навлари Самарқанд вилояти Иштихон тумани суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида эртачи ва такрорий экинлар сифатида ўстириш имкониятини аниқлаган. Ҳозирда Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик биотехнологияси институтида декан муовини бўлиб, ишлаб келмоқда.

**Муротов Озод Холмуродович.** Помидор навлар тўпламини такрорий экин сифатида баҳолаш, истиқболлиларини танлаш, танланган нав-дурагайлар агротехнологиясини такомиллаштириш, турли ўтмишдош экинларга реакциясини аниқлаш, мақбул экиш

муддати чегарасини белгилаш борасида изланишлар олиб борган. Ҳозирда СПЭКИТИ Самарқанд илмий тажриба станциясида лаборатория мудиринин лавозимида фаолият олиб бормоқда.

\*\*\*


### **Неваралар олимпиадаси – билимни оширишнинг яна бир йўли**

Мамлакатимиз келажагини белгилайдиган мактабгача ва мактаб давридаги таълим-тарбия жараёнига давлатимиз, шахсан муҳтарам Президентимиз томонидан кейинги йилларда жиддий эътибор қаратаётгани ниҳоятда қувонарлидир.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар таълим-тарбиясида оиланинг, айниқса, ота-онанинг ўрни ғоят катта ўрин тутди. Уларни мактабга боришга тайёрлаш, жўнатиш, ўқув жараёнида назорат қилиб бориш, уй вазифаларини бажаришга кўмаклашиш, бўш вақтини самарали ташкил этиш сингари вазифалар оила зиммасида бўлади.

Халқимизда қадимдан анаънага айланган тарбия усуллари талайгина. Айтайлик, болаларни кураш, югуриш, чиллак ўйнаш сингари спорт мусобақаларга жалб этиш, шеър ёки ашула ёдлатиб, кейин эшитиб кўриш, рақс тушишга, овқат пиширишга, нон ёпишга, турли хил пишириқлар тайёрлашга, бичиш-тикишга, қишлоқ жойларда деҳқончилик сирларини ва чорва молларини боқишга ўргатиш кабилар ҳам оила зиммасидадир.

Аммо илмий-техника асри, ишлаб чиқариш ва таълим жараёнининг компьютерлашган ҳозирги даври таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашув ва янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланишни тақозо этади. Унинг энг самарали усуллари амалиётга татбиқ




этишгина бу жараёнда кутилган натижаларга олиб келиши мумкин. Шу маънода, оилада неваралар олимпиадаларини ташкил этиш ҳам ўқувчиларнинг муайян фанларни етарли даражада ўзлаштиришига, тафаккур кўламининг муттасил кенгайиб бориши ва мулоҳазали инсон бўлишига кўмаклашади.

Биз таклиф этаётган педагогик технологияга кўра, оила неваралар олимпиадаси дастлаб маҳалла доирасида – энг яқин оилаларнинг фарзандлари ўртасида ўтказилади.

Ташкилий жараёнда оилалардаги ўқувчиларга оид маълумотлар – улар рўйхати, синфи, ўзбек ёки рус гуруҳида ўқиши сингари маълумотлар базаси шакллантирилади. Шундан сўнг ота-оналар билан маслаҳатлашилиб, қайси фанлардан олимпиада ўтказилиши ҳақида бир фикрга келинади.

Олимпиада синовини ёзма тест шаклида олиш тавсия этилади. Имтиҳон ёзма тест савол-жавоблари оила аъзолари иштирокида тажрибали педагог ходимлар томонидан фан дастурига мувофиқ тузилади. Савол-жавоблар калитига уни тузган ходим масъул бўлади ва конвертга солинган ва елимланган ҳолда тадбирга тақдим этилади.

Олимпиада дастлаб битта оилада ўтказилади. Навбат билан маҳалладаги бошқа оилаларга кўчирилади. Жараёни ташкил этишда оила имкониятларидан – хоналар ва жиҳозлардан ҳеч бир муаммосиз фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳатто ташқаридан ҳакамлар излашга ҳам ҳожат бўлмайди. Бу вазифани хонадон соҳиблари бўлган боболар, бувилар, ота-оналар ва болалар таҳсил олаётган мактаб фан ўқитувчилари, мураббийлари бажаришади. Бу таркибдаги ишчи гуруҳи холисликни таъминлай олади.




Ёзма тестни ўтказиш учун 60, баъзан 90 дақиқа вақт белгиланади.

Ёзма тест ўтказилгач, шу заҳоти ўша жойнинг ўзида текширилиб, баллар ёки баҳонинг эълон қилиниши адолатдан бўлади. Бунда олимпиада иштирокчисининг имлоси ва ҳуснихатини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юқори балл тўплаган ёки баҳо олган ўқувчи, шунингдек бир оиланинг ўқийдиган фарзандлари моддий ёки маънавий рағбатлантирилади. Рағбатлантириш китоблар, турли совғалар бериш ва ҳатто моддий рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади.

Оилавий олимпиада ўтказишнинг мазкур тартибини биз ўз тажрибамизда синаб кўрдик. Уни жорий йилнинг 28 март кунда ўзаро қуда-анда бўлган икки оилада тарбияланаётган 10 ўқувчи ўртасида ташкил этдик.

30 кун олдин ўқувчиларга олимпиада ҳақида эълон қилиниб, рўйхат тузилди. Ўқувчилар таҳсил олаётган тил (ўзбек ёки рус) аниқлангач, педагогларимиз томонидан шу тиллар кесимида 1-9 синфлар ўқув дастурлари асосида математика, ўзбек, рус ва инглиз тиллари бўйича 10-15 тадан ёзма тест саволлари тузилди. Ўзбек, рус ва инглиз тилларидан дастлабки 8 та савол грамматика ва фонетикага оид бўлди. 9 ва 10-саволларда эса «Менинг ватаним», «Менинг Президентим», «Менинг оилам», «Менинг маҳаллам», «Менинг мактабим», «Менинг шаҳрим», «Менинг таржимаи ҳолим» каби мавзуларда 5-10 та гапдан иборат матн ёзиш ва рус ёки инглиз тилига таржима қилиш вазифаси юклатилди. Ўтказилиш муддати бир ой олдин эълон қилинди.




Кузатувчилар иштирокида, ошкоралик ва шаффофлик асосида бошланган олимпиада, юқорида таъкидлаганимиздек, 1-1,5 соат давом этди ва муваффақиятли якунланди. Ишлар жойида текширилиб, ота-оналар иштирокида олинган натижалар эълон қилинди.

1-ўринга Ойбек «Навоий» романи билан 1 млн. сўм пул мукофоти, 2-ўринга оиламиз аъзоси томонидан ёзилган китоблар билан 700 минг сўм, 3-ўринга ҳам оиламиз аъзоси томонидан ёзилган китоблар билан 300 минг сўм мукофоти қўйилган эди.

Натижаларга кўра ҳеч ким 1-ўринни эгаллай олмади. 2-ўринни бир ўқувчи эгаллади, 3-ўринни бешта ўқувчи эгаллаб, Президент асарлари, «Темур тузуклари», машҳур ёзувчи-шоирлар китоблари ҳамда пул мукофотига сазовор бўлишди. Оила олимпиадасида қатнашган бошқа иштирокчиларга ҳам китоблар ҳамда 100 минг сўмдан пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Ушбу тажриба ота-оналар ва маҳалла жамоатчилиги томонидан маъқулланди ва келажакда оила олимпиадасини янада такомиллаштириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Жорий йилнинг июнь ойида бу тадбир бошқа оилалар мисолида яна ўтказилишига келишиб олинди.



**ТОШТЕМИР ЭШИМОВИЧ  
ОСТОНАҚУЛОВ  
ҲАҚИДА ДИЛ СЎЗЛАРИ**





**Дилмурод НАБИЕВ,**  
Қарши давлат университети  
ректори, профессор.


### ИЛМГА БАХШИДА УМР



Табиийки, устозлик – буюк мақомдир. Халқимизда устознинг мақомини отага тенглашлари ҳам бежиз эмас. Атрофимизда шундай инсонлар борки, улар билан мулоқот қилиш кишига алоҳида ҳузур бахш этади.

Ана шундай улуғ инсонлардан бири **Остонақулов Тоштемир Эшимович** 1954 йилнинг 10 майида Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Қумқишлоғида, оддий деҳқон оиласида таваллуд топди.

У мактабни аъло баҳоларга битириб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини имтиёзли диплом билан тугатди. Сўнг 1976-1979 йилларда Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олиб, 1980 йил 3 декабрда “Зарафшон водийси ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида турли суғориш режимлари ва минерал ўғитлар меъёрларида картошка ўртапишар навларининг маҳсулдорлиги ва уруғлик сифати” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илм йўлини маҳкам тутган устоз 1991 йил 21 октябрда эса “Зарафшон водийсида картошканинг селекцияси, уруғчилиги ва агротехник хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.




Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор (1993) Т.Остонақулов турли илмий анжуман ва конференцияларда ўз соҳасининг долзарб ва дақиқ илмий муаммолари хусусида чиқишлар қилиб, кўп бора илм аҳлининг диққатини торта олди.

У Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида 1992 йилдан 2002 йилгача Генетика, селекция, уруғчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудир, 2002-2004 йилларда Агрономия факультети декани, 2005-2011 йилларда институт ўқув ишлари бўйича 1-проректори, 2011-2018 йилларда ректор лавозимларида фаолият кўрсатди. Раҳбарлик фаолияти давомида Т.Остонақулов институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, хорижий етук олимларни таълим-тарбия жараёнига жалб этиш, хорижда ўқиш, тажриба алмашиш, жаҳон олий таълим муассасалари орасида институт рейтингини оширишга алоҳида эътибор қаратди ва муайян ютуқларга эришди.

Устоз 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий-амалий лойиҳаси раҳбари ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик ИТИ илмий маслаҳатчиси, селекция ва уруғчилик лабораторияси мудир сифатида фаолият юритди. У 2021 йилдан буён Қарши давлат университети Агрономия факультети Агрокимё ва экология кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ташкилий ишлардан алоҳида вақт топа олган Тоштемир Остонақулов 1000 дан зиёд илмий ишлар, жумладан, 40 дан зиёд патент ва муаллифлик гувоҳномаси, 39 та дарслик ва ўқув қўлланма, 36 та илмий монография нашр этди. Шунингдек, унинг 376 та нуфузли



журнал, 317 та илмий тўпламларда илмий-амалий аҳамиятга эга мақолалари чоп этилган.

Муҳими, профессор Т.Э.Остонақулов раҳбарлиги ва бевосита иштирокида қишлоқ хўжалик экинларининг 34 та нави, жумладан, 10 та картошка, 4 та ширин маккажўхори, 4 та тишсимон маккажўхори, 4 та батат, 1 та топинамбур, 3 та кунгабоқар, 4 та юмшоқ буғдой, 1 та помидор, 1 та қовун навлари муаллифи ҳамда ҳаммуаллифидир.

Устознинг раҳбарлигида 5 нафар фан доктори (DSc), 24 нафар фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) тайёрланган, 40 дан ортиқ диссертация ишга расмий оппонент вазифасини бажарган.

У 2004 йилда Россия Федерацияси Петербург Фанлар Академияси академиклигига, 2015-2019 йиллар Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Кенгаш депутатлигига ҳамда вилоят кенгаши қошидаги аграр соҳа ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси раислигига сайланган.

Шу билан биргаликда, профессор Т.Э.Остонақулов Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий текшириш институти ҳузуридаги илмий даражаси берувчи Илмий кенгаш аъзоси, “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали илмий иловаси “Агроилм” журнали таҳририяти аъзоси. Унинг раҳбарлигида қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари ва агротехнологияларини республика фермер хўжаликларида кенг жорий этиш бўйича мунтазам равишда давлат илмий грантлари бажариб келинмоқда.

Т.Остонақуловнинг 220 дан зиёд илмий мақолалар инглиз ва рус тилларида дунёнинг нуфузли журналлари (Scopus, WoS, “Картофель и овощи”, “Селекция и

семеноводство”, Ўзбекистон ФА “Биология” журнали, Болгария – “Растениеводческих наук” кабилар)да нашр этилган. Унинг халқаро Google scholar илмий базаси бўйича h-indeksi “9” ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Т.Э.Остонакулов бугунги кунда Қарши давлат университети талаба ва тадқиқотчилари учун улуғ устоз, ўз оиласи учун жонкуяр ота, набиралари учун фахрли бобо сифатида ардоқланади.

Қарши давлат университети жамоаси фидойи устоз Остонакулов Тоштемир Эшимовичнинг айни кунларда табаррук 70 ёшни қарши олиши билан қутлайди. Устозга соғлик-саломатлик, узоқ умр, шунингдек, илмий-ижодий ишларида улкан муваффақиятлар тилаб қолади.

\*\*\*

**Азамат ШАМСИЕВ,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
Россия Медицина техникаси фанлар  
академиясининг академиги.



Муқаддас китоблардан  
ривоят қилинишича, буюк  
Парвардигор аввал оламни  
яратиб, уни обод қилмоқ учун  
Одамни пайдо қилган. Ана ўша  
замонлардан бўён азиз ва  
мукаррам бўлган инсонлар  
оламнинг ободлиги, ўз  
ҳаётларининг фаровон бўлиши  
учун меҳнат қилишади, дунёни  
мукамал ҳолатда кўрмоқ учун



илму маърифат билан машғул бўлишади.

Мен билган Тоштемир Эшимович Остонақуловни ҳам Аллоҳ таоло жаҳон аҳлини илмли ва маърифатли қилиш ниятида дунёга келтирган инсонлардан бири.

Тақдир бизларни ана шу улуғ йўлда яқинлаштирди, биродарлаштирди, оға-ини қилди, олий таълимнинг жонкуяри сифатида шакллантирди. Салкам йигирма йилга яқин Самарқанд медицина институтининг ректори бўлиб ишлаган бўлсам, хизмат юзасидан нафақат мамлакатимиздаги, балки ундан ташқарида бўлган кўплаб олий ўқув юртларининг раҳбарлари билан бирга ишлашга, ҳамкорлик қилишга тўғри келди. Аммо мен улар орасида ўша пайтлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори лавозимида ишлаган Тоштемир Эшимовични юрагимга яқин олдим. Бу ажойиб инсоннинг самимийлиги, тўғрисўзлиги, садоқати шундай йўл тутишимга сабаб бўлди. Пайти келиб, бу самимий инсон билан оилавий дўст тутиндим, туғишган укаларим қаторидан жой олди.

Тоштемир Эшимовичга кўп эътибор бердим. Ундаги масъулиятни юксак даражада сезиш ҳисси, қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса селекция соҳасида миллий кадрлар тайёрлаш учун фидойилигини ҳурмат қилдим. Вилоят миқёсидаги жамоат ишларида қилган жонкуярлигидан хурсанд бўлдим.

Бугун иккаламиз ҳам раҳбар лавозимида эмасмиз, аммо тез-тез учрашиб турамиз. Ўша-ўша тиниб-тинчимаслик, ўша-ўша эл-юрт манфаати учун туғилган ва туғилаётган ғояларни амалга ошириш иштиёқи. Бу бетакрор инсондаги ғайрат ва шиддатни кўриб, истеъдодли бўлиш ҳам Аллоҳнинг бир неъматини

эканлигига ва у ҳаммага ҳам насиб қилавермаслигига ишонч ҳосил қиламан.

Қадрдон укам Тоштемир Эшимович эндигина 70 ёшни қарши олапти. Мия қаримаса, инсон қаримайди. Ҳамиша тафаккурда бўлган инсон эса буюк ишларни амалга оширишга қодир. Ана шундай қудратли инсоним Тоштемир домлага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, фарзандлар ва шогирдлар камолини кўриб, барча яқинлари билан мазмунли ҳаёт кечиришини тилайман.

\*\*\*

**Олим ОЧИЛОВ,**  
Жомбой туман ҳокими (2011-2013),  
Самарқанд вилоят ҳокимининг  
ўринбосари (2013-2017).


### **ҲАМ МАҲАЛЛАДОШ, ҲАМ ҚАРИНДОШ**



Аграр соҳа олимларининг Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги хизматлари алоҳида. Қадрдоним Тоштемир Эшимович ҳам оддий инсон, намунали оила бошлиғи бўлиш билан бирга илм фанга ҳам беқиёс хизмат қилиб келаётган олимлардан. У кишининг ҳаёт фаолияти ва ижод йўлини билган ҳар бир киши фикримга қўшилишига

аминман.

Профессор Т.Э.Остонакуловнинг фанга киритган янгиликлари, тайёрлаган шогирдлар, яратган навлари,



ёзган дарслик, ўқув кўлланма, монография ва илмий мақолаларининг кўпи менга таниш. Бу асарлар Россия, Белорусь, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларда ҳам чоп этилган ва тан олинган.

Тоштемир ака билан Самарқанд шаҳрининг Хўжа Юсуф маҳалласида бирга униб-ўсиб, вояга етиб, оилавий бориш-келишли бўлиб яшадик. Болалар ҳам ака-ука фарзандларидек улғайишди. У киши ажойиб инсон, оилапарвар, фарзандларга меҳрибон ота, ишига садоқатли, шогирдларига жонкуяр, талабаларига ва атрофдагиларга эътиборли, кўни-кўшниларга иззат-эҳтиромли. Шунинг учун маҳалла аҳли у кишини жуда хурмат қилишади.

Тоштемир ака билан Барчиной янганинг улкан хизмати – биз учун ажойиб қиз тарбиялаб берганида. Биз қудалармиз. Мен буни рамзий маънода айтдим, аслида ака-укамиз. Ўғилларимиз-қизларимиз ҳам ака-ука фарзандларидек ўзларини ҳис этишади.

Профессор Т.Э.Остонакулов билан мен Жомбой туманида ҳоким бўлган пайтларимда иш юзасидан жуда кўп боғланганман. Деҳқончилик, ғаллачилик, пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, картошқачилик бўйича кўп маслаҳатлар олганман. Туман деҳқон-фермерлари аксарияти бу инсонни олим сифатида яхши билишади ва хурмат қилади. Чунки, Жомбойда картошқачиликни ривожлантиришда, Голландия технологияси, модули ва навларини кенг жорий этишда бу кишининг хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ. Ҳозирда ҳам иссиқхоначилик, лимончилик, помидорчилик, полизчилик, манзарали боғдорчилик бўйича деҳқонларга, томорқачиларга беминнат ёрдам бериб келмоқда.



Тоштемир ака, сизнинг илмий фаолиятингиз, таълим бериш ва шогирдлар тайёрлашдаги шижоатингизни кўриб қойил қоламан. Аллоҳ сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, халқимиз дастурхони тўкин-сочинлиги йўлида қилаётган эзгу ишларингизнинг баракасини берсин! Қутлуғ 70 ёшингиз муборак бўлсин!


\*\*\*

**Владимир ЗУЕВ,**  
заслуженный деятель науки Республики Узбекистан,  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор,  
академик Международной академии  
аграрного образования, ветеран труда;  
**Махсуд АДИЛОВ,**  
профессор кафедры Овощеводства и организации  
тепличного хозяйства Ташкентского  
государственного аграрного университета,  
доктор сельскохозяйственных наук.

### **УЧЕНЫЙ-НОВАТОР, ПЕДАГОГ, НАСТАВНИК И ОРГАНИЗАТОР**



Исполняется 70 лет со дня рождения и 50 лет трудовой деятельности ученому, беззаветно преданному науке,




педагогу и наставнику, умелому организатору научной и педагогической деятельности, внесшему весомый вклад в развитие сельскохозяйственной науки, высшего аграрного образования и сельского хозяйства нашей страны – профессору кафедры плодовоовощеводства, агрохимии и экологии Каршинского государственного университета доктору сельскохозяйственных наук, академику Петербургской академии наук (Российская Федерация) Остонакулову Тоштемиру Эшимовичу.

Пройден длинный и славный трудовой путь. Т.Е.Остонакулов известен в нашей стране и за ее пределами как пытливый, талантливый исследователь, умелый педагог и наставник, незаурядный организатор научной, воспитательной и педагогической деятельности.

Тоштемир Эшимович не только выдающийся ученый, скромный, общительный человек, интересный собеседник. Овощеводы гордятся, что среди них есть такая незаурядная личность. Он является образцом беззаветного служения науке и сельскому хозяйству. Это редкой души человек, любящий жизнь и глубокоуважающий окружающих коллег, молодых ученых и студентов.

Тоштемир Эшимович внес незаменимый вклад в развитие научного овощеводства и картофелеводства в нашей стране. Им проведены фундаментальные исследования по семеноводству и технологии возделывания картофеля, а также совершенствованию технологии выращивания овощных культур. Не оспоримы его большие заслуги в расширении ассортимента картофеля и овоще-бахчевых культур. В «Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан» включено свыше 30 сортов, в том числе картофеля 10, томата 1, овощной кукурузы 4, арбуза 2, дыни 1, батата 4 и других культур.




Выведенные им сорта превосходят существующие не только по урожайности, но и по внешнему виду, товарности, качеству и другим хозяйственно-ценным признакам. Они нравятся фермерам и населению.

Тоштемир Эшимович является активным пропагандистом достижений науки и передового опыта. Он уделяет большое внимание публикации результатов своих исследований и достижениям науки. Им опубликовано свыше 1000 работ, в том числе 39 учебников и учебных пособий, 36 монографий, 65 методических пособий, 40 патентов, 69 рекомендаций, около 700 научных статей.

Многие его публикации стали настольными книгами для научных работников, специалистов и студентов. Они способствуют более глубокому познанию мира овощей, биологических особенностей отдельных культур и технологии их выращивания, получению более высоких урожаев.

Созданные сорта картофеля и овоще-бахчевых культур, а также усовершенствованные элементы технологии выращивания Тоштемир Эшимович активно внедряет в производство на полях овощных кластеров, фермеров и дехкан. Это способствует увеличению доходов производителей картофеля и овощей. Об активности внедрения инноваций свидетельствуют выпуск юбилеем 69 рекомендаций производству, одобренных Министерством сельского хозяйства и научно-техническими советами.

Т.Э.Остонакулов – умелый и мудрый педагог. Его лекции с интересом слушают студенты и специалисты при повышении квалификации. Он создал хорошую информационную базу по преподаваемым учебным дисциплинам. Достаточно сказать, что им подготовлено и опубликовано 39 учебников и учебных пособий, 65 учебно-методических материалов.




Многогранная педагогическая деятельность юбиляра вызывает восхищение. Будучи проректором по учебной работе и ректором Самаркандского сельскохозяйственного института Тоштемир Эшимович много сделал для совершенствования организации учебного процесса, обогащения его информационной базы, повышения педагогического мастерства преподавателей, улучшения качества аграрного образования.

Тоштемир Эшимович внес большой вклад в подготовку научно-педагогических кадров. Он многие годы был председателем и членом научного совета по присуждению ученых степеней. Он внимательный и терпеливый наставник. Под его руководством подготовлено и защищено 29 диссертаций, в т.ч. доктора наук – 5, кандидатов наук, докторов философии по с/х наукам – 24. В защищенных его учениками диссертациях воплощение его идей. Его ученики трудятся в научных и образовательных организациях, а также на производстве, многие из них занимают руководящие должности.

Тоштемир Эшимович – незаурядный организатор с лидерскими способностями. Он умеет мобилизовать коллектив на решение трудных и сложных задач. Он прислушивается к мнению подчиненных и партнеров, умеет выбрать рациональное зерно.

Т.Э.Остонакулов принимает активное участие в общественной жизни. Он член редколлегии приложения «Агроилм» и журнала «Сельское хозяйство Узбекистана». Является членом научного совета по присуждению ученых степеней при научно-исследовательском институте селекции и агротехнологии выращивания хлопчатника, член ряда руководящих органов общественных организаций университета.

Дорогой Тоштемир Эшимович, сердечно поздравляем Вас с 70 летним юбилеем! Желаем Вам крепкого здоровья,



чтобы никакие болезни и недомогания не тревожили Вас. Долгих лет Вам активной творческой жизни. Чтобы Вы успешно продолжили научную и педагогическую деятельность, готовили научно-педагогические кадры, проводили с ними научные исследования, выводили новые сорта, радовали нас своими успехами. Желаем благополучия и достатка в доме, успехов и удачи во всем. Всего Вам доброго, светлого, наилучшего.

*Соғ бўлинг, омадли бўлинг, бахтли бўлинг!*

Восхищаясь юбиляром и его достижениями, возникает желание поздравить его и в стихотворной форме:

*Тоштемур Эшимович дорогой!*

*С юбилеем Вас поздравляем!*

*Вы успешны, мы это смело утверждаем*

*Тому виной Ваши целеустремленность и трудолюбие!*

*Ваши заслуги в науке достойны высокого награждения.*

*Вы свою научную школу создали.*

*Помощь 29 докторам оказали.*

*С днем рождения Мы Вас поздравляем!*

*Здоровья и благ всех желаем.*

*Пусть невзгоды обходят Вас стороной.*

*А удача и счастье будут всегда с собой.*

*Пусть мечты Ваши сбываются и все желания исполняются.*

*Живите счастливо, уважаемый, долгие годы!*

*Добивайтесь новых побед.*

*Трудитесь активно на благо народа.*

*Оставляя в науке свой след!*

**\*\*\***


Дўстмурод АБДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Пахтачи тумани  
Рўзиқул Маҳманов фермер хўжалиги раҳбари.

### ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ ВА ТАШКИЛОТЧИ РАҲБАР



Мен 1985 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетини тамомлаганман. Ҳаётим давомида туманнинг Рўзиқул Маҳманов номли хўжалигида механик, участка агрономи, 1984 йилдан бошлаб ғаллачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишладим. Ўзбекистон Республикасининг ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида ғаллачиликни ривожлантиришда илғор технологияларни қўллаб, буғдойдан мунтазам равишда ҳар гектардан барқарор 50-55 ц. ҳосил олишга эришдик. Бунда, албатта, жамоа аъзоларининг машаққатли меҳнати ҳамда СамҚХИ олим-мутахассисларининг яқиндан кўрсатган ёрдамлари, маслаҳатлари ётибди.

Мен Остонақулов Тоштемир Эшимовични ўша талабалик йилларидан, ёш домла, ассистент, кандидат, доцент, профессор, кафедра мудир, декан, ўқув ишлари бўйича биринчи проректор ва ректор бўлган пайтларидан биламан, жуда ҳурмат қиламан. У киши бирор ишни бошладими, албатта охирига етказди. Туман деҳқонлари томорқа ерларидан самарали фойдаланиб, кўпроқ даромад олиш бўйича сабзавот, полиз, узум, мева, иссиқхонани ривожланиш тадбирлари бўйича ҳар йили туман ва вилоят раҳбар-мутахассислари билан



семинарлар ўтказар эди. Шунинг учун Т.Э.Остонақуловни деҳқонларимиз, халқимиз яхши кўради ва ҳурмат қилади. Пахта йиғим-терим вақтида ҳар йили институт жамоаси ва талабалари 5-6 йил давомида туманимизга келиб, илғор туманлар қатори режа топшириқни 25-30 кунда бажариб кетарди.

Т.Э.Остонақуловнинг ректор сифатидаги ташкилотчилигини тан олганимнинг боиси шуки, пахта даврида теримчи талабаларга барча шарт-шароитларни яратиб берарди. Сув, овқат, нон, эрталабки нонушта ўз вақтида бўларди. Шу билан бирга ҳар куни 2-3 та буқа сўйдирад эди, натижада ҳар бир талаба кунига икки маҳал гўштли таом еяр эди. Ҳафталик озиқ-овқат рациони тузилиб, шу бўйича талабалар овқатланиб, кунлик яшаши 5500-6000 сўмдан ошмас эди. Коллеж спорт залини склад қилиб, масъул беркитилган, гигиена воситалари, совун, ишчи кийим-кечак ўғил-қизларга тайёр эди. Талабалар эса кунига 90-120, 248 кг.гача пахта терар эди.

Институт раҳбарлари яшаган, пахта терган далада тартиб-интизом жуда кучли эди. Ректор, проректор, деканлар, курс, гуруҳ раҳбарлари доимий бирга эди. Бу ташкилотчиликнинг тўғри йўлга қўйилгани натижаси эди.

Шу кунларда Т.Э.Остонақулов туғилганига 70 йил, фаолиятига 50 йил тўляпти. Шу давр давомида у киши бир йигитга нима керак бўлса, шунга эришган. 1000 дан зиёд илмий мақолалар, 40 дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалар, 26 та патент-ихтиролар, 5 нафар фан доктори, 24 нафар фалсафа докторларини (фан номзодлари) тайёрлаган. Фарзандлари ҳам отасининг изидан борган. Иқтисод фанлари доктори, профессор, катта компания бош директори лавозимларида ишлайди.

— — — — —

Хурматли устозим Тоштемир Эшимовични бугунги улуғ айём кунни билан чин юракдан муборакбод этаман. Сизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, тинчлик-тотувлик тилаб, шогирдлар тайёрлашда ва педагогик фаолиятингизда Яратгандан зафарлар тилаб қоламан. Заҳматкаш фаолиятингизга, ташкилотчилигингизга Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин! Яхши кунларингиз, муваффақиятларингиз кўп бўлиб, оила аъзоларингиз, фарзандларингиз, невараларингиз, куда-андаларингиз, дўстларингиз, шогирдларингиз ёнингизда бўлишини сўрайман.

\*\*\*

**Фармон ТОШЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.


### **МЕН ВА ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМГА ЯҚИН ИНСОН**



Тоштемир домла билан икки олийгоҳда бир вақтда ўқиганмиз. Талабаликда турли тадбирларда биргаликда иштирок этганмиз, 1973 йилда аълочи ва фаол студентлар республика анжуманида қатнашганмиз.

Бу йигитдаги ғайрат-шижоат ҳавас қилгулик эди: бир қарасанг, кураш тушиб, ғолибликни эгаллайди, бир қарасанг, “Талабалар баҳори” фестивалида маданий тадбирда иштирок этади, яна бир қарасанг, илмий тўғаракда маъруза қилиб туради. Шу сабабли ҳам дипломни олгач, уни институтга ишга таклиф этишди ва олийгоҳ раҳбарлари хато қилишмади.





Т. Остонақулов 10-15 йил ичида илмга иштиёқи, ақлу фаросати билан устозлари сафига кўшилди. Унинг ютуғи қаноат ва сабрида, шунинг баробарида катта иштиёқида эди. Айниқса, амалиёт чоғларида, қишлоқда ўсган йигит эмасми, деҳқончилик илмига меҳр кўйди, домланинг ҳар бир топшириғини бажармагунча далада юрди, ўзи айтганидек, ўсимлик гули очилишини тунни билан кузатган пайтлари бўлди. Шу сабабли салоҳиятли олимлар раҳбарлигида номзодлик ва докторлик тадқиқотларни бажариш баробарида вилоятда картошканинг янги навларини яратишга муваффақ бўлди.

Тоштемир домла ҳамқишлоқ оғайнилари Мерган Бўматов, Солиҳа Нарзиева билан ишлаш чоғида Қарнаб зиёлилари, хусусан, падари бузрукворим билан ҳам анча яқин бўлиб қолди. Шу туфайли бу қишлоқ одамлари билан ҳанузгача борди-келди қилади.

Т.Остонақулов институтда декан, биринчи проректор ва ректор сифатида фаолият кўрсатди, Самарқанд илмий, ижтимоий муҳитида салоҳиятли зиёли даражасига эришди. Таниқли устозлари, иқтидорли шогирдлари, деҳқонлар ҳурматини қозонди. Эсимда, йиллар давомида қишлоқ хўжалигида мураккаб ҳолат юзага келганда қишлоқ хўжалиги мутасаддиларига ёрдам кўлини чўзди. Тажрибали олимлар ва талабалар билан бевосита далада, пайкалда амалий кўмак кўрсатди.

Тоштемир домла шоигирдлари, фарзандлари билан ҳам фахрланса, арзийди. Шу сабабли дўстимни табаррук ёши, шодон онлари билан табриклайман, келгуси ишларида омадлар тилайман.

\*\*\*


**Нодир ЖУМАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси  
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

### **ИЛМ ВА МАЪРИФАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР**



Ҳар бир инсоннинг ўз олдига қўйган мақсади, ундан кўзлаган манфаати ва белгилаган вазифаларида ҳаётининг маъноси намоён бўлади. Шу боис, инсон ўз ҳаётини янада сермазмун қилиш, уни ҳар томонлама бойитиш учун узлуксиз интилиб яшайди. Ана шундай инсонлардан бири – Остонақулов Тоштемир Эшимович ҳам ўз ҳаётини илм ва маърифат йўли билан ёритиб, таълим ва тарбия жараёнида ўзига хос ўринга эга бўлди. Ярим асрдан ошиқ вақт мобайнида мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш жараёнларида камтарона меҳнат қилди.

Таълим фидойиси, олим ва жонқуяр устоз Тоштемир Остонақулов меҳнат фаолияти давомида кичик илмий ходим даражасидан Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори даражасигача бўлган залворли йўлни босиб ўтди. Раҳбарлик фаолияти давомида Т.Остонақулов Самарқанд қишлоқ хўжалик институти моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини оширишга, ўқув жараёнида замонавий ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этишга, хорижий етук олимларни таълим-тарбия




жараёнига жалб этишга, чет элда ўқиш, малака ва стажировка ўташга, жаҳон олий таълим муассасасалари ўртасида институт рейтингини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидлаш лозимки, 2013 йилда Франциянинг “Campus France” томонидан юқори савияда ташкил этилган ташриф давомида Париж шаҳрида нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан Устоз билан биргаликда хизмат сафарида бўлганимда, у кишидан ҳаётдаги муваффақиятлар илм ва меҳнат орқали қўлга киритилишига амин бўлдим.

Айни кунларда ўзининг 70 йиллик қутлуғ ёшини нишонлаётган устознинг ҳаёт йўли том маънода ибрат мактабидир. Тоштемир Эшимович ўз меҳнати, олиб борган хайрли ва эзгу ишлари билан қадр топди. Устоз олим, камтар, ҳалол ва меҳнатсевар инсон, шунингдек, жамоат ишларида фаоллиги, ташаббускор ва ташкилотчилиги, кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлгани билан ҳам кенг жамоатчилик ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонди.

Жамият ҳаётида ҳам, оилавий ҳаётда ҳам ўз зиммасидаги вазифани адо этишга нафақат билими, салоҳияти, балки қалб кўрини, меҳрини бахшида этди. Натижада кўплаб истеъдодли шогирдлари малакали мутахассис сифатида турли соҳаларда мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг камтарона улушларини кўшиб келмоқда. Оталаридан чиройли тарбия олиб улғайган домланинг фарзандлари, набиралари ҳам эл-юрт ишига камарбаста инсонлар бўлиб камол топди. Бугунги кунда улар жамиятимизнинг турли жабҳаларида самарали фаолият юритиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, фарзанди Олим Останақулов иқтисод фанлари доктори (DSc), профессор, олий таълим соҳасида фаолият



юртитиб келмоқда. Одил Остонақулов, тадбиркор, АҚШда “Motorcars of Nashville” корпорацияси раҳбари.

Т.Остонақулов илмий фаолияти ҳам серқирра ва катта ютуқларга бой бўлганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. У киши раҳбарлигида 5 нафар фан доктори (DSc) ва 24 нафар фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD) тайёрлангани, 39 та дарслик ва ўқув қўлланма яратилгани ҳам фикрларимизни тасдиқлайди. Ушбу дарслик ва ўқув-қўлланмаларнинг 9 таси Республика энг яхши дарсликлар танловида совринли 1, 2, 3-ўринларга ва қимматбаҳо совғаларга сазовор бўлган. Бундан ташқари, 36 та илмий монографиялар тайёрланган бўлиб, улардан илмий ходим ва докторантлар кенг фойдаланиб келмоқда. 220 дан зиёд илмий мақолалар инглиз ва рус тилларида дунёнинг нуфузли журналларида нашр этилди. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, Тоштемир Эшимовичга мустаҳкам соғлиқ, узоқ ва баракали умр, фарзандлар, набиралар, шогирдлар ва эл-юртимиз ардоғида фаровон ҳаёт кечиришларини тилаб қоламан. Ёш авлоднинг одамийлик, меҳр-оқибат ва эзгу орзу-ниятлар билан улғайиши, илм-фан сирларини чуқур эгаллаши, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишига қаратилган фаолиятингиз муваффақиятларга тўла бўлсин!

\*\*\*

**Рисқул СИДДИҚОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг  
Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси  
раиси ўринбосари, қ.х.ф.д-ри.

## **ЭЛ АРДОҚЛАГАН ҚАДРИ БАЛАНД УСТОЗ**



Инсон дунёга келар экан, ҳаётда ўзидан яхши из ва муносиб ном қолдиришга ҳаракат қилади. Ушбу мақсадга эришишда энг машаққатли йўл бу илм билан шуғулланиш ҳамда давлат ва жамият равнақи учун малакали кадр тайёрлашдир.

Тоштемир Эшимович шундай машаққатли, шу билан бирга шарафли йўлни танлаган устоздир!

Устознинг юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасига қўшган ҳиссаси беқиёс. Хусусан, унинг кўп йиллик илмий, ўқув-услубий ва педагогик фаолияти давомида 1000 дан зиёд илмий ишлар, патент ва муаллифлик гувоҳномалари, дарслик ва ўқув қўлланмалар, илмий монографиялар, тавсияномалар, услубий қўлланмалар нашр этилган. Тоштемир Эшимович раҳбарлиги ва бевосита иштирокида қишлоқ хўжалик экинларининг 34 та нави яратилган.

Устоз раҳбарлигида 5 нафар фан доктори (DSc) ва 24 нафар фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD) тайёрланган, 40 нафардан зиёд диссертация ишларига расмий оппонент бўлиб, кадрлар тайёрлаш ва илм билан шуғулланаётган ёшларга устозлик қилган.

Тоштемир Эшимович томонидан мунтазам равишда қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари ва

агротехнологияларини республика фермер хўжаликлариди кенг жорий этиш бўйича Давлат илмий грантлари бажарилиб келинмоқда.

Устознинг таъбири билан айтсам, бугун ҳаётимизга қанчалик шукроналик қилсак ҳам кам. Фақат меҳнат қилиш керак. Ҳозирги мураккаб, глобаллашув шароитида ҳар бир Ўзбекистон фуқароси Ватан равнақига самарали ва унумли меҳнати билан ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Бу эса тинчлигимиз, фаровонлигимиз ва мамлакатимиз мустақиллигининг пойдевори ҳисобланади. Аграр соҳани ривожлантириш, уни саноатлаштириш халқимизнинг озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлигига ҳар бир соҳа мутахассисларининг ҳисса қўшиши дунё ҳамжамиятида мустақиллигимиз, давлатимиз обрўсига қўшилган улуш деб биламан.

Устоз! Сизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр тилаган ҳолда илм йўлида олиб бораётган ишларингиз ҳамда кадрлар тайёрлашдаги самарали меҳнатларингиз бардавом бўлишини чин дилдан истайман.


\*\*\*

**Абдураҳим ЭРКАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси.

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ХАВФСИЗЛИГИГА ҲИССА ҚЎШГАН  
ОЛИМ**




Ўзига тўқ, илиги тўлиқ инсонгина олдига катта мақсадлар қўя олади, унча-мунча қийинчиликлардан қўрқмайди, ишончи ва ғайрати юқори бўлади. Халқ ҳам шундай. Унинг ҳам



Ўзига ишончи юқори, ғайрати жўш уриб туриши учун, аввало, тўқ яшаши, омборида дони, озиқ-овқати етарли бўлиши лозим. Унда етишмайдиган айрим маҳсулотларни четдан кафолатли ва ортиқча босимсиз харид қила олиш, янги қишлоқ хўжалик экинларини маҳаллийлаштириш имконияти бўлиши керак. Яримоч, яланғоч халқ на иқтисодиётини, на илм-фани ва маданиятини ривожлантира олади. Бошқаларга бевосита ёки билвосита қарам бўлиб қолади. Шу сабабдан миллий хавфсизлик тушунчасининг энг муҳим йўналишидан бири – бу иқтисодий хавфсизлик, унинг доирасида эса озиқ-овқат хавфсизлигидир.

Бугун бутун дунёда одамларнинг озиқ-овқатга кундалик эҳтиёжларини қондиришда ғалла, гуруч, маккажўхори, дуккакли ўсимликлар каби дон маҳсулотларидан кейин картошка асосий маҳсулот ҳисобланади. Республикамизнинг ҳам барча вилоятларида картошка етиштирилмоқда. Лекин у илгари ички эҳтиёжларимизни қондирадиган ҳажмларда ишлаб чиқилмас, маҳаллий шароитларга мос навлар жуда кам, агротехникаси ҳам етарлича ўрганилмаган эди. Ҳар қарич суғориладиган далага пахта экилар эди. Шу сабабдан Россия, Белорусия республикаларига вилоятларимиз вакиллари ҳар йили картошка тайёрлаб, олиб келиш мақсадида 1-2 ойлаб жўнатилар эди.

Картошканинг аҳамияти йилдан йил ошиб бораётир. Менинг болалик пайтимда, ўтган асрнинг 50-йилларида кўпчилик кекса кишилар картошкани истеъмол қилмасди. Лекин 60-70-йилларда картошка сабзавотлар орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Энди у халқимизнинг озиқ-овқат истеъмоли балансида ғалладан кейин иккинчи кўрсаткичга эга. Ўзбекистоннинг турли тупроқ ва иқлим шароитида картошка етиштириш агротехникасини илмий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш, маҳаллий шароитга мос




навларни яратиш биринчи галда қишлоқ хўжалик фанларида янги йўналиш очишни талаб қилди. Ўзбек олимларининг бир неча авлоди картошка агротехникаси, селекция ва уруғчилиги йўналишида тадқиқотлар олиб борди.

Ана шундай тадқиқотлари билан ўтган асрнинг 80-йилларида фанга кириб келган етакчи вакилларида бири Тоштемир Эшимович Остонақулов 70 ёшни қоралаб қолибди.

Етмиш ёш! Ҳар ҳолда инсон ҳаётида муҳим бир довон ҳисобланади. Бу ёшга келиб инсон ортига қараб босиб ўтган йўлини, амалга оширган ишларини, ниятларини, эришган натижаларини, яна улгуриши керак бўлган режаларини сарҳисоб қилиши табиийдир. Бу ёшга тўлиш муносабати билан дўсти-ёронлари, ҳамкасблари ва яқинлари ҳам туғилган кун соҳибига дилидаги яхши тилакларини изҳор қилса, айни муддао бўлади.

Тоштемир Остонақуловни кўп йиллардан буён танийман. Раҳматли укам Азамат Панжиевич у ҳақда кўп гапирган. Улар бирга Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетида ўқишган. Институтни тугатиб, Азамат дастлаб институт талабалар касаба уюшмасида ишлади, параллел равишда илмий тадқиқот билан шуғулланди. Тоштемир Остонақулов 1976 йилда Ўзбекистон Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ аспирантурасига ўқишга кирди. Азамат проф. Е.П.Горелов раҳбарлигида соя етиштириш, Тоштемир Эшимович проф. Д.Т.Абдукаримов раҳбарлигида ўртапишар картошка етиштириш агротехникаси билан шуғулланди. У 1980 йилда номзодлик, 1991 йилда Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербург)да докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, 1992 йилда қишлоқ хўжалик фанлари доктори даражасига, 1993 йилда профессор унвонига сазовор бўлди.





Ташкилотчилик қобилиятлари яққол кўзга ташланиб турадиган, одамлар билан келишиб, тил топишиб, уларни уюштиришга қодир Т.Остонақулов ўн йил кафедра мудири, олти йил ўқув ишлари проректори, етти йил институт ректори лавозимида фаолият юритди.

Ҳамкасблари ва шогирдлари билан биргаликда илмий тадқиқотларни ташлаб қўймади, давом эттирди. Унинг картошқачилик, мева-сабзавот генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги соҳасига қўшган ҳиссаси илмий жамоатчилик томонидан тан олинган. Бу Т.Остонақулов ва унинг шогирдлари, биргаликда тадқиқот олиб борган илмий гуруҳи 40 дан зиёд патентлар ва муаллифлик гувоҳномалари олганида, 36 та илмий монография ҳамда кўплаб мақолалар, агротехник тавсиялар, 39 та дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этганида кўринади. Унинг раҳбарлигида ва иштирокида қишлоқ хўжалик экинларининг 34, картошқанинг 10 та янги нави яратилган.

Келтирилган рақамлар Т.Остонақуловнинг мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқимиз дастурхонини ранг-баранг маҳсулотлар билан тўлдириш борасидаги ишларидир. У кишининг педагогик ва илмий раҳбарлик фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. Т.Остонақулов ҳозир ҳам қатор илмий-амалий лойиҳаларга раҳбарлик қилиш қаторида, 2021 йилдан Қарши давлат университетиде агрономия ва экология кафедрасида профессор лавозимида педагогик фаолиятини ҳам давом эттирмоқда. Аслини олганда, юксак малакали кадрларни тайёрлаш мамлакатимиз келажак тараққиётига, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қўшилаётган ҳисса деб қаралмоғи керак.

Тоштемир Эшимович Остонақуловни қутлуғ 70 ёш билан чин дилдан табриклаймиз. Илмий янгиликларга интилишингиз, ёш авлодга таълим бериш иштиёқингиз

сусаймасин. Янада юксак илмий мартабалар насиб этсин,  
дея тилаклар билдириб қоламиз.

\*\*\*

**Абдушукур ҲАМЗАЕВ,**  
Ўзбекистон Экологик партияси  
Марказий Кенгаши раиси, профессор.

### **ҚАДРЛИ УСТОЗ ВА МЕҲРИБОН МУРАББИЙ**



*Ҳурматли устоз!* Сизни инсон умрининг донишмандлик фасли бўлган қутлуғ палласи – табаррук 70 ёшингиз билан самимий табриклайман ва Сизга дилимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан миннатдорман.

Ҳар бир инсоннинг камолотга етишида, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, бу ҳаётда муносиб ўрин топишида устознинг ҳиссаси ва меҳнати беқиёсдир. Зотан, халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек:

*Дедилар дунёда асли ким азиз,  
Айтдилар устоздир, устоз бегумон.  
Тағин айтдиларки, азиз шубҳасиз,  
Устозин қадрига етолган инсон.*

Дарҳақиқат, Сиз бугун биз учун ана шундай азиз инсон – серқирра олим, мамлакатимиз илм-фанининг мустаҳкам устунларидан бири, биз шогирдларига тўғри йўл кўрсатувчи нурли маёқ сифатида порлаб турасиз. Биз сизнинг тимсолингизда комил инсонга хос бўлган барча

фазилатлар – юқори интеллект, қомусий билим, ҳалоллик ва поклик, ватанпарварлик хислатларини кўрамиз.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси илм-фанида Тоштемир Остонақулов номи юксак эҳтиром билан тилга олинади. Мингдан зиёд илмий ишлар, 39 та дарслик ва ўқув кўлланмалари, 36 та илмий монографиялар муаллифи сифатида соҳа ривожига улкан ҳисса кўшиб келмоқдасиз. Бугун халқимиз дастурхонини тўлдириб турган қишлоқ хўжалиги экинларининг 34 та нави яратилиши ҳам сизнинг номингиз билан бевосита боғлиқдир.

Устозлик рутбасига ҳамма ҳам эриша олмайди. Бунинг учун тинимсиз изланиш, билим жавоҳирларини йиғиб, шогирдларига сабот билан улашиш талаб этилади. Биргина ўзимнинг олим бўлишим ортида Сизнинг ана шундай улуғвор меҳнатларингиз борлигини доимо юрак-юрагимдан ҳис этиб тураман.

Бугун Янги Ўзбекистонда илм-фан фидойилари, сиздек етук олимларга давлат даражасида алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Сиз каби ўз соҳасининг донишмандлари меҳнати муносиб кадр топаётгани, шогирдларини илм уфқлари сари етаклаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганидан биз шогирдлар мамнунлик ва ифтихор туямиз.

*Қадрли Тоштемир Эшимович!*

Сизни яна бир бор қутлуғ 70 ёшингиз билан чиндилдан табриклайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, хонадонингизга қут-барака тилайман. Фарзанду набиралар ҳамда қадрдон шогирдлар ардоғида доимо ҳурмат-эҳтиромда эканлигингиздан фахрланамиз.

\*\*\*

**Баҳадир МИРЗАЕВ,**  
ТИҚХММИ Миллий тадқиқот  
университети ректори,  
т.ф.д., профессор.

### ИЛМ БИЛАН БЕЗАТИЛГАН УМР




*“Ҳамма ўз боласини севади.  
Ўзганинг боласини севиш, унга  
таълим-тарбия бериш эса ҳар  
кимнинг ҳам қўлидан келавермайди”.*

*Нобел мукофоти совриндори  
Абдус Салам.*

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Тоштемир Эшимович Остонақуловнинг ҳаёт ва ижод йўлини илм билан безатилган умрга ўхшатиш мумкин.

Мен ўзимнинг илмий педагогик фаолиятим давридан биламанки, Тоштемир Эшимович ўз меҳнат фаолиятининг асосий қисмини олий таълим соҳаси ривожлантиришга, республикамизнинг қишлоқ хўжалиги равнақига бағишлаган. Бор илмини ёш авлоднинг камолоти йўлида сарфламоқда.


Фан-таълим соҳасида олимнинг қарийб 50 йиллик самарали меҳнат фаолияти кўпчиликка ўртак бўлади. Ўтган асрнинг 80-йилларида “Зарафшон водийси ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида турли суғориш режимлари ва минерал ўғитлар меъёрларида картошка ўртапишар навларининг маҳсулдорлиги ва уруғлик сифатини ошириш” бўйича кенг қамровли тадқиқот ишларини олиб борган.



Тоштемир Эшимович кўп йиллик аграр таълим соҳасининг фидойи ва жонкуяр раҳбарларидан бири бўлиб ишлаган. Раҳбарлик фаолияти давомида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини оширишга, талабалар учун ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида замонавий ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этишга, тажриба алмашинишга, хорижий етук олимларни таълим-тарбия жараёнига жалб этишга, чет элда ўқиш, малака ва стажировка ўташга, жаҳон олий таълим муассасалари ўртасида институт рейтингини оширишга алоҳида эътибор қаратди ва муайян ютуқларга эришди.

Тоштемир Эшимович институтга раҳбарлик қилган даврларда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети (олдинги ТИҚХММИ) билан ўқув-илмий соҳадаги ҳамкорлик ўзининг юксак даражасига етди. ТИҚХММИ ва СамҚХИ олимлари биргаликда кўплаб хорижий грантларни биргаликда амалга оширишди. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ихтисослиги бўйича ҳамкорликда илмий педагог кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу билан бирга маънавий ва маърифий ишлардаги ҳамкорликлар ривожлантирилди ва улар ҳозирга қадар ҳам давом этмоқда.

Олим ўзининг кўп йиллик илмий фаолиятининг натижалари асосида картошка етиштириш технологияси, суғориладиган ерларда эртаги ва иккиҳосилли экинлар асосида жадаллашган селекция ва уруғчилик услублари, шўрланган ва шўрланмаган ерларда ўстиришга мос помидор навларини танлаш, яратиш, бирламчи ва элита уруғчилигини ташкил этиш, маккажўхори навлари ва



дурагайларини яратиш, уларнинг уруғчилиги, экспортбop қовун қоқи тайёрлашга яроқли қовун навларини яратди.

Профессор Т.Э.Остонақуловнинг яна бир катта масъулиятли ишларидан бири кўплаб шогирдларни камолга етказганидир. У 5 нафар фан доктори ва 24 нафар фан номзодлари, фалсафа докторлари тайёрлаб, республикамизнинг илмий салоҳиятини ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди.

Шу билан бирга у жамоат ишларида фаол иштирок этиши билан ҳам ажралиб турадиган фидойи инсондир. Ҳозиргача илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар аъзоси, "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги", "Агроилм" журналларининг таҳририят аъзосидир.

Албатта, илм эгаллаш ва уни бошқаларга ҳам тарқатиш эзгу ва савобли амаллардан биридир. Олимлик эса машаққатли йўлдир. Ўз умрини шу фаолиятга бағишлаган Тоштемир Эшимович Остонақуловнинг ҳаёт дафтари саҳифалари ҳам илм билан безатилган гўзал ва чиройлидир.

\*\*\*

**Комилжон КОМИЛОВ,**  
Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялар  
институти ректори, профессор.

### **ТОШТЕМИР ЭШИМОВИЧ ОСТОНАҚУЛОВГА**

Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан самимий муборакбод этаман. Ҳар бир инсон ҳаёти давомида амалга оширган ишларини сарҳисоб этиб, эришган муваффақиятларидан фахрланиб яшайди. Сиз ҳам сермазмун умр йўлида юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб, тўплаган илғор



тажрибаларингиз  
билан ёшларга ибрат  
бўлиб яшаш бахтига  
муяссар бўлиб  
турибсиз.

Халқ орасида  
танилиб, обрў-  
эътиборга сазовор  
бўлишингизда,  
ғайрат-шижоат ва

жўшқинлик бутун умр Сизга ҳамроҳ бўлди. Бу хислат Сизни ҳеч тарк этмасин. Сизнинг қишлоқ хўжалиги фани соҳасидаги 50 йилдан ортиқ фаолиятингизнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ўзига хос ўрни бор десам, асло янглишмайман. Айниқса, қишлоқ хўжалиги илм-фани тизимидаги кўп йиллик фаолиятингизда жонкуяр, талабчан, ташаббускор олим сифатида ўзингизни намоён этиб, эл-юрт ҳурматини қозондингиз, юксак инсоний фазилатларингиз, камтарин ва хушмуомалангиз, қолаверса, ташкилотчилик қобилиятингиз туфайли кўпчиликка намуна бўла олдингиз. Меҳнат фаолиятингиз давомида қишлоқ хўжалиги илм-фани, ёшларни истиқлол ғоялари ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги кўшган ҳиссангиз, муҳим ва долзарб масалаларда ёрдамингизни аямай келаётганингиз таҳсинга лойиқ.

Қайси вазифани бажаришга киришманг, сидқидилдан меҳнат фаолиятини олиб борганингиз, тизим кадрларига ҳар томонлама кўмак беришдан чарчамаганингиз Сизни Республикамизда кўзга кўринган, фидойий инсон сифатида танитди. Сиз эришган ютуқларни давр билан ҳамнафасликдаги меҳнат фаолиятингизнинг амалий натижаси деб биламан. Сермазмун ҳаётингиз, меҳнат

фаолиятингиз, иш тажрибангиз ёшлар учун ибрат мактабидир.

Бугунги кунда Сиз тарбиялаган шогирдлар мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келар эканлар, ўз устозларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар, ёш олимларни Сиздан ўрнак олишга даъват қиладилар.

*Ҳурматли Тоштемир Эшимович!* Сизни узоқ йилги меҳнатларингиз меҳнатсеварлигингиз, жонкуярлигингиз, Ўзбекистон Республикаси сабзаёт полиз ва картошка экинлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссангиз ҳамда 40 дан ортиқ чиқарган шогирдларингиз доимо эътироф қилинади.

Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат, мустақкам соғлиқ тилайман, илоҳим ҳамиша эл ардоғида бўлиб юриш насиб этсин. Сермазмун ҳаётингиз доимо бахт ва омад қувончи билан бой бўлсин. Биз шогирдлар Сиздек азиз ва меҳрибон устозлар борлигидан доимо фахрланиб хурсанд бўлиб юраверайлик.

\*\*\*


**Орифжон БОЗОРОВ,**  
Қарши муҳандислик иқтисодиёт  
институти ректори.



### **ОДДИЙЛИК ЗАМИРИДАГИ БУЮКЛИК**

Тақдир ҳаётимиз давомида кўплаб одамлар билан учраштиради, улар билан ҳамсуҳбат бўлишга ундайди, кимлардандир сабоқ олишга имкон яратилганини англашимизни






хоҳлайди. Шунинг учун ҳам йиллар ўтгани, ёшимиз улғайгани сари дунёқарашимиз кенгайиб, фикримиз теранлаша боради. Мавлоно Рудакий ҳазратлари лутф этганидек, “Ҳар кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим”.

Ҳаётда инсонни тўғри йўлга бошлайдиган, унинг билимли, яхши одам бўлиб улғайишини таъминлайдиган ота-онаси, яқинлари ва устозларидир. Бу касбнинг этагидан тутиб, уни зиммасига олган кишилар – энг фидойилардир.

Тоштемир Остонакулов ҳақида сўз кетса, илм ва таълим йўлида бирдек изланиб, меҳнат қилиб, обрў-эътибор қозониб, ёшларга намуна бўлиб, шогирдлари учун қайғуриб, ҳамкасбларига ёрдам бериб келаётган инсонни тасаввур этишимиз табиий. Сабаби устоз умрини эзгуликка бағишлади.

Меҳнат фаолиятим давомида юртимиздаги қанчадан-қанча олий таълим муассасаларида бўлдим. Кўплаб ректорлар, проректорлар, профессорлар, забардаст олимлар билан ҳамсуҳбат бўлишга тўғри келди. Кўплаб устозлардан ниманидир ўрганганларим бор. Улар орасида Тоштемир ака ҳам ўзига хос хислатлари билан ажралиб туради.

Устоз билан хизмат сафари сабаб бўлиб ҳамсуҳбат бўлганман. Самарқандга қараб йўл олар эканмиз, бизни ажиб бир манзара қарши олишини тасаввур ҳам қилмагандим. Сабаби собиқ Иттифоқ даврида кўплаб институтларнинг моддий-техник базаси ўзига яраша эди. Аммо Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бутунлай ўзгача манзарага дуч келдик. Дарахтзор, кўнгилни яйратадиган, одамнинг баҳри дили очиладиган маскан экан. Ҳамма жой саранжом-саришта, гўзал тароват акс этган. Институт ҳовлисини кезар экансиз, файзли гўша руҳини ҳис этасиз.




Ўқитувчилар, талаба-ёшларнинг муомаласида қишлоқ одамларига хос оддийликни, самимиятни англайсиз. Шу билан бирга таълим масканининг салобати ўзининг бутун борлиғи билан атрофга кўрк таратиб турар эди. Ана ўшанда Тоштемир аканинг изланувчан, тиниб-тинчимас, талабчан, одамохун, камтар инсон эканини кашф этганман.

Бир ўқитувчи келиб, бизни ичкарига бошлади. Институт билан таништира кетди. Сўзлари бамаъни, ширинсўз... Кейин билсам, бу киши институт раҳбари Тоштемир Остонақулов эканлар.

Йиллар давомида Тоштемир ака билан кўп мулоқотда бўлдим. Илм йўлидаги меҳнатларини юксак қадрлайман. Айниқса, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланишида устознинг, шогирдларининг, шунингдек, институт профессор-ўқитувчиларининг ҳиссаси катта, деб баралла айта оламан.

Куни кеча бир маълумотдан бохабар бўлдим. Йиллар давомида профессор Тоштемир Остонақулов раҳбарлигида мингдан зиёд илмий ишлар, шу жумладан 40 дан зиёд патент ва муаллифлик гувоҳномалари, 39 та дарслик ва ўқув қўлланма, 36 та илмий монография, 65 та услубий қўлланма, нуфузли журналлар ва илмий тўпламларда 700 га яқин илмий мақолалар нашр этилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинлари – буғдой, картошка, маккажўхори, помидор, тарвуз, топинамбур ва қовуннинг 30 дан ортиқ янги нави яратилган.

Яна бир гап. Тоштемир аканинг 220 дан зиёд илмий мақолалари дунёдаги энг нуфузли журналларида чоп этилган. Халқаро “Google scholar” илмий базаси бўйича ҳам устоз 9 баллик маррани забт этган забардаст олимлардан биридир. Буларнинг барчаси менда бир фикрни уйғотди: устознинг оддийлиги, самимияти замирида улкан буюклик ётибди.



Шарқ маънавиятида устозларни қуёшга ўхшатишлари бежиз эмас. У қалб кўри, меҳри билан шогирдларига таълим, тарбия беради, маданиятли, комил инсон қилиб тарбиялайди. Умр йўлларини ёритиб туради. Бугун Тоштемир Остонақулов ҳақида сўз борар экан, устознинг кўп йиллик самарали илмий ва педагогик фаолиятини юксак қадрлашимизни алоҳида эътироф этамиз.

Тоштемир Остонақулов таълим тизимидаги узоқ йиллик фаолияти давомида фидойилик намуналарини кўрсатдилар. Улкан билим ва тажриба билан республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига катта ҳисса қўшдилар, ҳалол меҳнат, илғор ғоялар билан юксак эътибор ва ҳурматга сазовор бўлдилар. Буларнинг барчаси фидойилик, меҳнатсеварлик, олийжанобликнинг юксак самарасидир.

Устоз, Сизга мустақкам соғлик, оилавий бахт, саодат ёр бўлсин! Шогирдлар, фарзандлар, неварая чеваралар камолини кўриб юришингизни чин қалбдан тилаймиз.

\*\*\*

**Олимхон МУРТАЗАЕВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Самарқанд филиали директори,  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор, Турон ФА академиги.

### **СУРҲОН ЭЛИНИНГ ФИДОЙИ ОЛИМИ**

Аграр соҳадаги етук селекционер олим, сурхон элининг фарзанди, XX аср иккинчи ярмидан то шу бугунгача республика қишлоқ хўжалиги тармоғини ва фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётган, унинг чинакам фидойиси, тармоқ жонкуяри, илм-фан соҳасидаги ютуқлари ва амалиётдаги таклиф-тавсиялар, иқтисодиётнинг турли



соҳаларига етук, малакали кадрлар тайёрлашда, ўзининг илмий салоҳиятини аямай сарфлаётган забардаст олим, нафақат республикамизда, балки дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларида ҳам ўз илми ва ўз сўзи билан, ўз ўрнига эга бўлган замондошимиз, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Тоштемир Эшимович Остонақулов муборак 70 ёшини қарши олаяптилар.

Инсон ўз умри давомида ўта мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтади. Айниқса, илм аҳли учун бу йўл унинг ўтмиши ва келажаги учун жуда аҳамиятли йўлдир. Профессор Т.Остонақулов ўзи асос солган илмий мактабни йиллар давомида кенгайтириб, ривожлантириб келмоқда.

Тоштемир Эшимович илмий-педагогик фаолияти давомида устозлар раҳнамолигида фаннинг назарий асосларини такомиллаштириш билан бир қаторда бевосита амалиётга ижобий таъсир кўрсатадиган бир қатор илмий таклиф ва тавсиялар тайёрлаганлиги, шогирдлари орасидан кўплаб фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чиққанлиги билан аграр соҳадаги олимлар орасида етакчилик қилмоқда.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги ошиб, бу масала анча жиддийлашган бир пайтда олим томонидан селекция ва уруғчилик соҳасида яратилган илмий тадқиқот ишлари янада муҳим аҳамият касб этади. Бунинг яққол далили сифатида картошка, сабзаёт ва полизнинг 30 дан зиёд нави яратилганлигини таъкидлаш мумкин.

Серқирра олим Т.Остонақулов раҳбарлик лавозимида ишлаб, ўзининг яна бир жиҳатларини намоиш қила олган олимдир. Кафедра мудири, факультет декани, институт

проректори ва ректори каби юксак лавозимларда, шунингдек, вилоят кенгаши депутати сифатида фаолият олиб бориб, салоҳиятни кўтаришда, моддий-техник баъзасини мустаҳкамлашда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида куч-ғайрат билан ишлаган ва ижобий натижаларга, ютуқларга эришган.

Бугунги қутлуғ кунда профессор Т.Остонакуловга узоқ ва баракали умр, илмий-педагогик фаолиятида янада баркамоллик, сиҳат-саломатлик, дўстлар, яқинлар, фарзандлар, набиралар ардоғида бўлиб, бундан буён кўпроқ эътиборни Аллоҳ йўлида қиладиган амалларга ва савобли ишларга сарфлашини яратгандан сўраб қоламиз.

\*\*\*

**Шавкат ҲАСАНОВ,**  
Самарқанд агроинновациялар ва  
тадқиқотлар институти ректори,  
профессор.


### **ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ ҚЎЛЛАГАН РАҲБАР**



Мен профессор Тоштемир Эшимовични институтни тугатиб, аспирантурада ўқиб юрган давримда ёш кафедра мудирларидан бири сифатида танишганман. Кейинчалик, халқаро алоқалар бўлими раҳбари сифатида домла билан декан, проректор, ректорлик фаолиятида жамоада биргаликда меҳнат

қилдик.

Домла раҳбар сифатида институтнинг халқаролашувига жуда хайрихоҳ эди. Корейнинг КОИСА



дастури кўмагида 2015 ва 2017 йилларда Кангвон миллий университети билан ҳамкорликда халқаро конференция маҳаллий ва корейлик олимлар учун мева-сабзавот ва қайта ишлаш йўналишида, қишлоқ хўжалигида агрокластерларни барпо қилишда мушоҳада учун платформа вазифасини ўтади. Айниқса, 2016 йилда Германиянинг IАМО (Ўтиш даври мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ривожлантириш) ИТИ ҳамда FAO билан ҳамкорликда “Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосидаги долзарб масалалар” ўтказилган халқаро конференция институт тарихида дунёнинг 30 ортиқ мамлакатидан 130 ортиқ хорижий олимлар, ҳукумат вакиллари иштирок этган йирик анжуман бўлди. Ушбу кўламда конференцияни ўтказиш, айниқса, шунча делегацияларни кутиб олиш ва кузатишда Тоштемир Эшимовичнинг ҳиссаси жуда катта бўлди.

Тоштемир Эшимович билан биргаликда Корея Республикаси, Германия каби давлатларда хизмат сафарига бўлди, ушбу мамлакатлардаги аграр корхона ва ташкилотлар, талабалар амалиёт ўтайдиган хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналар фаолияти билан танишганмиз. Ушбу хизмат сафарларда жуда қувноқ ва самимий инсон сифатида хорижий ҳамкорларимизда яхши таасурот қолдиргани боис, ҳозир ҳам баъзи ҳамкорларимиз ушбу учрашувларни илиқлик билан эслаб туришади.

Қолаверса, ўша даврда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) нинг “Ўзбекистонда замонавий олма етиштириш технологиясини жорий этиш орқали фермерлар даромадини ошириш” лойиҳаси доирасида ҳам институтнинг бир қатор мутахассисларини Япония давлатида боғдорчилик соҳасида малакасини оширишига

катта имкониятлар яратиб берди. Институтда “Фужи” боғини яратишда раҳбарлик қилди.

Мен бугун муборак 70 ёшини нишонлаётган устоз Тоштемир Эшимович Остонақуловга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, ижодий ишларига эса омад тилайман!

\*\*\*

**Бесинбай МАМБЕТНАЗАРОВ,**  
қишлоқ хўжалик фанлари  
доктори, профессор, академик.


### **ИБРАТ МАКТАБИНИ ЯРАТГАН ОЛИМ**



“Инсонларнинг энг яхши-си, умри узун ва амали гўзал бўлганидир”, деган ҳадиси шариф бор. Илм излаш, ўрганганларини бошқаларга ўргатиш, шогирдлар етиштириш қанчалар фазилатли эканлиги мўътабар китобларимизда кўп бор келтирилган.

Шу маънода, Сиз бутун умрингизни илмга бағишлаб, мамлакат ривожига улкан ҳисса қўшиб, жамиятда, элу юрт орасида катта обрў-эътибор қозондингиз. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлидаги машаққатли илмий изланишларингиз ва меҳнатларингиз самараси муносиб эътироф этилган.

Ишчанлик, ташкилотчилик ва ташаббускорлик, ўз ишига масъулият билан ёндашиш борасида ибрат мактабини яратдингиз. Мана шундай фараҳли лаҳзаларда



улуғ 70 ёшингиз билан кўп минг сонли қишлоқ хўжалиги ходимлари ва шахсан ўз номидан қутлаш менга чексиз мамнуният бағишлайди.

Яна узоқ йиллар ҳормай-толмай, шижоат билан юрт тараққиётига ҳисса қўшишингизни, фарзандлар, неvara, чеваралар камолини ва бахтини кўриб юришингизни Яратгандан сўраб қоламиз.

Сизнинг мамлакатимиз аграр тармоғини, айниқса пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, ем-хашакчилик соҳаларини ҳамда таълимни ривожлантиришга қўшган ҳиссангиз бениҳоя таҳсинга лойиқ. Республика таълим муассасаларини етук, юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга, илмий салоҳиятни кўтаришга, ёш олимлар тайёрлашга қўшаётган ҳиссангиз барчамизни қувонтиради.

Сиз Аллоҳ берган ички ва ташқи гўзалликка эгасиз. Юзингиз очик чеҳрали, доимо яхши кайфиятда юрасиз. Сиз билан битта юртда яшаётганимдан, ҳамоҳанг эканлигимдан, фикрдошлигим, битта Ихтисослашган кенгашда фаолият олиб бораётганлигимдан мамнунман. Сизнинг “бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил” деган маслаҳатларингиз мен учун доимо дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Сиздек ватанпарвар, меҳнатсевар, ишига садоқатли, оиласига ва атрофидагиларига меҳрибон дўст, ҳамкасб ҳаммага насиб этсин. Шу айтилганлар исботи бугун Сиз эл-юрт, Президент, ҳукумат, жамоа, дўстлар ва оила олдида жуда катта ҳурматга сазоворсиз. Буларнинг ҳаммасини худо Сизга насиб этгани рост бўлсин. Янада улуғларига, юқориларига эришинг.

*Муҳтарам Тоштемир Эшимович!*

Сизни яна бир бор улуғ айёмингиз билан табриклайман. Жамоангиз, оилангиз, фарзандларингиз,



дўстларингиз, шогирдларингиз ва тарбиялаётган неваралар бахтига соғ-саломат бўлинг. Келгуси фаолиятингизга зафарлар ёр бўлишини Яратгандан сўраб қоламан. Ёмон кўзлардан Ўзи асрасин.

\*\*\*

**Елмурат ТОРЕНИЯЗОВ,**  
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти профессори,  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.


### **ҚОРАҚАЛПОҚ ОЛИМЛАРИНИНГ ҲАМ УСТОЗИ**



Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасида катта илмий натижалар олаётган ҳурматли устозимиз, профессор Тоштемир Эшимович билан танишиб, биргаликда иш бошлашимиз Қорақалпоғистон шароитида картошка экишда вужудга келган муаммоларни илмий асослаш зарурлигидан бошланган.

Устоз Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Агрономия факультети декани лавозимида ишлаётган йиллардан бошлаб Қорақалпоғистонда картошка навларини жойлаштириш, тупроқ, иқлим шароитидан келиб чиқиб, қўлланиладиган агротехник тадбирларни олиб бориш бўйича олимларимиз билан бирга ишлашни бошлаган эди.

Бугунги кунга келиб, муаллиф чиқарган картошка навларидан “Қувонч-16/56 м”, “Сурхон-1” ва ширин маккажўхорининг “Замин”, “Янги ҳаёт”, тишсимон



маккажўхорининг “Қумқишлоқ”, “ҚарДУ-1000”, кунгабоқарнинг “СамҚХИ-20/80”, “Илм”, қовуннинг “Новоткалла” навлари Қорақалпоғистон экстремал агроиқлим шароитида кутилган ҳосил олиниши билан бугунги кунга қадар экилиб келинмоқда. Мазкур соҳада устознинг бир қанча шогирдлари муваффақиятли илмий-тадқиқотлар олиб бормоқда.

Устоз билан ҳамкорликдаги ишларимиз олий маълумотли мутахассислар тайёрлашда катта муваффақиятлар билан давом эттирилиб келаётганлигини фахр билан айта оламан. Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида раҳбар бўлиб ишлаган давримда устоз Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори лавозимида фаолият олиб борар эди. Ҳамиша устоз билимидан ўрганиб, тажрибаларини ўз фаолиятимда қўллаб келганман. Филиални институтга айлантиришда устознинг ҳиссаси катта эканлиги билан яна бир бора фахрланаман. Чунки, институтни ташкил қилиш учун биринчидан, нимага эътибор бериш керак, ишни нимадан бошлаш ва қандай ҳужжатлар тайёрлаш лозимлиги борасида менинг фаол маслаҳатдошим бўлди. Натижада 2021 йили Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ташкил қилинди. Институтнинг келажаги билан боғлиқ истиқболли режалар, келгусида ташкиллаштириш талаб этиладиган йўналишлар очишнинг зарурияти тўғрисида доим устоз маслаҳатгўйим эди. Кейинги йилларда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашдаги талаб мураккаб бўлишига қарамасдан, бугунги кўлга киритилаётган натижаларимизда устознинг ҳиссаси катта, деб ҳисоблайман.

Азиз устоз, ҳаммамиз учун қадрдон қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб боришда, кўплаб шогирдларни тайёрлашда чарчаманг. Ўзингиз, оила аъзоларингиз ҳамиша соғ-саломат бўлишсин, бугунги билим-илм-ишлаб чиқаришга кўшаётган ҳиссангиз ҳамиша давом этаверсин. Етмиш ёшингиз муборак, Устоз!

\*\*\*


**Лутфулло ЁЗИЕВ,**  
Қарши давлат университети профессори.

### **САЛОҲИЯТЛИ ОЛИМ, МОҲИР РАҲБАР ВА АЖОЙИБ ДЎСТ**



Профессор Тоштемир  
Остонақулов билан салкам 20  
йиллар илгари танишганмиз. Мен  
2002 йилда Қарши давлат  
университетида илмий ишлар  
бўйича проректор лавозимига  
тайинланган эдим. Ўша даврда  
Вазирлик томонидан биз кўплаб  
комиссиялар ишига жалб қилинар  
эдик. Ҳар йили янги ўқув йили

бошланиши олдидан бизни кўшни вилоятлардаги Олий таълим муассасаларини текширишга юборишар эди. Мазкур жараёнда биз жуда кўплаб олимлар билан танишар эдик. Шу даврда ҳикоямиз қаҳрамони Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида проректор лавозимида ишлар эди. Биз ўша даврда бир-биримиз билан яқиндан танишдик. Аслида мен у кишини ғойибона билар эдим. Яқин дўстим Шавкат Убайдуллаев Тоштемир ака билан



бирга ишлаган даврларини эслар, у киши ҳақида кўп гапирар эди.

Мен профессор Остонақулов билан илк бор кўришганда у кишидаги салоҳият, куч-ғайрат, ишлаб ҳам, гапириб ҳам чарчамайдиган, фикр-ўйида жуда кўп ғоялар ва амалий ишларнинг режаси ғужғон урадиган забардаст олимни, бир вақтнинг меҳр-оқибатли, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган, жуда катта илмий мактабни ўтаган ва тобланган ажойиб инсонни кўрдим.

Мени 2013 йилда ҚарДУ ректори лавозимига тайинлашди. Бу пайтда Тоштемир ака ҳам ўзи ишлайдиган институтнинг ректори вазифасида ишлар эди. Шундан кейин биз тез-тез учрашадиган, мулоқот қиладиган бўлдик. Айрим масалаларда у кишидан маслаҳатлар сўрар эдим, ҳар сафар эринмасдан ўз тажрибаси билан ўртоқлашар эди. Янада яқин муносабатларимиз у кишини бизнинг университетга ишга ўтганида бошланди. Бу даврда биз 4-5 та собиқ раҳбарлар тез-тез кўришиб турар эдик. Шу суҳбатга Тоштемир ака ҳам кўшилдилар. Ростини айтганда, у кишининг даврамизга кўшилгани бизнинг суҳбатларимизга файз киритди.

Гапимни мухтасар қилар эканман, дилимнинг тўридаги гапларни айтмоқчиман. Дунёда инсонлар кўп, уларнинг орасида олимлар ҳам етарлича. Лекин профессор Тоштемир Остонақуловдек забардаст олимлар кўп эмас. У кишининг нақадар забардаст олим эканлигини билмаганлар чоп этилаётган ушбу тўпламдан билиб олишади. Мен шундай инсон билан бир даврда ишлаганимдан, ҳамкасб, қолаверса ака-ука бўлганимдан ниҳоятда мамнунман. Сурхондарёнинг узоқ қишлоғидан чиқиб, ҳам олимликни, ҳам раҳбарликни, ҳам оилани ва одамгарчиликни уддалаган, уни жой-жойига қўйган,

шундан обрў-эътибор топган, эл-юртга танилган ажойиб инсон Тоштемир Остонақуловга узоқ умр, тинчлик-саломатлик, оиласида хотиржамлик тилайман. Сиз билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилиш ҳар иккаламизга ҳам насиб этсин.

\*\*\*


**Гаипназар САТИПОВ,**  
Урганч давлат университети  
Биология кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

**ФИДОКОР ЎҚИТУВЧИ, БАҒРИКЕНГ РАҲБАР,  
СЕРҚИРРА ОЛИМ**



Остонақулов Тоштемир Эшимович таълим соҳасида сидқидилдан меҳнат қилиб, бор кучи ва билимини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаб келаётган фидокор ўқитувчи, бағрикенг раҳбар, серқирра олим сифатида танилди. Шу узоқ давр мобайнида унинг кўлида минглаб талабалар таҳсил олишди. Улар ҳалол, ростгўй, меҳнаткаш ва ватанпарвар бўлиб тарбияланишди, билимли, доно ва ижодкор, ўз миллати, Ватани, касбини севадиган ва юрти учун содиқ хизмат қиладиган кадрлар бўлиб етишишди. Бу шогирдларнинг кўплари ўз касбининг етук эгалари бўлиш билан бир қаторда илмга қизиқиб, олимлик ва раҳбарлик даражасига кўтарилдилар.


Остонақулов Тоштемир Эшимович раҳбарлигида 5 нафар фан доктори (DSc) ва 24 нафар фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD) тайёрланган, 40 нафардан зиёд



диссертация ишларига расмий оппонент бўлган. Профессор Т.Э.Остонакулов кўп йиллик илмий, ўқув-услубий ва педагогик фаолиятларининг энг муҳим изланишлари натижалари алоҳида аҳамиятга эгадир. Баҳорги муддатда эртаги картошка етиштириш технологиялари, туганаксиз ўсимталаридан картошкани кўпайтириш, селекция ва уруғчилик услублари яратилган. Шунингдек, батат (ширин картошка) генофонди ўрганилган, янги навлари яратилиб, жадал кўпайтириш ва ўстириш технологиялари илмий асосланган. Шу қатори, шўрланган ва шўрланмаган ерларда ўсишга мос помидор навларини танлаб, бирламчи ва элита уруғчилиги ташкил этилган. Шу билан бирга, ширин (сабзавот) ва тишсимон маккажўхори нав ва дурагайлари яратилган. Экспортбоп қовун қоқи тайёрлашга яроқли қовуннинг “Новоткалла” нави, тарвузнинг “Деҳқон” ва “Фермер” навлари яратилган, Давлат реестрига киритилиб, бирламчи ва элита уруғчилиги ташкил этилиб, кенг амалиётга жорий қилинган. Қовун қоқи тайёрлашнинг гелиоқуритиш мосламаси ва технологияси такомиллаштирилган.

Профессор Т.Э.Остонакулов камтарин ва тўғрисиўз, дўстларига доим ғамхўр, меҳрибон. У ўз малакасини, сиёсий, иқтисодий ва илмий-назарий савиясини ошириш устида қатъият ва сабр-тоқат билан ишлайди. Бир қатор Республика ва хорижий миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда ўзининг қизиқарли илмий мақолалари ва маърузалари билан қатнашиб келмоқда.

Т.Э.Остонакулов пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий текшириш институти ҳузуридаги илмий даражаси берувчи Илмий кенгаш аъзоси, “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали илмий иловаси “Агроилм” журнали таҳририяти



аъзоси. Етук илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш борасида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Мунтазам равишда қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари ва агротехнологияларини республика фермер хўжаликларида кенг жорий этиш бўйича Давлат илмий лойиҳаларини бажариб келмоқда. Ўзининг илмий ва педагогик маҳоратини ҳамкасбларига, хусусан, ёш изланувчиларга ўргатади, ўз устида мунтазам ишлайди.

Тоштемир Эшимович янгиликларга интилувчан ва меҳнатсевар, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда юртимиз илм-фан, қишлоқ хўжалиги тараққиётига қўшаётган ҳиссалари беқиёсдир. Шунингдек, унинг раҳбарлигида университетда таълим-тарбиявий жараёнларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар доирасида, айниқса, талаба-ёшларнинг шахсий иш режасини ҳамда шахсий иқтисодини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада талаба-ёшлар билан раҳбар ходимлар ўртасида ўтказиб келинаётган учрашувларда, “устоз-шогирд” тизимини шакллантириш жараёнида мунтазам равишда тушунчалар бериб борилмоқда.

Тоштемир Эшимович ҳар бир ишга масъулият ва ташаббускорлик билан ёндашади. У юксак маънавиятли педагог сифатида ёш кадрларни тайёрлашда ўзининг имкониятлари ва бор куч-ғайратини аямайди, ўзига ва шогирдларига нисбатан талабчан устоз. У ўзига юклатилган ҳар бир топшириқни масъулият билан бажаради.

У фидойи, камтарин, жонкуяр олим, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан Ўзбекистон олимлари, университет профессор-

ўқитувчилари ва талабалар орасида ҳурматга сазовор инсондир.

\*\*\*

**Ражаббой ДУСМУРАТОВ,**  
ТДИУ, Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси  
профессори, и.ф.д., Ўзбекистон Республикаси Олий таълим  
аълочиси, Турон фанлар академияси академиги.

**Саодат ДУСМУРАТОВА,**  
қ-х.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги фидойиси,  
Турон фанлар академияси академиги.

**ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ, УМРНИНГ  
ҲАР ДАҚИҚАСИ ҒАНИМАТ**



Инсон дунёга келганида, даставвал у ота-онаси, яқинлари меҳр-эътиборида бўлади, ўсиб-улғаяди. Биринчи тарбияни ота-оналари, яқинларининг ҳатти-харакатлари, меҳнатлари ва ўғитларидан олади. Ҳурматли Тоштемир ака, Сиз мактаб таълимида устозларингиздан дастлабки билимларни олиб, кейин талабалик даврларида эса, зарур билимлар, касб




кўникмаларини, малака ва маҳорат мактабини эгаллаш билан ўз касбингизнинг устаси, кейинчалик эса, УСТОЗ деган улуғ мартабага эришгансиз. Дарҳақиқат,

*Афлотунга шогирд эди Арасту,  
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.  
Бу олтин силсила давоми мангу,  
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.*

Мана шундай устоз даражасига эришган инсон Тоштемир Эшимович Остонақулов ёшлигида академик К.З.Будин, профессор Д.Т.Абдукаримовлардан қишлоқ хўжалиги илми йўлида таълим ва тарбия олганлар. “Зарафшон водийси ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида турли суғориш режимлари ва минерал ўғитлар меъёрларида картошка ўртапишар навларининг маҳсулдорлиги ва уруғлик сифати” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, 26 ёшида фан номзоди илмий даражасига эришганлар. Кейинчалик илмда бардавомлик ва собитлик фазилатлари уларни “Зарафшон водийсида картошканинг селекцияси, уруғчилиги ва агротехникаси хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 37 ёшида фан доктори илмий даражасига етишганлар. Профессор илмий унвонига 39 ёшларида сазовор бўлганлар, бундай муваффақиятларга етишиш камдан-кам инсонларга насиб этади. Буларнинг барчаси Т.Э.Остонақуловнинг унга она табиат ато этган қобилиятлари ва тинимсиз меҳнатлари, кучли ирода, интилишлари ва бошқа юксак инсоний фазилатларининг маҳсулидир.

*Азиз инсон ва табаррук устоз Тоштемир Эшимович!*

Бизлар Сизни ҳам юксак инсонийлик, ҳам олимлик, ҳам раҳбарлик мужассам бўлган ноёб ҳислатли одам сифатида кўп йиллардан бери биламиз.




Сиздек, қишлоқ хўжалиги илм-фани ва таълим-тарбия соҳасининг етук олими ва маърифат ташкилотчисининг сермазмун ҳаёт йўлингиз ҳамда фаолиятингиз бугунги ёш авлод учун ибратли мактаб бўлишга арзийди.

Сиз Аллоҳ ато этган қобилиятингиз ва машаққатли меҳнатларингиз, одамларга самимий муносабатингиз, дўстликка чексиз садоқатингиз ҳамда бошқа кўплаб инсоний фазилатларингиз эвазига илмий-педагогик жамоа орасида катта инсоний ва илмий обрўга эга бўлдингиз. Бутун илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятингиз туфайли улкан жамоанинг ва шогирдларингизнинг меҳрини қозонган устоз даражасига эришдингиз.

Сиз илм-фан, таълим-тарбия ва амалиёт уйғунлигида орттирган улкан тажрибангизни ёш авлодга етказиш мақсадида ўз фаолиятингизнинг салмоқли қисмини собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига бағишладингиз. Айниқса, институт ректори лавозимида ишлаган даврингизда таълим сифати, илмий ва маънавий-маърифий ишларни юксалтиришга катта ҳисса қўшдингиз.

Юксак инсоний фазилатларингиз, мустаҳкам ирода ва иймон-эътиқодингиз боис, ҳаётнинг барча зиддиятлари ва ноҳақликларига муносиб бардош бергансиз ва бунда ҳозир ҳам собитсиз. Қуёш бутун борлиққа ҳаёт ато этгани каби, Сиз ҳам атрофингиздаги барчага яхшилик қилиб келаётган, лекин бунинг учун ҳеч кимга миннат қилмайдиган, беназир инсонлигингизни ҳаётда исботлагансиз. Бу борада ҳозирги ёшларимиз Сиздан ибрат олса арзийди.

Камтарона ва ҳалол меҳнатларингиз Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Олий таълим, фан ва



инновациялар вазирлиги, вилоят ва туман маҳаллий ҳокимият органлари томонидан муносиб тақдирланди. Булар Сизнинг маърифат ва таълим-тарбия соҳасидаги тўлақонли ҳамда самарали фаолият юритган устоз сифатида эътироф этилганингиздан далолат беради.

Ҳозирги вақтда ҳам катта илмий салоҳият ва ҳаётий тажрибангизни мамлакатимиз тараққиёти, илм-фан равнақи ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида сафарбар этиб келмоқдасиз.

Сиз айни вақтда бахтли оила боши, умр йўлдошингиз Барчиной опа билан ажойиб ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказдингиз, невараларни ҳам мамлакатимизга муносиб ворислар сифатида тарбияламоқдасиз ҳамда эл-юрт эъзозида фаровон ҳаёт кечирмоқдасиз.

Сизнинг таълим-тарбия ва маърифатга бағишланган ҳаёт йўлингиз – илм-фанга ва касбга садоқат, Ватанга ва миллатга эътиқод, юртимиз мустақиллигига фидоийлик рамзидир.

Ҳурматли устоз Тоштемир Эшимович! Сизни муборак 70 ёшингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз! Ушбу қутлуғ кунда Аллоҳдан Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, Ватанимиз равнақи, илм-фани ва таълими тараққиёти йўлидаги хайрли ҳамда эзгу ишларингизга ривож тилаб қоламиз.

\*\*\*

**Абдуғани ЭЛМУРОДОВ,**  
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,  
чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг  
ўқув ишлари бўйича проректори, қ-х.ф. д., профессор.

**УЛКАН ОЛИМ ВА ЮКСАК МАҲОРАТЛИ ПЕДАГОГ**

Мен устозни 1986 йилдан институтга талабаликка қабул қилинганимдан буён яхши биламан. Генетика, дала



экинлари селекцияси ва уруғчилиги фанларидан маъруза дарсларини ўтар эдилар. Устоз раҳбарлигида 4-5 босқичларда ишлаб чиқариш амалиётини Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани Мирзо Улуғбек хўжалигида ўтаганман. Ўша даврда “Картошка навлари ҳосилдорлигининг уруғлик материаллари олиш усулларига боғлиқлиги” мавзусида битирув иши бўйича Мирзабобо далаларида тажриба қўйиб, у кишидан дастлабки илм сирларини ўрганганман.

1991-1992 йилларда институтни битиргач, ишлаб чиқаришда бир муддат агроном бўлиб ишлаб, устозни тавсиясига кўра хўжалик шартномасида кичик илмий ходим, кейинчалик 1993-1995 йилларда аспирантурада ўқидим. Аспирантурада таҳсил олган давримда “Картошка дурагай популяциялари ҳосилдорлигининг уруғкўчат экини сифатида туп қалинлиги ва экиш схемаларига боғлиқлиги” мавзуси илмий ишимга жуда катта ёрдам берган.

Ўз соҳасининг етук мутахассиси, ўзига ва шогирдларига талабчан, ўз соҳасини инновацион ғоялар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ечимига қаратилган тадқиқотлар олиб борган ва бугунги кунда ҳам ўнлаб шогирдлари билан меҳнат қилаётган Устозимиз чинакам сабзавотчилик, картошқачилик, мевачилик соҳаларида улкан натижаларга эришган йирик олимдир.

Т.Э.Остонакулов устознинг ўқув ва илмий соҳаларда эришган ютуқлари жуда улкан. Биргина ўқув соҳасида 39 та дарслик ва ўқув қўлланмалари, 69 та тавсияномалар, 65 та услубий қўлланмалар олий таълим муассасаларида

асосий дарслик сифатида талабалар, магистрантлар ва тадқиқотчилар ҳамда ишлаб чиқаришдаги фермерлар, кластер вакилларига соҳанинг асосий қўлланмалари бўлиб хизмат қилмоқда.

Устоз томонидан бевосита ва у кишининг раҳбарлигида қишлоқ хўжалик экинларининг 34 та навлари, жумладан, 10 та картошка (“Қувонч-16/56 м”, “Баҳро-30”, “Ҳамкор-1150”, “Бардошли-3”, “Яроқли-2010”, “Сурхон-1”, “Боғизоғон”, “Ультразшим”, “Янги Ўзбекистон”, “Устоз Д.Т.Абдукаримов”), 2 та тарвуз (“Дехқон”, “Фермер”), 4 та ширин (сабзавот) маккажўхори (“Шерзод”, “Замин”, “Замон”, “Янги ҳаёт”), 4 та тишсимон маккажўхори (“Самарқанд тишсимони”, “Оқпари”, “Қумқишлоқ”, “ҚарДУ-1000”), 4 та батат (“Сочакинур”, “Тойлоқи”, “Филиал”, “Янги Самарқанд”), 1 та топинамбур (“Эътироф”), 3 та кунгабоқар (“Машъал F<sub>1</sub>”, “СамҚХИ-20/80”, “Илм”), 4 та юмшоқ буғдой (“Жасмина”, “Амира”, “Фарбома”, “Зарафшон”), 1 та помидор (“Мустақиллик-28”), 1 та қовун (“Новоткалла”) навлари муаллифи, ҳаммуаллифидир.

Устоз раҳбарлигида 5 нафар фан доктори (DSc) қаторида мен ҳам “Зарафшон водийси шароитида топинамбур агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида докторлик диссертациямни ҳимоя қилганман. Бугунги кунда устоз билан биргаликда диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгашларда фаолият кўрсатишимга ҳам у кишининг меҳнати катта.

Т.Э.Остонакулов Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида раҳбар бўлиб ишлаган даврларида таълим сифатини ошириш, иқтидорли талабалар, тадқиқотчиларга эътибор бериш, ахборот-ресурс марказини бойитиш, ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш борасида Республика

қишлоқ хўжалик олий таълим муассасалари орасида етакчилик қилган.

Устоз ўзининг меҳнати ва интилиши, кўпчиликга ўрнак бўладиган, ўқув-педагогик фаолиятда юксак педагогик маҳорати, тадқиқотлар борасида улкан натижаларга эришиши орқали том маънода ўз соҳасининг етук ва улкан олимидир.

\*\*\*


**Салоҳиддин ЮНУСОВ,**  
Тошкент давлат аграр университети  
Мева-сабзавотчилик ва узумчилик  
кафедраси мудири, профессор.

### **ҚАЛБИ ПОК, МЕҲРИ ДАРЁ ИНСОН**



Олим-агроном, селекционер, педагог, меҳрибон устоз, сабзавотчилик фанининг фидойи устозларидан бири Тоштемир Эшимович Остонакуловни мен 2004 йил, номзодлик диссертация ишимни ҳимояси давридан яхши танийман. Устозни илмий ишимга берган тақризлари, фикрлари ва маслаҳатлари кечагидек ёдимда. У кишининг ишимга синчковлик билан эътибор бериб, қимматли маслаҳатларини аямай, самимийлик билан муносабатда бўлганликларидан ҳавасим ортган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги айниқса, сабзавотчилик фанини ривожлантиришда ўз ҳиссасини кўшиб келаётган забардаст олим, Қарши давлат университети Агрономия факультети Мева-



сабзавотчилик, агрокимё ва экология кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Тоштемир Остонақулов билан бугунги кунда бир соҳада ишлаётганимдан фахрланаман.

Устоз доимо ёш тадқиқотчилар, магистр ва талабалардан қимматли маслаҳатларини аямайдиган, соҳанинг хазинаси бўлган инсонийлик фазилатларга эга комил инсондир. У кишининг ютуқларини рақамлар билан ифодалайдиган бўлсам, профессор Т.Э.Остонақулов раҳбарлиги ва бевосита иштирокида қишлоқ хўжалик экинларининг 34 та навлари яратилган. 1000 дан зиёд илмий ишлар, шу жумладан, 40 дан зиёд патент ва муаллифлик гувоҳномалари, 39 та дарслик ва ўқув қўлланмалари, 36 та илмий монографиялар, 376 та нуфузли журналларда мақолалар, 317 та илмий тўпламларда мақолалар, 69 та тавсияномалар, 65 та услубий қўлланмалар нашр этилган. Устоз раҳбарлигида 5 нафар фан доктори (DSc) ва 24 нафар фан номзодлари, фалсафа докторлари (PhD) тайёрланган, шунингдек, 40 дан зиёд диссертация ишларига расмий оппонент бўлиб маслаҳатларини берган. 220 дан зиёд илмий мақолалари инглиз ва рус тилларида дунёнинг нуфузли журналларида нашр этилган. Ишлаб чиқаришга жорий этилган ишланмалар 69 та тавсиялар ва 65 та услубий қўлланмаларда ўз аксини топган.

Сабзавотчилик фанининг йирик ва забардаст олими, ёшларнинг талабчан ва меҳрибон устози Остонақулов Тоштемир Эшимовични таваллуд топганига 70 йил, илмий-педагогик фаолиятига 48 йил тўлиши муносабати билан чин дилдан қутлайман. Республика қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, баркамол ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда Сизга сиҳат-саломатлик, баркамол ҳаёт,

узоқ умр, илмий ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман. Узоқ йиллар ҳамкасблар ва шогирдлар даврасида юришингизни Аллоҳдан сўраб қоламан.

\*\*\*


**Гаппар БОБОНАЗАРОВ,**  
Қарши давлат университети,  
Зоология кафедраси мудир, б.ф.н., профессор.

### **ҚАДРДОН ДЎСТ, ЕЛКАДОШ ҲАМКАСБ**



Мен 2000-2016 йиллар давомида Қарши давлат университетида кафедра мудир, факультет декани ва ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларида ишлаганман. Тақдир тақозоси билан Остонақулов Тоштемир Эшимович ҳам шу йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида 1992 йилдан 2002 йилгача генетика, селекция, уруғчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудир, 2002-2004 йиллар агрономия факультети декани, 2005-2011 йиллар институт ўқув ишлари бўйича 1-проректори, 2011-2018 йиллар ректор лавозимида фаолият кўрсатган. 2000 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг кафедра мудирлари, факультет деканлари ва ўқув ишлари бўйича проректорлари узлуксиз қарийб ҳар ойда камида бир марта Тошкент шаҳрига ҳар хил йиғилишлар, ўқув семинарлари каби тадбирларга чақирилган эди. Биз Тоштемир Эшимович билан шу тадбирларда доимо бирга қатнашганмиз ва ўша





кезларда танишганмиз. Биз шу тариқа чорак асрдан буён қадрдон дўст, елкадош ҳамкасб бўлиб қолдик.

Тоштемир Эшимовичнинг табаррук 70 ёшни қаршилаётганини эшитгач, у инсонни мен билган-билмаган ҳаёт йўллари кўз олдимдан ўта бошлади. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида таҳсил олган талаба ўзининг қарийб ярим асрлик илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини шу институтда оддий ўқитувчиликдан бошлаб ректор лавозимигача ишлади. Раҳбарлик фаолияти давомида институт моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини оширишга, талабалар учун ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида замонавий ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этишга, тажриба алмашишга, хорижий етук олимларни таълим-тарбия жараёнига жалб этишга, чет элда ўқиш, малака ва стажировка ўташга, жаҳон олий таълим муассасасалари ўртасида институт рейтингини оширишга алоҳида эътибор қаратди ва муайян ютуқларга эришди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг нуфузли олий таълим масканларидан бири Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетини шаклланишига ҳам ўзи ҳиссасини қўшди.

Профессор Т.Э.Остонақулов кўп йиллик илмий, ўқув-услубий ва педагогик фаолияти маҳсули сифатида 1000 дан зиёд илмий ишлар нашр эттирди. Шунингдек, Россия Федерацияси Петербург Фанлар академияси академиклигига, Самарқанд вилояти Халқ депутатлари кенгаш депутатлигига ҳамда вилоят кенгаши қошидаги аграр соҳа ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси раислигига сайланган. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий текшириш институти

хузуридаги илмий даражаси берувчи Илмий кенгаш аъзоси, "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журнали илмий иловаси "Агроилм" журнали таҳририяти аъзоси. Мунтазам равишда қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари ва агротехнологияларини Республика фермер хўжаликларидида кенг жорий этиш бўйича давлат илмий грантлари бажарилиб келинмоқда. Унинг фаолияти давомида қилган беқиёс ишлари эл-юрт, жамоаси, ҳамкасблари ва шогирдлари таҳсинига сазовор.

Тоштемир Эшимович мана шу табаррук ёшда ўзи туғилган юртда катта Останақуловлар сулоласининг ибратли етакчиси, оилада турмуш ўртоғининг суюкли хўжайини, икки ўғил, бир қизнинг отаси ва ўнлаб неварачевараларнинг меҳрибон бобоси.

Муҳтарам қадрдоним, юз ёшдан ошганда ҳам соғ-у саломат, яхшилик қилишдан қўлингиз бўшамай, эзгулик нурларидан қалбингиз тўлиб, неварачеваралар камолини кўриб, улар ардоғида пиру бадавлат бўлиб яшанг.

\*\*\*

**Бобир БОЙСУНОВ,**  
ҚарДУ Ботаника кафедраси мудир

**КАМТАРИН ВА ФИДОЙИ ОЛИМ**



Профессор Остонақулов  
Тоштемир Эшимович билан бундан қарийб 15 йил илгари у кишининг ўртоқлари, мен учун ҳаётда ва илмда қадрли бўлган инсонлардан бири марҳум профессор Шавкат Убайдуллаевнинг хонадонидида

танишганман.

Ўша пайтларда у киши Самарқанд ҚХИ да ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида ишлар эди ва республикадаги ОТМ фаолиятини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ аъзоси сифатида тез-тез Қаршидаги ОТМларга келиб турардилар. Т.Остонақулов олий таълимда ўқув ва илмий тадқиқот ишларини самарали ташкил этишда катта тажрибага эга эди. Уларнинг тажрибалари Самарқанд ҚХИ ректори лавозимида ишлаган даврларида институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, халқаро алоқаларни йўлга қўйишда юқори кўрсаткичларга эришишга хизмат қилди.

Кейинчалик у киши билан Қарши давлат университетидagi фаолиятлари давомида доимий мулоқотда бўлиб келдик. Домла энциклопедик олим, у киши билан нафақат биология ва қишлоқ хўжалик соҳаси, кимё, физика соҳасида ҳам суҳбатлашиш ва маълум илмий масалаларни муҳокама қилиш мумкин. Мен у кишидаги камтаринлик, самимийлик, талабчанлик, ҳар бир шогирдининг нафақат илмий иши, балки оилавий муаммоларини ҳам бартараф қилишда, тўғри йўл кўрсатишда оталарча муносабатда бўлишини кўриб нақадар бағрикенг, оқил инсон эканликларига амин бўлдим.

Устозим Лутфулло Ёзиев сабабли Олий таълим соҳасида раҳбар лавозимларида ишлаган, кўпни кўрган, оилада ва ижтимоий ҳаётда ўз ўринларига эга бўлган олимларнинг самимий давраларида бўлиб тураман. Албатта, бу давраларда устоз Тоштемир Эшимович ҳам бўладилар. У киши билан бўлган давраларда домланинг таълим-тарбия, илм-фан, оилага муҳаббат, фарзандлар

тарбияси, дўстларга садоқат тўғрисидаги фикрларини эшитиб ва буни амалда кўриб ҳаётда мана шундай самимий инсонлар билан ҳамсуҳбат, ҳамфикр бўлганимдан, уларнинг ҳаётий билим ва тажрибаларидан сабоқ олиш бахтига эгалгимдан фахрланаман.

Устоз Тоштемир Эшимович! Сизни 100 ёшда бўлганингизда ҳам самимий суҳбат қуриб, ёруғ юзингизни кўриш насиб этсин.


\*\*\*

**Фарҳод ҲОШИМОВ,**  
СамДУ Агробиотехнология ва озиқ-  
овқат хавфсизлиги институтининг  
кафедра мудири, профессор.

### **ҲАҚИҚИЙ ПЕДАГОГ ВА ОЛИМ**



Мен Тоштемир Эшимович Остонақуловни билимга чанқоқ интилувчан талаба сифатида билганман. Талабалик даврида ҳамкурслари ичида фаоллиги, тартиби ва меҳнаткашлиги билан ажралиб турарди. У Ўзбекистон сабзаёт, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олди. 1980 йилда номзодлик, 1991 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1993 йил профессор илмий унвонига эга бўлди, 10 йил кафедра мудири, 2002-2004 йиллар Агрономия факультети декани, 2005-2011 йиллар



институт ўқув ишлари бўйича 1-проректори, 2011-2018 йиллар ректор лавозимида фаолият кўрсатди.

Т.Э.Останакулов раҳбарлик фаолияти давомида институт моддий техник базасини мустаҳкамлашга, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини оширишга, замонавий ахборот ва педогогик технологияларни кенг жорий этишга, тажриба алмашиниш мақсадида хорижий олимларни жалб этишга, чет элда ўқиш, малака ва стажировка ўташга, жаҳон олий таълим муассасалари ўртасида институт рейтингини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Т.Э.Останакуловнинг муаллифлиги ва ҳаммуаллифлигида тайёрланган дарсликлар, ўқув кўлланмалари, монографиялар, илмий ва илмий-оммабон мақолалардан нафақат илмий ходим ва докторантлар фойдаланишмоқда, балки олинган натижалар замонавий деҳқончиликда ҳам кенг жорий этилмоқда. Халқаро Google scholar илмий базаси бўйича h-index = 10. Бу бизнинг шароитимизда жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади

Т.Э.Останакулов олий тоифали педагог ва билимли илмий ходим сифатида фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрламоқда ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанини ривожланишига сармоқли ҳисса кўшиб келмоқда. Илм-фан ва таълимнинг бу жонкуяр ташкилотчисига соғлиқ-омонлик, тинчлик-хотиржамлик, келгуси ишларида барака тилайман.

\*\*\*

**Насриддин ҲАЛИЛОВ,**  
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,  
чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг  
ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш  
кафедрасининг мудир, қ.хф.д., профессор.


### ПРОФЕССОР ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР



Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманида таваллуд топган, қишлоқнинг чанг кўчаларида, даштида от чоптириб ўсган, орзулари бир дунё содда, оқкўнгил эндигина 16 ёшга қадам қўйган Тоштемир Остонақулов азим шаҳар Самарқандга олий таълим оламан деган мақсадда келиб Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб ўқишга қабул қилинган.

Ёш талаба қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўз ечимини кутаётган муаммолар, турли фанларнинг асослари бўйича маърузалар, машғулотлар ўтаётган тажрибали, мамлакатда танилган олимлардан сабоқ олиш давомида пухта билимга эга бўлган олим-агроном бўлиб етишди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатди.

У кишининг дастлабки илмий ишларига, кейинчалик номзодлик, докторлик диссертацияларига ҳам академик Д.Т.Абдукаримов раҳбарлик қилган. Бугунги кунда Тоштемир Эшимович Ўзбекистонда сабзавотчилик, картошқачилик, полизчилик соҳаларининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган йирик олим ҳисобланади. У кишининг раҳбарлигида 5 нафар фан



доктори (DSs) ва 24 нафар фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD) тайёрланган. Селекция соҳасида 34 та янги қишлоқ хўжалиги экинлари навларини, дурагайларини яратган ёки яратилишида фаол иштирок этган.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларида сабзавотчилик, мевачилик бўйича асосий дарсликлар, ўқув қўлланмалар Тоштемир Эшимовичнинг қаламига мансуб. Бундан ташқари 36 та илмий монографиялар ҳам чоп эттирган.

У кишининг фаолияти Самарқанд қишлоқ хўжалик институти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб институтда ассистент, доцент, профессор, кафедра мудири, проректор, ректор вазифаларида ишлаган. Ректорлик фаолияти давомида институт моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини, таълим сифатини оширишга катта ҳисса қўшди. Ҳозир Тоштемир Эшимовичнинг жамоатчилик ишларини бирма-бир санайдиган бўлсак бир саҳифадан кўп бўлишига аминмиз.

Биз бугун дўстимиз Тоштемир Эшимовичнинг 70 ёшга кирганлиги билан самимий табриклаймиз, у кишига мустаҳкам соғлиқ, ишларида улкан ютуқлар, оилавий бахт тилаймиз. Тоштемир Эшимович сиз навқирон ёшни нишонлаяпсиз, Сиздан умидимиз катта, ҳали жуда кўп шогирдлар тайёрлаш, китоблар ёзиш, навлар яратишингизни кутаяпмиз.

\*\*\*

**Музаффархон АРАМОВ,**  
Термиз агротехнологиялар ва инновацион  
ривожланиш институти Мева-сабзавотчилик,  
узумчилик ва иссиқхона хўжалиги кафедраси мудири,  
қ/х ф.д-ри, профессор.


**ЕТУК ОЛИМ, ҚАДРЛИ ИНСОН, ЖОНКУЯР УСТОЗ.**



Профессор Тоштемир Эшимович Остонақулов билан танишишимиз дастлаб ғойибона бўлган. Шундай инсон борлигини билардим-у, лекин шахсан таниш эмас эдим. Мақолалари, монографиялари, дарсликлари орқали олдиндан таниганман. Биринчи танишувимиз Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти илмий кенгашида бўлган. Бир оғиз сўздан бир-биримизни тушунадигандай эдик. Биз деярли бир мактаб вакили десам ҳақиқатга яқин бўлади. Чунки, домла 1991 йилда, мен эса 1994 йилда Санкт-Петербург шаҳридаги Бутунроссия ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти илмий кенгашида докторлик диссертациясини ҳимоя қилганмиз.

Профессор Т.Э.Остонақулов республикамизда сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликни ривожланишига катта ҳисса қўшган йирик олимлардан бири ҳисобланади. У киши томонидан нашр эттирилган 1000 дан ортиқ илмий мақолалар, 40 дан ортиқ патент ва муаллифлик гувоҳномалари, 39 та дарслик ва ўқув қўлланмаси, 36 монография, 69 та тавсиянома, 65 та услубий қўлланма бунинг ёрқин мисолидир.





Домла ўз фаолиятида ёш илмий кадрларни тайёрлашда ҳам катта ишларни амалга оширган. Унинг раҳбарлигида 5 нафар фан доктори ва 24 нафар фан номзоди фалсафа доктори (PhD) тайёрланган.

Т.Э.Остонакуловнинг картошка селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси бўйича қилган ишлари салмоқлидир. У киши томонидан яратилган “Қувонч-16/56м.”, “Баҳро-30”, “Ҳамкор-1150”, “Бардошли-3”, “Сурхон-1”, “Яроқли-2010”, “Боғизоғон”, “Ультразшим”, “Янги Ўзбекистон”, “Устоз Д.Т.Абдукаримов” каби навлари алоҳида диққатга сазовордир. Бундан ташқари домла томонидан помидорнинг 1 та, тарвузнинг 2 та, қовуннинг 1 та, ширин маккажўхорининг 4 та, тишсимон маккажўхорининг 4 та, бататнинг 4 та, топинамбурнинг 1 та, кунгабоқарнинг 3 та, юмшоқ буғдойнинг 3 та нави яратилган ва ҳар йили ишлаб чиқаришда 12200-12500 га майдонда етиштирилмоқда.

Профессор Т.Э.Остонакулов моҳир раҳбар сифатида ҳам танилган инсон. У Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида 1992-2002 йиллар Генетика, селекция, уруғчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудири, 2002-2004 йиллар Агрономия факультети декани, 2005-2011 йиллар ўқув ишлари бўйича 1-проректор, 2011-2018 йилларда ректорлик лавозимида фаолият кўрсатган. Шу даврда институт моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятни ошириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича жуда катта ишларни амалга оширди.

Тоштемир Эшимовични намунали оила бошлиғи сифатида ҳам яхши биламан. Бир ўғли Америка Қўшма Штатларида ташкилот раҳбари, яна бири фан доктори, Тошкент шаҳридаги олийгоҳларнинг бирида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қизи олий маълумотли, магистр

даражасини олган, Самарқанд шаҳрида мактабда ишлайди.

70 ёшни қарши олаётган Тоштемир Эшимович ҳали куч-қувватга тўла, серғайрат, бир гапириб икки куладиган, нафақат ёшларга, балки ўз тенгқурларига ҳам ўрнак бўладиган, келажакка яхши ниятлар билан интиладиган ижодкор олим.

Етмиш ёшни ёруғ юз билан кутиб олаётган домлага мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат, ижодий ишларига ривож тилайман.

\*\*\*

**Ҳафиза АРТИКОВА,**

Бухоро давлат университети Агрономия ва биотехнология факультети декани, б.ф.д., профессор.


**Отабек УМАРОВ,**

Бухоро давлат университети Агрономия ва тупроқшунослик кафедраси мудири, б.ф.ф.д., доцент.

### **ДОНИШМАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ОЛИМИ**



Ҳурматли устоз Тоштемир Эшимович Остонакулов ҳақида сўз кетар экан, кўз олдимизга марҳум устозимиз Каромат Умарович Умаров (Аллоҳ раҳматига олган



бўлсин) келадилар. Бухоро давлат университети ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти билан ўзаро ҳамкорлик натижасида у киши устоз Остонақулов билан оға-инидек бўлиб қолган эдилар. Бир куни гаплашиб турганимизда, Остонақуловни эслаб *“У ҳақиқий олим, етук мутахассис, бағрикенг ва меҳнатсевар инсон”* дея эътироф этганлари кечагидек ёдимизда.

Бухоро давлат университетининг бакалавр босқичини тугатиш арафасида келгусидаги режаларим тўғрисида амаким билан гаплашдим. Амаким Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида магистратура босқичида таҳсил олишим кераклигини айтдилар. Сўнг мен кўплаб илмий китобларда номларини ўқиган машҳур олим Т.Э.Остонақулов номига ариза ёзиб, ушбу муборак даргоҳга агрокимё мутахассислиги бўйича магистратура босқичида ўқидим.

Таҳсил йилларимда Т.Э. Остонақулов раҳбарлигида Самарқанд қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ишларни, салоҳиятли илмий мактабларини кўриб менда ушбу олийгоҳда келгусида ишлаш истаги пайдо бўлди. Ўқишни тугатганимдан кейин менга танлаш имконияти берилди, мен иккиланмасдан Т.Э.Остонақулов раҳбарлигидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ишлашни танладим. Бу даргоҳда икки йил давомида ишлаб ўз фаолиятимни олиб бордим, устоздан ўз мутахассислигим бўйича фанларни чуқур ўргандим. Устоз нафақат Самарқанд вилояти, балки Бухоро вилояти учун ҳам ўз хизматларини аямай келмоқдалар. БухДУда доимий равишда ўтказилиб келинаётган республика ва халқаро миқёсидаги анжуман ялпи йиғилишларида устоз ўзларининг долзарб мавзулардаги маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда.

Бундан ташқари, Бухоро вилояти шароитида яқин йилларда очик майдонда помидор етиштириш муаммога айланиб бораётган бир вақтда шогирдлари Гулшода Саидова билан биргаликда ушбу муаммога илмий асосда ечим топмоқдалар.

Биз учун ҳурматли Т.Э.Остонақулов ҳар бир соҳада фаол инсон, етук олим, шогирдлар ардоғидаги устоз, катта бир илмий мактабнинг асосчиси.

Т.Э.Остонақулов ҳақиқий устоз, бағрикенг раҳбар, қишлоқ хўжалигининг етук билимдони, фидойи олим сифатида ўзларининг ҳалол ва бенуқсон меҳнатлари билан нафақат ўзлари самарали ишлаган даргоҳда, балки бизнинг жамоамизда катта ҳурмат қозонганлар.

\*\*\*

**Санжарбек САДУЛЛАЕВ,**  
УрганчДУ мева-савзавотчилик  
кафедраси мудири, доцент.

### УНУТИЛМАС ХОТИРАЛАР



Устоз Остонақулов Тоштемир Эшимовични қишлоқ хўжалиги соҳасига оид илмий ишлар билан таниша бошлаганимда таниганман. Қишлоқ хўжалиги соҳасида чоп этилган дарсликлари, илмий-услубий қўлланмалари ҳамда илмий мақолалари орқали устозга бениҳоя ҳурматим ошди ва ҳавас қилдим.

Тақдир тақозоси билан устоз Тоштемир Эшимович сабзавотчилик ихтисослиги бўйича «Қовун генофондни сақлаш, экспортбоп навларини

ажратиш ҳамда етиштиришнинг айрим технологияси элементларини такомиллаштириш (Хоразм вилояти шароитида)» мавзусида қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган ишимга расмий оппонентлик қилиб, бевосита ёрдамлари тегди.

Диссертация юзасидан тушунмовчилик ёки янгиликлар ҳамда селекция ишларида устознинг маслаҳатлари катта бўлди. 2022 йил 30 июнда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи ДСс.05/30.12.2019.Қх/В. 42.01 рақамли Илмий кенгаш ҳузурида ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим.

Инсон яшар экан, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, илм йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамisha миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Илм-бебаҳо бойлик, уни эгаллаш осон емас. Уламолар илм олишни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишган. Инсоннинг шундай бебаҳо хазинанинг соҳиби бўлишида устозларнинг ўрни беқиёс. Халқимизда “Устоз отангдан улуғ” деган ҳикмат бежиз айтилмайган.

Ўзининг таббарук 70 ёшини нишонлаётган устоз Тоштемир Эшимович ҳозирда ҚаршиДУ агрономия факултети мева-сабзавотчилик, агрокимё ва экология кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда. У ўз умрини илмга, эзгуликка, таълим-тарбияга бағишлаган инсонлардан биридир, десам муболаға бўлмайди.

Устозимизнинг илм йўлидаги зафарлари ва эришган ютуқларига ҳар бир илм йўлини танлаган инсонлар ҳавас қилса арзийди. Илмий-тадқиқотлар ишларида устоз билан доимо маслаҳатлашиб тураман, устоз биз

шоғирдларидан қимматли вақтларини аямайдилар, шоғирдларига ҳеч қачон ўз билим ва тавсияларини беришдан чарчамайдилар.

Устозимиз Тоштемир Эшимович ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Сўзимнинг якунида яна бир бор устознинг минглаб шоғирдлари ичидан у киши ҳақида сўзлаш менга ғурур бахш этганидан мамнунлигимни билдирган ҳолда устозга узоқ умр тилайман. Ёшларга таълим ва тарбия беришда, уларга илм сирларини ўргатишда куч-қувват ёр бўлсин! Умрингиз узоқ, ҳаётингиз бундан ҳам гўзал муваффақиятларга бой бўлсин! Илмий изланишларингиз салмоғи янада ортаверсин! Оилангиз билан узоқ йиллар бахтли яшаш насиб этсин!


\*\*\*

**Зокиржон БЎСТОНОВ,**  
АҚХАИ Мева сабзавотчилик ва узумчилик  
кафедраси мудири доцент.

### **БАРЧАМИЗГА УСТОЗ**



1985-1991 йиллари Андижон Пахтачилик институти Агрономия факультетини битириб, шу олий ўқув юртида ассистент лавозимида фаолиятимни бошлаганман. Ўша йиллардан буён Т.Э.Остонакуловни устоз сифатида танийман. 1992 йил қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасига, 1993 йил профессор илмий унвонига эга бўлган. 1992 йилдан 2002 йилгача Генетика, селекция, уруғчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси



мудир, 2002-2004 йиллар Агрономия факультети декани, 2005-2011 йиллар институт ўқув ишлари бўйича 1-проректори, 2011-2018 йиллар ректор лавозимида фаолият кўрсатган. Юқоридаги тарихни бекорга эслаганим йўқ, чунки устоз сабзаотчилик ва картошқачилик соҳасида жуда катта илмий ишларни амалга оширган. Ўз навбатида у киши раҳбарлигида 5 нафар фан доктори (DSc) ва 24 нафар фан номзоди, фалсафа докторлари (PhD) тайёрлаган.

Ўзбекистонда Сабзаотчилик, картошқачилик ва сабзаот экинлари селекциясини ривожланишда Т.Э.Остонақуловнинг хизматлари жуда катта. Устоз ҳақиқий селекционер.

Ҳаммамиз биламизки, селекция танлаш маъносини билдиради. У киши доимо истеъдодли, ватанпарвар ёшларни танлаб, уларга илм олишларига шарт-шароитлар яратиб берди. Бунинг меваси ўлароқ ҳозирда Республикамизнинг барча соҳаларида етук мутахассис ва раҳбар кадрлар етишиб чиққан, шулар қаторида мен ҳам олий таълим соҳасида узоқ йиллардан бери фаолият олиб бормоқдаман.

1999 йилда сабзаот экинлари селекцияси мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациямни ёқлаганимда устоз Т.Э.Остонақулов тўғри йўлни кўрсатди ва қўллаб-қувватлади. Устоз томонидан картошқанинг 10 та, тишсимон маккажўхорининг 4 та, бататнинг 4 та, топинамбурнинг 1 та, кунгабоқарнинг 3 та, юмшоқ буғдойнинг 3 та навлари яратилган.

Сўзимнинг якунида яна бир бор устоз Т.Э.Остонақуловни минглаб шогирдлари қаторида 70 ёшга тўлганлиги билан самимий табриклайман. Устоз ҳақида сўзлаш мен учун шараф, фахрланаман. Устоз соғ-саломат бўлинг, умрингиз узоқ бўлсин, жаннатмакон

Ватанимизнинг илм-фани, қишлоқ хўжалиги тараққиётига қўшаётган улуғ ҳиссаларингиз асло тугамасин, чарчаманг. Умрингиз узоқ бўлсин!

\*\*\*

**Собир САНАЕВ,**  
Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти “Ўсимликшунослик ва мева-сабзавотчилик” кафедраси мудирини, қишлоқ хўжалик фанлари докторини, профессор

### ИЛМ-ФАНГА БАХШИДА УМР



Ҳар бир инсоннинг улғайишида ва шаклланишида ота-онасининг, етукликка ҳамда камолга етишида эса устозларнинг ўрни беқиёсдир. Устозим Остонақулов Тоштемир Эшимович ҳам менинг камолга етишишимда ва ўз соҳамда мукамалликка эришишимда катта ҳисса қўшди.

Мен Устозни 1995 йил, яъни талабалик давримдан буён биламан, бизга “Сабазавотчилик” фанидан дарс берардилар. Устоз дарс жараёнида мавзуни талабаларга моҳирлик билан, назарияни амалиётга боғлаб, жуда қизиқарли қилиб тушунтириб берар эди. Бизга доимо ўз соҳамизни мукамал даражада билишимиз лозимлигини таъкидлар эди.

Ўшанда менда сабазавотчилик соҳасига катта қизиқиш уйғонди ва 1999 йилда Тошкент давлат аграр университетига “Сабазавотчилик” мутахассислиги бўйича магистратурага ўқишга кирдим. 2001 йилда магистр



даражасини олиб, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик" кафедрасида ўз фаолиятимни давом эттирдим.

Устозим Т.Э.Остонакулов раҳбарлигида 2008 йилда номзодлик ва 2017 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдим. Устоз томонидан жуда катта илмий мактаб яратилган бўлиб у киши раҳбарлигида 5 нафар фан доктори (DSc) ва 24 нафар фан номзоди, фалсафа докторлари (PhD) тайёрланган, қишлоқ хўжалик экинларининг 34 та навлари яратилган. Шунингдек 39 та дарслик ва ўқув қўлланмалари, 36 та илмий монографиялар, 69 та тавсияномалар, 65 та услубий қўлланмалар нашр этилган. 376 та нуфузли журналларда, 317 та илмий тўпламларда мақолалар чоп этилган, 50 га яқин патент ҳамда муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Устоз Республикамизнинг ҳар бир минтақасига сабзавотчилик, картошкачилик, полизчилик, мевачилик, дончилик каби қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, чунки у кишининг минглаб шогирдлари ушбу соҳаларда фаолият олиб бормоқда, ёзган асарлари эса бугунги кунда ҳар бир деҳқон, фермер ҳамда томорқа ер эгаларини қўлига етиб борган ва фойдаланмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси фидойиси Тоштемир Остонакуловга шогирд бўлганимдан чексиз миннатдорман.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида йирик олим, моҳир педагог, комил инсон устозим Остонакулов Тоштемир Эшимовични таваллуд топганига 70 йил, илмий педогогик ва жамоатчилик фаолиятига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Устозимга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, илмий ишларида муваффақиятлар тилайман.

\*\*\*

**Муҳаббат ДИЁРОВА,**  
Қарши давлат университети  
Агрокимё ва экология кафедраси  
мудир, б.ф.ф.д. (PhD), доцент.

### КАФЕДРАМИЗ ФАХРИ




Сўз мулкининг султони ҳазрати Алишер Навоий илм тарқатувчи устозлар тўғрисида шундай марҳамат қиладилар:

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф  
ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо ҳаққин анинг  
юз ганж ила.*

Дунёда инсонлар турли-туман касбларда фаолият олиб боради. Аммо, касблар ичида шундай бир касб борки, у ҳам шарафли, ҳам маъсулиятлилиги билан ажралиб туради. Бу устозлик ва мураббийлик касбидир.

Талабаларнинг одоб-ахлоқ, билим савиясини янада юқорига кўтариш, ҳар бир талабанинг эҳтиёжи, қизиқиши, иқтидори ва имкониятига яраша қўшимча машғулотлар олиб бориш борасида устозлар тинмай изланмоқда. Бугунги шиддатли бир даврда талабалар онгига чинакам маънавият ва маърифатни сингдириш жуда муҳимлигини ҳар бир устоз-мураббий дилдан ҳис этади. Албатта, уларнинг холис хизматлари икки дунёда ҳам муносиб тақдирланади. Динимизда ҳам бу шарафли касб эгаларига алоҳида эътибор қаратилган. Профессор Тоштемир Эшимович Остонакуловни шундай устозларимиздан деб биламан.



2021 йилдан бошлаб, Т.Э.Остонақулов Қарши давлат университети География ва агрономия факультети Агрокимё ва экология кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқдалар.

Профессор Т.Э.Остонақулов кўп йиллик илмий, ўқув-услубий ва педагогик фаолиятларининг энг муҳим натижаларини кафедрамиз аъзоларига ўргатиб келмоқда. Бизнинг кафедрамизга келиб иш фаолиятларини бошлаганларига қисқа муддат бўлган бўлса-да, мана шу уч йилда катта ишларни амалга оширишга улгурдилар. Устоз Т.Э.Остонақуловнинг Қарши давлат университетига келишлари натижасида нафақат бизнинг кафедрамиз рейтингини ортди, қолаверса университетимиз рейтингини ҳам юқори даражага кўтарилди.

Қарши давлат университети профессор-ўқитувчилари бўйича сараланган рейтингда устоз биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятида ташкил этилган “Фермерлар мактаби” да ҳам вилоятимиз фермерларига ўз билимларини аямасдан, тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар.

Устозни уч йил давомида қилган ишлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

Профессор Т.Э.Остонақулов раҳбарлиги остида юздан ортиқ бакалавират, ўндан ортиқ магистр ва ўнга яқин фалсафа докторлари ўз илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишди. Бевосита устоз иштирокида “Сабзавотчилик”дан амалий машғулотлар (2021), “Полизчилик” (2022), “Картошқачилик” (2023) ҳамда “Биология ва генетика” (2023) номли дарсликлари олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кенг тадбиқ этилган. Ушбу дарслик ва ўқув-қўлланмаларнинг 9 таси Республикада энг яхши дарсликлар танловида совринли

Ўринларга ва қимматбаҳо совғаларга сазовор бўлган. Бундан ташқари, қатор илмий монографиялар (Ўзбекистонда туганакмевали экинлар, 2020; Ширин ва тишсимон маккажўхори селекцияси, бирламчи уруғчилиги ва агротехнологиясининг долзарб масалалари, 2021; Картошка навларини эртачи ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстирилганда қулай экиш усулини белгилаш, 2022; Қовун навларини ўстириш ва қуритиш технологиясини такомиллаштириш, 2022; Картошка етиштириш, 2022; Батат навларини асосий ва такрорий экинлар сифатида ўстирилганда қулай экиш муддатларини асослаш, 2022; Такрорий экин сифатида помидор ўстириш агротехнологиясида нав-дурагай, ўтмишдош ва экиш муддатларининг ўрнини белгилаш, 2023 ва ҳоказо) тайёрланган. Улардан илмий ходим ва докторантлар кенг фойдаланишмоқда.

200 дан зиёд илмий мақолалар инглиз ва рус тилларида дунёнинг нуфузли журналлари (Scopus, WoS, "Картофель и овощи", "Актуальные проблемы современной науки", "Селекция и семеноводство", Ўзбекистон ФАнинг "Биология", Болгариянинг "Растениеводческих наук")да нашр этилган.

Халқаро Google scholar илмий базаси бўйича h-index = 9 ни ташкил этмоқда. Ишлаб чиқаришга ишланмалар 69 та тавсиялар, 65 та услубий қўлланмаларда ўз аксини топган.

Картошканинг 3 та ("Боғизоғон", "Ультразим", "Янги Ўзбекистон"), помидорнинг 1 та ("Мустақиллик-28"), қовуннинг 1 та ("Новоткалла"), дон маккажўхорининг 4 та ("Самарқанд тишсимони", "Оқпари", "Қумқишлоқ", "ҚарДУ-1000"), сабзаёт маккажўхорининг 3 та ("Замон", "Замин", "Янги ҳаёт"), ер ноки (топинамбур)нинг 1 та ("Эътироф"); батат (ширин

картошка)нинг 4 та (“Соҷакинур”, “Тойлоқи”, “Филиал”, “Янги Самарқанд”) навлари яратилди ва Давлат реестрига киритилди, амалиётга 12200-12500 гектар майдонга ҳар йили жорий этиб келинмоқда.

Республика ҳукумати, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев аграр соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиб келаётган бир даврда соҳани ривожлантириш, уни саноатлаштириш, халқимиз озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлигига профессор Т.Э.Остонақуловнинг ҳам улкан ҳиссаси бор деб биламан.

Сўзимнинг якунида Устозга айтар тилагим бор:

*Эзгулик йўлида толманг устозим!  
Сизгадир юракда асраган сўзим,  
То мангу таъзимда тураман ўзим.  
Минг йиллик меҳнатлар ҳузурин кўринг,  
Шогирдлар бахтидан шод, масрур юринг,  
Эзгулик йўлида толманг устозим!*

\*\*\*


**Муабара ҲАКИМОВА,**  
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Қишлоқ  
хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш  
технологияси кафедраси мудирини, Халқ депутатлари  
вилоят Кенгаши депутати



### **УСТОЗЛИК МАҚОМИГА ЭГА ОЛИМ**

Устозлар жамият биносининг бинокорлари, маърифат-маънавият боғининг боғбонларидир. Шунинг учун ҳам унинг шогирд устидаги ҳаққи бениҳоя катта ва улуғвордир.

Устоз Остонақулов Тоштемир



Эшимович илму-маърифат зиёсини тарқатиш савобини, буюк устозлик мақомини олган, пайғамбарларнинг меросхўрлари десам ҳеч муболаға ишлатмаган бўламан. Чунки устоз илм билан ҳақиқий саодатни бирдай эгаллаган комил инсонлар қаторида ҳаёт ғилдирагини айлантириб, биз шогирдларига намуна бўлиб келмоқдалар.

Халқимизда қадим-қадимдан устоз ва мураббийларга ҳурмат кўрсатиб келинган. Муҳаддислар султони Имом Бухорий раҳимахуллоҳ бир муддат Маккада дарс берганлар. Бир зиёратчи Имом ҳазратларига Бухорои шарифдаги устозларидан салом ва мактуб келтиради. Салом хабарини эшитганларида Бухорои шариф томонга юзланиб, саломга алик олганлар ва табаррук мактубни икки кўллаб олиб, эҳтиром билан танишиб чиққанлар.

Юқоридаги ривоятни бежиз келтирмадим. Домлани кафедрага ишга таклиф қилганимда, таклифни қабул қилганликлари тўғрисидаги хабарни эшитар эканман, ниҳоятда хурсанд бўлиб кетганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Домла билан ҳеч юзма-юз мулоқотда бўлмаган эдим, фақат таърифларини эшитган эдим, холос. Олдинлари устозни бир марта бўлса ҳам кўриб, суҳбатларини олишга ошиқардим, эндиликда эса устоз билан бир кафедрада тўрт йилдан буён ишлаб келаётганимга хурсандман.

Домла биз учун ҳар жабҳада намуна. Домла менга “мудира” деб мурожаат қиладилар, шундай мурожаат менга хуш келади. Ҳар сафар “Мудира, бизга нима топшириқ бор?”, десалар, очиғи, хижолат тортаман.

Т.Остонақулов кафедрада иш бошлаганларидан буён 2 нафар магистр, 1 нафар докторант ва 3 нафар мустақил изланувчига илмий раҳбарлик қилиш билан бирга, талабаларнинг мутахассислик фанларидан ўқув адабиётлари билан таъминланишига ва кафедрада илмий

салоҳиятни ошишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. У киши ниҳоятда самимий, олдинни кўра оладиган, ҳақиқатни шартта юзингизга айтадиган, камчиликларни чиройли қилиб етказиш қобилиятига эга бўлган инсон. Ютуғингизни эса шундай чиройли тилда айтадиларки, ўзингиздан ўзингиз хурсанд бўласиз.

Инсон умрининг безаги, айтиш мумкин бўлса, зийнати унинг яхши амали, ибратли умр йўлида кўринади. Устоз, Сиз Ватан, эл-юрт равнақи, фаровонлигига ҳисса қўшишни ҳаётнинг мазмунига айлантирган инсонлардан бирисиз, тажрибали педагог, йирик олим, бағри кенг устозсиз. Сиз билан замондош эканлигимдан фахрланаман, доимо соғ бўлинг!

\*\*\*

**Худойберди БОЙМУРОДОВ,**  
«Мароқанд-сифат» текстиль  
кластери иш бошқарувчиси, қ/х.ф.н.


### **ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИГАН ИНСОН**



Ҳар қандай инсон ўз ҳаётида эришган ютуқлари, муваффақиятлари заминида биринчи навбатда оила, ота-она турса, ундан кейин, таълим-тарбия берган, тўғри йўлга бошлаган устозлар туради.

Менинг учун ҳам Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ўқишим давомида, ҳатто ҳозир ҳам устозлик қилиб келаётган профессор

Тоштемир Эшимович Остонақулов ана шундай ажойиб инсон.



Т.Остонакулов ҳам устозим, ҳам дўстим. У қаттиққўл, айни пайтда меҳрибон ва бағри кенг одам. Жўяли маслаҳат беради, тўғри йўл кўрсатади, билганларини аямайди, тажрибасини ўргатади.

Устоз Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ректорлик қилган чоғиларда 16 гектар майдонга жойлашган институт ҳудудини ободонлаштирди, ҳар бир ўқув биноси, хоналарини талаб даражасига келтирди. У киши раҳбарлик қилган йилларда ўқув жараёни сифатининг яхшиланишида, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг жорий қилинишида, тажриба алмашишда, хорижий олимларнинг таълим-тарбия жараёнига жалб этилишида, чет элда ўқиш, малака ва стажировкаларнинг ташкил этилишида институт сезиларли ютуқларга эришди.

У кишининг илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида юқори салоҳият эгаси эканлигини юракдан ҳис қилганман. Тиниб-тинчимас бу инсоннинг далаларда, пайкалларда деҳқонлар, фермерлар билан берилиб гаплашишларига, фикр алмашишларига, маслаҳатлар беришларига ҳавас қилганман. Тажриба участкасидаги юришларига, кузатувчанлигига, ҳисоб-китоб, ўчлов ишларини сидқидилдан бажаришларига қойил қолганман.

Четдан келтирилаётган уруғларга қарам бўлиб қолмаслик, асосий эътиборни маҳаллий навларни етиштиришга қаратиш ғояси у кишининг чинакам юрт фидойиси эканлигини тасдиқлаб туради.

Экинларнинг янги навларини яратиш, натижаларни амалиётга кенг тадбиқ этиш, мамлакатимиз аграр соҳаси ривожига, озиқ-овқат хавфсизлигига улкан ҳисса қўшиб



келаётган бу бетакрор олимнинг шогирди эканлигим билан фахрланаман.

Менинг узоқ йиллик хўжалик раҳбари, туман ҳокими, вилоят Мева-сабзавот концерни раҳбари, Олий Мажлис депутати сифатидаги фаолиятимда устозимдан олган ўғитлар жуда асқотган.

Отам – ҳожи бобо, онам – ҳожи оналар, оға-иниларим ҳам домлани яхши кўрарди, жуда ҳурмат қиларди.

Устозимни 70 ёши билан қутлар эканман, у киши ҳали ҳам ишлаб чарчамайдиган, катта марраларни эгаллашга қодир эканлигига ишонаман. Фидойи инсон ва олим устозимга узоқ умр ва мустаҳкам соғлик тилайман.


\*\*\*

**Ғулом ҒАЙБУЛЛАЕВ,**  
СамАТИ, агробиология факультети  
декани, қ.х.ф.д., профессор.

### **УСТОЗИМ ҲАҚИДА СЎЗЛАШ ШАРАФ**



Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг селекция ва уруғчилик йўналишида бакалавр талабаси (1998-2002) бўлган йилларим устоз генетика, селекция, уруғчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудири эдилар. Агрономия факультетида ўсимлик-шунослик мутахассислиги бўйича таҳсил олган йилларимда (2002-2004) устоз факультет декани лавозимида, аспирантурада ўқиган давримда (2005-2009) устоз ўқув ишлари бўйича 1-проректор,



селекция ва уруғчилик кафедрасида ассистент лавозимида ишлашни бошлаганимда (2011) устоз Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори лавозимида ишлар эди.

Юқорида тарихни бежиз эсламадим. Ўтган даврлар мен учун бугунги кундаги муваффақиятларим пойдевори бўлиб хизмат қилди, бу ютуқларимда устозим Т.Э.Остонакуловнинг хизматлари жуда катта бўлди. Устозим бакалавр, магистр, аспирантура ва кафедрада ишлаган даврларимда ҳар томонлама мени қўллаб-қувватлаб келган.

Устоз ҳақиқий селекционер... ҳаммамиз биламизки, *селекция* танлаш маъносини билдиради. У киши доимо иқтидорли, ватанпарвар ёшларни танлаб, уларга билим бериш билан бир қаторда, илм олишларига шарт-шароитлар яратиб берди. Бунинг натижасида эса кўплаб шогирдлари бугун Республикамизнинг барча соҳаларида етук мутахассис ва раҳбар кадрлар бўлиб фаолият юритишмоқда. Шогирдларидан бири сифатида ҳозирда Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқолар институтида Агробиология факультети декани лавозимида ишлаб келяпман. Факультетни бошқаришда устозимдан ўрганган дипломатия, инсонийлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, инновация сингари бошқарув санъати менга катта ёрдам бериб келмоқда. Устоз билан биргаликда Самарқанд вилоятида 13-15 минг гектар майдонда кенг экиб келинаётган кузги юмшоқ буғдойнинг “Жасмина”, “Фарбома”, “Амира” ва “Зарафшон” навларини яратдик, ушбу навларга нав гувоҳномаси, патентлар олинди. Илмий-тадқиқотлар ишларида устоз билан ҳозиргача маслаҳатлашиб тураман, менга ҳеч қачон ўз билим ва тавсияларини беришдан чарчамайди.

Сўзимнинг якунида яна бир бор устознинг минглаб шогирдлари ичида борлигимдан фахрланаман. Азиз устоз, ҳамиша соғ-саломат бўлинг, умрингиз узоқ бўлсин, жаннатмакон ватанимиз саналган Ўзбекистон илм-фани, қишлоқ хўжалиги тараққиётига қўшаётган улғу ҳиссаларингиз асло тугамасин.

\*\*\*


**Хайитмурод ТИЛАВОВ,**  
СамАТИ, озиқ-овқат хавфсизлиги ва  
технологияси кафедраси мудири,  
қ.х.ф.д.(PhD), доцент.

### **ИЛМ ЙЎЛИДА ШАМЧИРОҒИМ – УСТОЗИМ**



Мен 1992-1997 йиллар Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида агроинженерия факультети талабаси бўлганман. Устоз Тоштемир Эшимович Остонакуловнинг иккинчи босқичда бизга “Мева-сабзавотчилик” фанидан маъруза ўқигани хали ҳам ёдимда. Устоз ўша вақтлари генетика, селекция, уруғчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудири бўлиб фаолият юритар эди.

Устоз маърузани юксак моҳорат билан ўтардики, биз талабалар яна шу фанни интизорлик билан кутар эдик. Институтни тамомлаб, ўзим таҳсил олган факультетимда ишда қолиб, устоз билан бир олийгоҳда ишлаш насиб қилганлигидан жуда хурсандман. Устоз 2005-2011 йиллар институт ўқув ишлари бўйича 1-проректори лавозимида



ишлаган кезларида мен Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва маҳсулотларини қайта ишлаш факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари эдим.

Менинг ёруғ дунёга келиб, баркамол ва руҳан тетик, соғлом, меҳнатсевар, ватарпарвар, фидойи, дунёқараши кенг, мустақил фикрга эга комил инсон бўлиб етишишимда, энг аввало, ота-онам ва уларни дуоси сабабчи бўлса, машаққатли ҳаётнинг паст-баланд йўлларида тўғри йўлга чиқиб, ҳаёт зинапояларидан аста-секинлик билан кўтарилишимда эса Устозимнинг роли ва ўрни беқиёсдир.

Устознинг қалбидан таралган зиё туфайли маънавий дунёқарашим ёруғ ва равшан бўлди. Бинобарин, биз Устозни қанча кўп улуғласак, эъзозласак, шунчалик кўнглимиз шод бўлади, фарзандларимиз дунёқараши юксалади.

Шу сабабли ҳаётда ўз ўрнини топган кўплаб инсонларнинг устози, яъни тўғри йўл кўрсата оладиган шамчироғи бор. Устоз нафақат илмий ишларимизда, балки ҳаётда бажараётган ишларимизга ҳам баҳо ва маслаҳатлар бериб, кўзлаган натижага эришишимизга хизмат қилувчи йўлбошчимиздир.

Устозим билан биргаликда 2016-2019 йиллар “Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқларда қовун навларини турли технологияларда ўстириш ва қуритишга мослигини ўрганиш” мавзусида илмий изланишлар олиб бориб, қовуннинг янги “Новоткалла” навини яратдик.

Устоз биргаликда олиб борилган илмий изланишлар даврида устоздан фақатгина илм сирларини эмас, балки инсоний фазилатларни ҳам ўргандим. Устоз ҳақиқий қишлоқ хўжалиги билимдони, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишда янги технологияларни кўллаш орқали экологик тоза қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини етиштириш соҳасида етук селекционер олимдир.

Устознинг минглаб шогирдлари ичидан мен учун сўзлаш ғурур бахш этади. Устоз! Сизга узоқ умр тилайман! Жаннатмакон ватанимиз илм-фани, қишлоқ хўжалиги тараққиёти йўлида олиб бораётган фаолиятингизга асло кўз тегмасин.

\*\*\*

**Олим АЛИМАРДОНОВ,**  
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар  
миллий маркази Сурхондарё вилоят  
агрохизматлар маркази директори, қ.х.ф.ф.д.

### **УСТОЗИМ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ**



Республикамиз аграр соҳасини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган олимлардан бири Тоштемир Эшимович Остонақулов узоқ йиллик илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолияти давомида картошка ва бошқа экинларнинг янги навларини яратди. Бу эса аграр соҳада катта аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз дастурхонини бойитишга хизмат

қилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича ўртак бўларли ишлар амалга оширилди. Бевосита устоз таълим берган, илмий ва ҳаётий тажрибаларни пухта ўзлаштирган шогирдлари (5 нафар фан доктори (DSc) ва

24 нафар фан номзодлари, фалсафа докторлари (PhD) айна пайтда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тармоқларида кўплаб топилади.

Устоз томонидан қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида ёзилган қатор дарслик, ўқув қўлланма, монография ва услубий қўлланмалар Республикамиздаги кўплаб аграр соҳага ихтисослашган олийгоҳларда ўқитилиб келинмоқда.

Мен 1991 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Агрономия факультетига ўқишга кириб, устоз раҳбарлигида битирув диплом ишимни ёзганман. 2019 йилда “Картошка ҳосилдорлигига турли қатор оралиқлари ва парваришlash тадбирларининг таъсири” мавзусида қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган илмий ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Давлат ишларининг турли тармоқларида, раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб боришимда, қатор ютуқларга эришишимда устозимнинг бевосита маслаҳатлари ҳамда қўллаб-қуватлашлари сабаб бўлган.

Бугун Устозим ҳақида қанча таъриф келтирсам ҳам кам. Ҳурматли Тоштемир Эшимовичга узоқ умр, мустаҳкам соғлик тилайман. Республикамиз тараққиётига хизмат қиладиган забардаст мутахассислар тайёрлашда ҳормай-толмай шижоат кўрсатишини Яратгандан сўраб қоламан.

\*\*\*

**Алишер ИСМОЙЛОВ,**  
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик  
илмий-тадқиқот институти  
Самарқанд илмий-тажриба  
станцияси директори. қ.х.ф.ф.д., доцент.

### **УСТОЗИМ ҲАҚИДА СЎЗЛАШ МЕН УЧУН ШАРАФ**



2002-2006 йиллари Самарқанд қишлоқ хўжалик институти талабаси бўлганимда устоз Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси мудири, 2006-2008 йиллари Агрономия факультетида сабзавотчилик мутахассислиги бўйича тахсил олганимда, аспирантурада ўқиган даврларимда устоз институтда ўқув ишлари бўйича 1-проректор, 2012 йилдан селекция ва уруғчилик кафедрасида ассистент лавозимида ишлашни бошлаганимда ректор лавозимида ишлар эдилар.

Юқоридаги тарихни бекорга эслаганим йўқ, чунки бу давр мен учун бугунги кундаги муваффақиятларим ва ютуқларимда устозим Т.Э.Остонақуловнинг хизматлари катта бўлди. Устозим бакалавр, магистр, аспирантура ва кафедрада ишлаган даврларимда доимо, ҳар томонлама мени қўллаб-қувватлаб келдилар.

Устоз ҳақиқий селекционер олим. Ҳаммамиз биламизки, селекция танлаш маъносини билдиради у киши доимо таланти, ватанпарвар ёшларни танлаб, уларга илм, билим ва шарт-шароитлар яратиб берди. Бунинг меваси бўлиб ҳозирда Республикамизнинг барча

соҳаларида етук мутахассис ва раҳбар кадрлар етишиб чиққан.

Самарқанд илмий-тажриба станциясини бошқаришда устозимдан ўрганган бошқарув санъати (юқори дипломатия, инсонийлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, инновация) менга катта ёрдам бериб келмоқда. Бундан ташқари Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқолар институтида Агробиология факультети Агробиотехнология кафедрасида 0,25 штат бирлигида доцент лавозимида ишлаб, ёш, билимга чанқоқ бакалавр ва магистр талабаларига "Сабзаёт экинлари селекцияси" фанидан сабоқ бериб келмоқдаман.

Устоз билан биргаликда Самарқанд вилоятида экиб келинаётган қовуннинг "Новоткалла", картошканинг "Боғизоғон", ширин картошка (батат)нинг "Тойлоқи" ва "Сочаки нур" навларини яратдик, ушбу навларга муаллифлик гувоҳномаси олинди. У кишининг раҳбарлиги ва бевосита маслаҳатлари билан илмий-тадқиқот ишларимиз ҳозир ҳам давом этмоқда. 2023 йилда устоз раҳбарлигида Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиши агентлиги томонидан битта "Ультра эртапишар, серҳосил, фузариоз ва фитофтороз касалликларга бардошли картошка навларини яратиш" мавзусидаги амалий лойиҳани бажариб келмоқдамиз.

Сўзимнинг якунида яна бир бор устознинг минглаб шогирдлари ичидан устозим ҳақида сўзлаш мен учун ғурур бахш этади, фахрланаман устоз соғ-саломат бўлинг, умрингиз узок бўлсин, жаннатмакон ватанимиз Ўзбекистон илм-фани, қишлоқ хўжалиги тарақиётига қўшаётган улуг ҳиссаларингиз асло тугамасин чарчаманг.

\*\*\*



**Ҳамидулла АМИРОВ,**  
Қарши давлат университети  
доценти, қ.х.ф.ф.д.(PhD).

### **ФИДОЙИ ВА ИЗЛАНУВЧАН УСТОЗ**



Устозлик энг буюк мақомдир. Зеро, башариятнинг энг афзал вакиллари бўлмиш пайғамбарлар ҳам устоз, муаллим қилиб юборилганлар.

Устозлар жамиятимизга сув ва ҳавадек зарурдир. Бу муҳтарам зотларни бамисоли атрофга ўз нуруни сочаётган қуёшга ўхшатсак бўлади. Қуёшнинг нуридан барча мавжудот фойдаланганидек, уларнинг маърифат зиёларидан бутун башарият наф олади.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, устозларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёсдир.

Профессор Т.Э.Остонақулов республикаимиз қишлоқ хўжалигининг ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири. У кишининг сабзавотчилик, мевачилик, картошқачилик, полизчилик, биология ва генетика, селекция ва уруғчилик соҳаларида яратган дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва монографиялари Республика олий таълим муассасаларида талабалар томонидан севиб ўқилмоқда, магистр ва докторантлар учун асосий билим манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Устозимнинг раҳбарлигида 2016-2019 йиллар “Зарафшон водийси янгидан суғориладиган ерларида қовун навларини ўстириш технологиясини такомиллаштириш” мавзусида илмий изланишлар олиб бордим ва PhD диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Биргаликда қовуннинг янги “Новоткалла” навини яратдик. Бунинг учун устоздан бир умр миннатдорман.

*Муҳтарам Устоз!* Илмий-тадқиқот ишларию қўлланма ва дарсликлар ёзишдан иборат режаларингиз ҳамда орзу-ниятларингиз ниҳоятда кўп. Мана шу машаққатли, масъулиятли ва эзгу ишларни амалга оширишда Сизга куч-қувват, мустаҳкам соғлик, тинчлик-ҳотиржамлик, бахт-саодат тилайман, ишларингизда мудом зафарлар ёр бўлсин! Сизни муборак 70 ёшингиз билан самимий табриклайман.

\*\*\*

**Анвар ШАМСИЕВ,**  
Самарқанд агроинвестициялар ва тадқиқотлар  
институти, таълим сифатини назорат қилиш  
бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари  
бўйича фалсафа доктори, доцент.



**УСТОЗ МЕҲНАТИ БЕБАҲО, ҚАДРИ  
СЎНМАСДИР!**

Республикамыз қишлоқ  
хўжалиги соҳасида ёшларга таълим  
бериб келаётган азиз Устоз, қишлоқ  
хўжалик фанлари доктори, профессор  
Остонакулов Тоштемир Эшимович  
таваллуд топганига 70 йил, илмий-

педагогик ва жамоатчилик фаолиятига 50 йил тўлди.

*Ҳурматли Тоштемир Эшимович!*

Сизнинг босиб ўтган ҳаёт йўлингиз, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги узоқ йиллик самарали фаолиятингиз биз каби ёш авлодлар учун улкан ибрат мактаби вазифасини ўтайди. Яратган илмий ишларингиз, тадқиқ этган илмий йўналишларингиз, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим вазифалар ечимига қаратилган ижодий ишларингиз аграр соҳада малакали кадрлар тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилади.

*Ҳурматли Устоз!*

Сиз бугунги кунга қадар жуда кўплаб ёшларни тарбиялаб, уларга раҳбарлик қилиб, Республикамызиннинг турли соҳаларида етук кадрлар бўлиб етишишига улкан ҳисса қўшиб келмоқдасиз. Ушбу ёшлар қаторида менга ҳам раҳбарлик қилганингиздан миннатдорман ва бундан фахрланаман.

Ҳақиқатдан ҳам, устозлар меҳнатининг қиёси йўқ. Уларнинг шарафли ҳамда машаққатли меҳнатлари бебаҳо, қадрли сўнмасдир! Биргина ғазал мулкининг султони Ҳазрат Навоийнинг:

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила*  
деган мисралари устозлар меҳнатига берилган энг муносиб баҳодир.

Ҳурматли Устоз! Сизни бугунги шукрона кунингиз билан чин юракдан самимий муборакбод этаман. Оилангиз, яқинларингиз, шогирдларингиз бахтига доим соғ-саломат бўлиб юринг.

\*\*\*

**Салиха НАРЗИЕВА,**  
Ўзбекистон ёшлар мукофотининг лауреати,  
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.

### ИЛМ ЙЎЛЛАРИДА ЁНМА-ЁН




Самарқанд шаҳри қадимдан илм-фан ўчоғи бўлган ва ҳозирги кунда ҳам бу нуфузини сақлаб келмоқда. Республикамизнинг ҳамма вилоят ва ҳудудларидан ёшлар келиб, шу қадимий шаҳарда билим олиб, фан чўққиларини забт этиб, ўзларининг мутахассислиги бўйича керакли ташкилотларда фаолият олиб бормоқда.

Тоштемир Эшимович Остонакулов ҳам узоқ Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидан келиб Самарқанд шаҳридаги энг кекса олий ўқув юртларидан бўлган Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кириб, шу институтни 1975 йилда олим-агроном мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатган.

Илмга чанқоқ бўлажак олим профессор Д.Т.Абдукаримов раҳбарлигида картошка экинини ўстириш технологиясини такомиллаштириш мавзусида диплом иши бажаришдан бошлаб, шу мавзунини муаммоли, долзарб томонларини чуқур ўрганиб, докторлик диссертациясини академиклар К.З.Будин ва Д.Т.Абдукаримовлар раҳбарлигида ВИАР (Санкт-Петербург шаҳри)да ёзиб ҳимоя қилди.

Мен Тоштемир Эшимовични 50 йилдан бери яқиндан биламан. Бизларни илм ўрганиш йўллари учраштирди ва мен нафақага чиққунимга қадар – 2015 йилгача у киши билан ёнма-ён, битта кафедрада фаолият олиб бордим.



1976 йилда мен Самарқанд ҚХИ нинг ўсимликшунослик илмий йўналиши бўйича кундузги аспирантурага, Тоштемир Эшимович эса Ўзбекистон сабзаёт-полиэ экинлари ва картошкачилик ИТИ картошкачилик бўлими кундузги аспирантурасига қабул қилинди. Шу йилдан бошлаб бизлар биргаликда илмий тадқиқот ишларини олиб бордик. Иккаламининг ҳам илмий ишларимизнинг мавзуси картошкачилик соҳасидан бўлганлиги ва бир устознинг шогирдлари эканлигимиз дала тажрибаларимизни бир хўжаликда ва лаборатория таҳлилларини бир жойда бажаришимизни тақозо қилган эди. Маълумки, агрономия соҳасида илмий тадқиқот ишлари деҳқончилик хўжаликлариди олиб борилади. Бизлар дала тажрибаларимизни биргаликда сабзаёт ва полиэчилик ҳамда картошкачиликка ихтисослашган Тайлоқ туманининг Жумабозор хўжалигида олиб бордик. 1976-1978 йилларда, яъни 3 йил давомида, йилнинг май ойидан – ерни экишга тайёрлашдан бошлаб, ноябрь ойигача – ҳосилни йиғиштириб, тажриба таҳлиллари учун керакли туганакларни ажратиб қопчаларга солиб шаҳарга бирга қайтардик. Тажриба услубига кўра, барча кузатув, ўлчаш, ҳисоблаш ва туганакларни биокимёвий таркибини ўрганишгача бўлган жараёнларни бирга бажарар эдик.

Ўша пайтларда ҳам мен Тоштемир Эшимовични фан соҳасини чуқур ўрганишга бўлган иштиёқини сезганман. Шуларнинг натижаси бўлса керак, Тоштемир Эшимович фан доктори, профессор унвонларига эришди ва Петербург Фанлар академиясининг аъзоси бўлди.

Институтдаги педагогик фаолиятига келсак, 1994 йилдан 2015 йилгача, яъни мени нафақага чиққунимга қадар Самарқанд ҚХИ мева-сабзаётчилик ва узумчилик кафедрасида ёнма-ён ишладик. Биргаликда фан режа ва дастурлари, услубий кўсатмалар, тавсиялар, ўқув

кўлланмалари, дарсликлар ва фермерлар учун кўлланмаларни тайёрладик.

Тоштемир Эшимович педагогик фаолияти даврида ҳам, ҳозирги кунда ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб боришдан тўхтагани йўқ. Республикамизнинг ҳар хил тупроқ ва иқлим шароитларига мос бўлган сабзавот-полиэкинлари ва картошканинг истиқболли навларини танлаш ва ўстириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, салоҳиятли мутахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратмоқда. У кишининг раҳбарлигида бир қанча фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди. Бу соҳада у кишига фақат омад ва муваффақият тилаб қоламан.

Тоштемир Эшимович яхши оила бошлиғи ва фарзандларининг суюкли отаси. Турмуш ўртоғи Сувонова Барчиной билан икки ўғил ва бир қизни замонамизга мос инсонлар қилиб тарбиялади. Катта ўғиллари Олимжон иқтисод соҳаси бўйича фан доктори, профессор, Одилжон эса фалсафа доктори.

Барчиной Сувонова ҳақида алоҳида фикрларимни айтмоқчиман. Барчиной ҳам агрономия факультетини тугатган, олий маълумотли мутахассис. Қатор йиллар Самарқанд Пахта саноат уюшмасининг сифат лабораториясида ишлаб, ўзининг етук мутахассис эканлигини кўрсатган. Фарзандларининг меҳрибон онаси, бир аёл учун бериладиган барча хислатлар у кишида мужассам. Донишмандлар айтганидек, ҳар қандай буюк эркакнинг орқасида бир доно ва оқила аёл туради. Мен бу фикрга тўлиқ қўшиламан ва Тоштемир Эшимовичнинг барча муваффақиятлари замирида умр йўлдоши Барчинойнинг ҳам хизматлари катта эканини таъкидлайман.

Сўзимнинг якунида Тоштемир Эшимовичга соғлик-омонлик, узоқ умр, келгусидаги фаолиятига муваффақиятлар ёр бўлишини, фарзандлари ва набираларининг бахту камолини кўришини тилаб қоламан.

\*\*\*


**Норжигит НИШОНОВ,**  
қ/х ф.н., Самарқанд агроинновациялар  
ва тадқиқотлар институт доценти.

### УСТОЗ ОТАНГДАН УЛУҒ



Ўтаётган йиллар мобайнида илм олиш йўлида менга кўрсатган ёрдамнингиз, берган тавсияларингиз, қўллаб-қувватлашингиз ва йўл-йўриқларингиз учун сизга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Сизнинг профессионаллингиз, сабр-тоқатингиз ва фидойилигингиз мени машаққатларни енгиб ўтишга ва янги марраларни забт этишга илҳомлантирди. Сиз шунчаки устоз эмас, балки билим ва тажрибангизни мен билан баҳам кўрган ҳақиқий мураббий бўла олдингиз. Сизнинг саволларга очиқлигингиз, ёрдамга шайлигингиз ва менинг ривожланишимни кўришга бўлган самимий хоҳишингиз мен учун катта аҳамиятга эга.

Мен Самарқанд давлат қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирган 1982 йилдан то ҳозирга қадар бериб келаётган бебаҳо ўғитларингиз учун миннатдорман. Сиз берган билимлар натижасида мен қишлоқ хўжалик институти талабасидан қишлоқ хўжалик фанлари



номзоди, доцент даражасига эришдим. Илм бебаҳо бойлик, уни эгаллаш осон иш эмас. Уламолар илм олишни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишган. Инсон шундай бебаҳо хазинанинг соҳиби бўлишида устознинг ўрни беқиёс.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифда ўзидаги билим ва ҳунарни бошқаларга ўргатувчи инсонлар ҳақида: «Албатта, Аллоҳ таоло унинг фаришталари, самовот аҳли, ҳаттоки, қавакдаги чумоли, денгиздаги балиққача барчалари инсонларга яхшилик ўргатувчи киши ҳақида саловат-дуо айтиб турадилар», деб марҳамат қилганлар.

